



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ,
КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЕР РЕСУРСЛАРИНИНГ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА

DAVYERGEODEZKADASTR

МИЛЛИЙ ҲИСОБОТ



ТОШКЕНТ 2020



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ,
КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

**Ўзбекистон Республикаси
Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида
МИЛЛИЙ ҲИСОБОТ**

Тошкент-2020

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида”ги 543-сонли, 2000 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 496-сонли ҳамда 2017 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси тўғрисидаги ҳамда ер муносабатлари ва давлат кадастрларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 529-сонли қарорларида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида, “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот” тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисоботни тайёрлашда, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, унинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларнинг мутахассислари иштирок этиб, улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асос қилиб олинди.

Бош муҳаррир:

А.Х.Абдуллаев

Муҳаррирлар:

Т.М.Абдуллаев

М.И.Рузметов

Ш.Ҳ.Ҳабибуллаев

А.А.Маматов

Н.А.Атамуратов

Тузувчилар:

М.Мадиримов, Б.Нормўминов, Б.Исаметдинов, Д.Меретов, Й.Қорабоев, Ф.Тухташев, Ф.Хушвақтов, И.Логинов, М.Агзамов, Ў.Сафаров, З.Исаков, А.Рўзиев, М.Умаров, Р.Тўраев, Ш.Бобомуродов, О.Жабборов, Ш.Майинов, О.Давронов.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| Сўз боши. | 4 |
| 1. Ўзбекистон Республикасининг ер фонди. | 6 |
| 1.1. Ер фондининг тоифалари ва уларнинг тавсифи. | 6 |
| 1.2. Ер фонди тоифаларининг ер турлари бўйича тақсимланиши. | 18 |
| 1.3. Фермер хўжалиklarининг ихтисослашуви ва ер майдонларидан фойдаланиши. | 29 |
| 2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқлари мониторинги ва уларнинг мелиоратив ҳолати | 32 |
| 2.1. Навоий вилояти суғориладиган тупроқлари ва уларнинг унумдорлик даражаси динамикаси. | 32 |
| 2.2. Сурхондарё вилоятининг Тожикистон алюминий компанияси (ТАЛКО) билан чегарадош ҳудудлари суғориладиган тупроқларининг экологик ҳолати. | 40 |
| 3. Давлат кадастрларини юритиш бўйича амалга оширилган ишлар ва уларни такомиллаштириш. | 47 |
| 3.1. Ер кадастрига оид хариталарни яратиш самарадорлигини оширишда аэрофотосъёмка ишлари натижадорлиги. | 47 |
| 3.2. Ортофотопланлар асосида ер ресурсларини хатловдан ўтказиш самарадорлиги. | 53 |
| 3.3. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг меъёрий баҳосини аниқлаш тизими ва натижалари. | 57 |
| 3.4. Давлат кадастрлари ягона тизими. | 60 |
| 4. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш жараёнида, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш, ер мониторинги юритишни амалга ошириш. | 81 |
| 4.1. Ер ресурсларидан фойдаланиш, уни муҳофаза қилинишида давлат назоратини амалга ошириш. | 81 |
| 4.2. Навоий вилояти Нурота ва Жиззах вилояти Фориш туманларида яйловларининг ҳолати. | 90 |
| 4.3. Ер фондининг ҳолатини кузатиш, ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, салбий жараёнларни олдини олиш ва оқибатларини тугатиш, ер мониторингини юритиш. | 96 |

С ў з б о ш и

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг асосий вазифалари ер ресурсларидан оқилона фойдаланиши, ер муносабатларини тартибга солиши, ер тузишини ва ерлар мониторингини ташиқил қилиши, тупроқ унумдорлигини сақлаши, ошириши ва қайта тиклаши бўйича ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш ҳамда геодезия ва картография фаолиятини бошқариши, давлат геодезия назоратини ташиқил этиши, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиши соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириши, давлат ер кадастрини, давлат картография-геодезия кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини, шунингдек Давлат кадастрлари ягона тизимини юритишдан иборат.

Давергеодезкадастр қўмитасининг корхона, ташиқилот ва ҳудудий бошқармалари томонидан амалга ошириладиган ишлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига амал қилган ҳолда бажарилади.

Давергеодезкадастр қўмитаси ўзига юклатилган асосий вазифаларга мувофиқ ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида ҳар йилги Миллий ҳисоботни тузади.

Республикамиз иқтисодиёт тармоқларини янада ривожлантириши ва уларни ер ресурсларига бўлган эҳтиёжини қондириши учун шарт-шароитлар яратишда миллий ер ҳисоботи маълумотлари муҳим ўрин тутлади.

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида қайд этилганидек, “Иқтисодиётни янада ривожлантиришига йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиши, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиши ва жадал ривожлантириши.” каби масалаларни ҳал этишда ҳам мазкур ҳисобот алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий - иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, мавжуд бозор муносабатларини янада чуқурлаштириши, иқтисодиётни модернизация қилиши тизимида мамлакатни 2017-2021 йилларда ривожлантириши бўйича ҳаракатлар стратегияси муҳим амалий аҳамият касб этади. Ундан кўзланган асосий мақсад - олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириши, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариши, ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириши, Республикадаги барча соҳаларни модернизация қилиши бўйича энг устувор йўналишларни амалга оширишдан иборат. Айнан шундай устувор йўналишлар тизимида қишлоқ хўжалигини модернизация қилиши ва жадал ривожлантириши, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириши, кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришига қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириши иқтисодиётда ва ижтимоий ҳаётда ўзининг муҳимлиги билан ажралиб туради. Ушбу қайд қилинган йўналишларни муваффақиятли амалга оширишда мамлакатнинг асосий миллий бойлиги бўлган ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишини ташиқил этишига мўлжалланган тадбирлар тизимини яратиши ҳамда амалиётга жорий этиши, яъни бугунги

шароитга мос тарзда уларни барқарор бошқарувини амалга ошириш яқин истиқболда қўтилган натижаларни бериши табиийдир.

Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатилган ижтимоий-иқтисодий ва экологик вазифаларни, мустақил суверен давлат сифатида сиёсий ва давлат тизими муаммоларини ҳал этиши, тармоқнинг кўп укладли шаклларини ривожлантириши, ердан оқилона ва самарали фойдаланиши, ерга оид масалаларни ҳал этишида ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишни кенгайтириши имкониятларини ривожлантиришига, самарадорлигини таъминлашга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари, қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари республикамизда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиши, уларни муҳофаза қилиши, ер муносабатларини тартибга солиши, ер кадастри, ер тузиши ва ерлар мониторингини юритиш самарадорлигини оширишига йўналтирилган қонунчилик соҳасидаги тажрибалардан келиб чиқадиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи иқтисодий сиёсатнинг уйғунлаштирувчи муҳим ҳужжатлари бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисоботни тайёрлашда Давергеодезкадастр қўмитаси томонидан ҳисобот йилида корхона, муассаса, фермер хўжаликлари ва ташкилотларнинг ерларидаги барча ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳамда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимларининг қарорлари билан тасдиқланган йиллик ер ҳисоботларини республика бўйича умумлаштириши натижасида, шунингдек, қўмита тизимидаги корхона ва ташкилотлар томонидан бажарилган ер тузиши, ер кадастри лойиҳа-қидирув ишлари маълумотларидан фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот Республикамиз ер фондининг ҳолатини кузатиши, миқдор ва сифат даражасининг ўзгаришини ўз вақтида аниқлаш, давлат кадастрларини юритиши, ер тузиши, ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиши, ерларнинг муҳофаза қилинишини ахборот билан таъминлаш учун муҳим ҳужжат сифатида фойдаланишига мўлжалланган.



1. Ўзбекистон Республикасининг ер фонди

1.1. Ер фондининг тоифалари ва уларнинг тавсифи

Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг 2020 йил 1 январь ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан ҳисобот йилида корхона, муассаса, фермер хўжаликлари ва ташкилотларнинг ерларидаги барча ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳамда туман, шаҳар ва вилоят ҳокимларининг қарорлари билан тасдиқланган йиллик ер ҳисоботларини республика бўйича умумлаштириш натижасида тузилди.

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарасидаги умумий ер майдони 2020 йил 1 январь ҳолатига жами ерлар **44892,4** минг гектарни, шундан суғориладиган ерлар эса **4329** минг гектарни ёки умумий ер майдонининг **9,6** фоизини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси ер фонди ерлардан фойдаланиш мақсади ва тартибига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 8-моддасига асосан **8** та тоифага бўлинади.


Ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши 1.1-жадвалда ва 1.1-расмда ҳамда ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши 1.2-жадвал ва 1.2-расмда кўрсатилган.

1.1-жадвал


Ўзбекистон Республикаси Ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши

(минг га. ҳисобида)

| Т/р | Ер фондининг тоифалари | Умумий ер майдон | | Шу жумладан, суғориладиган ерлар | |
|-----|--|------------------|---------------|----------------------------------|---------------|
| | | Жами | Фоиз ҳисобида | Жами | Фоиз ҳисобида |
| 1 | Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар | 20761,6 | 46,25 | 4210,1 | 9,38 |
| 2 | Аҳоли пунктларининг ерлари | 223,4 | 0,50 | 52,7 | 0,12 |
| 3 | Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар | 867,4 | 1,93 | 12,7 | 0,03 |
| 4 | Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар | 731,7 | 1,63 | 0,6 | 0,001 |
| 5 | Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар | 14,6 | 0,03 | | |
| 6 | Ўрмон фонди ерлари | 12020,8 | 26,78 | 45,9 | 0,10 |
| 7 | Сув фонди ерлари | 835,2 | 1,86 | 4,7 | 0,01 |
| 8 | Захира ерлар | 9437,7 | 21,02 | 2,3 | 0,005 |
| | Жами ерлар: | 44892,4 | 100 | 4329 | 9,64 |



1.1- расм. 2020 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши



1.2- расм. 2020 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ер фондининг ер турлари бўйича тақсимланиши

Ўзбекистон Республикасидаги жами фойдаланиладиган ерлар майдони

| Т/р | Худудлар номи | Умумий ер майдони | | Экин ерлар | | Кўп йиллик дарахтзорлар | | Бўз ерлар | | Пичанзор ва яйловлар | | Жами қишлоқ хўжалик ерлари | | Томорқа ерлари | | Ўрмонзорлар | | Богдорчилик, узумчилик ва сабзавотчилик уюшмаларининг ерлари | | Буғазорлар | | Бошқа ерлар |
|-----|------------------------------|-------------------|----------------|---------------|----------------|-------------------------|----------------|-------------|----------------|----------------------|----------------|----------------------------|----------------|----------------|----------------|---------------|----------------|--|----------------|------------|----------------|-------------|
| | | жами | сўғориладигани | жами | сўғориладигани | жами | сўғориладигани | жами | сўғориладигани | жами | сўғориладигани | жами | сўғориладигани | жами | сўғориладигани | жами | сўғориладигани | жами | сўғориладигани | жами | сўғориладигани | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 16656,1 | 514,6 | 418,5 | 418,5 | 8 | 8 | 11,2 | 11,2 | 5257,4 | 36,6 | 5695,1 | 474,3 | 52,3 | 39,3 | 1072,8 | 0,9 | 0,1 | 0,1 | 107,1 | 9728,7 | |
| 2 | Андижон | 430,3 | 274,2 | 200,6 | 200,6 | 31,1 | 31,1 | 2,6 | 0,5 | 21,1 | 0,9 | 255,4 | 233,1 | 50,3 | 36,9 | 3,9 | 0,3 | 0,3 | | 120,4 | | |
| 3 | Бухоро | 4183,1 | 274,9 | 200,1 | 200,1 | 20,8 | 20,8 | 7 | 7 | 2558,1 | | 2786 | 227,9 | 58,2 | 45,1 | 334,5 | 1,7 | 0,2 | 0,2 | 45,4 | 958,8 | |
| 4 | Жиззах | 2117,9 | 303,9 | 489,3 | 259,9 | 22,3 | 17,4 | 11,3 | 1,7 | 739,1 | | 1262 | 279 | 34,5 | 20,4 | 163,7 | 4,5 | 0,1 | | 0,1 | 657,5 | |
| 5 | Қашқадарё | 2856,8 | 514,1 | 675,7 | 417,3 | 39 | 36,7 | 21,9 | 4,6 | 1406,8 | 0,1 | 2143,4 | 458,7 | 80,1 | 49,1 | 164,3 | 6 | 0,3 | 0,3 | | 468,7 | |
| 6 | Навоий | 10948,1 | 126,4 | 122,9 | 92 | 10,3 | 9,6 | 6,8 | 6,7 | 8762,3 | | 8902,3 | 108,3 | 25,6 | 16,3 | 1270,8 | 1,5 | 0,7 | 0,3 | | 748,7 | |
| 7 | Наманган | 718,1 | 290 | 188,2 | 188,2 | 46,4 | 46,4 | 2,5 | 2,5 | 150,8 | | 387,9 | 237,1 | 58,7 | 48,3 | 23,4 | 4,5 | 0,1 | 0,1 | | 248 | |
| 8 | Самарқанд | 1677,3 | 379,2 | 429 | 246,9 | 68,1 | 63,4 | 5,2 | | 797,1 | | 1299,4 | 310,3 | 86,5 | 62,6 | 13 | 6 | 0,7 | 0,3 | | 277,7 | |
| 9 | Сурхондарё | 2009,9 | 325,1 | 278,1 | 238,6 | 34,2 | 32,8 | 0,3 | | 826,5 | | 1139,1 | 271,4 | 63,2 | 50,4 | 233,4 | 3,3 | | | 0,1 | 574,1 | |
| 10 | Сирдарё | 427,6 | 286,3 | 249,2 | 249,2 | 7,4 | 7,4 | 10,3 | 10,3 | 20,5 | | 287,4 | 266,9 | 19,2 | 15,2 | 4,1 | 4,1 | 0,1 | 0,1 | | 116,8 | |
| 11 | Тошкент | 1524,9 | 400,3 | 329 | 295,7 | 53,6 | 44,3 | 0,8 | 0,4 | 445,6 | 1,4 | 829 | 341,8 | 64,5 | 52,6 | 81,7 | 2,4 | 3,6 | 3,5 | 2,3 | 543,8 | |
| 12 | Фарғона | 700,5 | 368,5 | 247,6 | 247,6 | 49,4 | 49,4 | | | 23,4 | 3,9 | 320,4 | 300,9 | 71,9 | 52,8 | 14,6 | 13,9 | 0,9 | 0,9 | | 292,7 | |
| 13 | Хоразм | 608,2 | 267,7 | 205,3 | 205,3 | 13,2 | 13,2 | 3,8 | 3,8 | 109,3 | | 331,6 | 222,3 | 53,9 | 45,1 | 53,7 | 0,2 | 0,1 | 0,1 | | 168,9 | |
| 14 | Тошкент ш. | 33,6 | 3,8 | | | | | | | | | | | 7,1 | 3,8 | | | | | | 26,5 | |
| | Жами: | 44892,4 | 4329 | 4033,5 | 3259,9 | 403,8 | 380,5 | 83,7 | 48,7 | 21118 | 42,9 | 25639 | 3732 | 726 | 537,9 | 3433,9 | 52,9 | 7,2 | 6,2 | 155 | 14931,3 | |

1.1.1. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар


Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобланади. Ушбу мақсадлар учун мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга ажралади.

Шунингдек, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, бўз ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради.

Республикада қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг сони фермер хўжаликлари билан биргаликда олганда, 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра **103605** та бўлиб, уларга бириктириб берилган ерларнинг умумий ер майдони **20761,6** минг гектарни, шу жумладан қишлоқ хўжалик ер турлари майдони **16025,6** минг гектарни, шундан **3694,8** минг гектари суғориладиган ерларни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг **46,25** фоизини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар эгаллаган бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда асосий восита ҳисобланади. Республика ҳудудида қишлоқ хўжалиги мақсадларига мўлжалланган ерларнинг тақсимланиши табиий иқлим омилларига биноан белгиланади.

Суғориладиган қишлоқ хўжалик ер турларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тақсимланиши 1.1.1.1-рasm ва 1.1.1.1-жадвалда кўрсатилган.



1.1.1.1-рasm. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича суғориладиган қишлоқ хўжалик ер турларининг тақсимланиши. (% ҳисобида)

Қишлоқ ҳужалигига мўлжалланган ер турлари бўйича тақсимланиши

| Т/р | Худудлар номи | Умумий ер майдони | | Экин ерлар | | | Кўп йиллик дарахтзорлар | | Бўз ерлар | | Пичанзор ва айловлар | | Жами қишлоқ ҳужалик ерлари | | Томорқа ҳамда боғдорчилик-узумчилик ва сабаовчилик уюшмалари ерлари | | Метропатив кўрилиш ҳолатидаги ерлар | | Ўрмонзорлар | | Бутазорлар | Бошқа ерлар |
|-----|------------------------------|-------------------|---------------|---------------|---------------|--------------|-------------------------|--------------|-------------|--------------|----------------------|--------------|----------------------------|---------------|---|--------------|-------------------------------------|--------------|-------------|--------------|---------------|-------------|
| | | жами | шў жумладан: | жами | сўриланган | лағим | жами | шў жумладан: | жами | шў жумладан: | жами | шў жумладан: | жами | шў жумладан: | жами | шў жумладан: | жами | шў жумладан: | жами | шў жумладан: | | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 3260,3 | 500,4 | 414,8 | 414,8 | | 7,8 | 7,8 | 9,4 | 9,4 | 1768 | 34,3 | 2200 | 466,3 | 40,4 | 33,5 | 23,5 | 49,6 | 0,6 | 44,2 | 902,6 | |
| 2 | Андижон | 363,7 | 265,3 | 199,3 | 199,3 | | 30,4 | 30,4 | 2,3 | 0,5 | 17,7 | 0,9 | 249,7 | 231,1 | 43,4 | 32,3 | 0,9 | 1,9 | 1,9 | | 67,8 | |
| 3 | Бухоро | 3441,7 | 271,8 | 199,5 | 199,5 | | 20,5 | 20,5 | 6,6 | 6,6 | 2355,4 | | 2582 | 226,6 | 56,9 | 44,4 | 4 | 7,9 | 0,8 | 5,1 | 785,8 | |
| 4 | Жиззах | 1400,7 | 299,3 | 486,3 | 259,2 | 227,1 | 20,6 | 16,7 | 11,2 | 1,7 | 621 | | 1139,1 | 277,6 | 31,1 | 18,2 | 5,1 | 9,4 | 3,5 | 0,1 | 215,9 | |
| 5 | Қашқадарё | 2322,7 | 506,5 | 671,1 | 415,7 | 255,4 | 38,2 | 36,1 | 20,6 | 4,4 | 1214,2 | 0,1 | 1944,1 | 456,3 | 73,8 | 46 | 18,6 | 11,2 | 4,2 | | 275 | |
| 6 | Навойй | 4501,8 | 123,7 | 119,6 | 91,5 | 28,1 | 9,8 | 9,1 | 6,7 | 6,5 | 3852,6 | | 3988,7 | 107,1 | 24,3 | 15,7 | 2 | 0,9 | 0,9 | | 485,9 | |
| 7 | Наманган | 490 | 274,4 | 185,8 | 185,8 | | 44,5 | 44,5 | 2,4 | 2,4 | 46,9 | | 279,6 | 232,7 | 47,4 | 39,4 | 0,8 | 5 | 2,3 | | 157,2 | |
| 8 | Самарқанд | 1476,4 | 368,8 | 425,6 | 246,1 | 179,5 | 63,7 | 62,4 | 5,2 | | 707,1 | | 1201,6 | 308,5 | 79,5 | 57,9 | 3,6 | 4,5 | 2,4 | | 187,2 | |
| 9 | Сурхондарё | 1357,1 | 318,3 | 276,4 | 237,5 | 38,9 | 33,2 | 32,1 | 0,3 | | 690,4 | | 1000,3 | 269,6 | 58,4 | 47,2 | 1,3 | 29,1 | 1,5 | | 268 | |
| 10 | Сirdарё | 370,2 | 278,8 | 246 | 246 | | 7,4 | 7,4 | 9,6 | 9,6 | 18,6 | | 281,6 | 263 | 17,3 | 14 | 3,2 | 1,9 | 1,8 | | 66,2 | |
| 11 | Тошкент | 778,2 | 385,5 | 324,5 | 293,8 | 30,7 | 51,8 | 42,8 | 0,7 | 0,4 | 207,5 | 1,4 | 584,5 | 338,4 | 55,7 | 45,8 | 0,2 | 7,8 | 1,3 | 1 | 129 | |
| 12 | Фарғона | 561,1 | 354,3 | 246,8 | 246,8 | | 48 | 48 | | | 19 | 3,5 | 313,8 | 298,3 | 65 | 49 | 1,8 | 6,9 | 7 | | 173,6 | |
| 13 | Хоразм | 437,7 | 263 | 202,8 | 202,8 | | 12,8 | 12,8 | 3,7 | 3,7 | 41,3 | | 260,6 | 219,3 | 51,4 | 43,5 | 1 | 14,3 | 0,2 | | 110,4 | |
| 14 | Тошкент шаҳри | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Жами: | 20761,6 | 4210,1 | 3998,5 | 3238,8 | 759,7 | 388,7 | 370,6 | 78,7 | 45,2 | 11559,7 | 40,2 | 16025,6 | 3694,8 | 644,6 | 486,9 | 66 | 150,4 | 28,4 | 50,4 | 3824,6 | |

(минг га. ҳисобда)

1.1.2. Аҳоли пунктларининг ерлари

Аҳоли пунктларининг ерлари маъмурий-худудий бирлик бўлиб, давлат ер фондининг бошқа тоифаларидан ўзига хос хусусиятлари, ҳуқуқий ҳолати, фойдаланишнинг асосий мақсадига кўра ажралиб туради, уларга шу мақсадлар учун қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган шаҳар (шаҳарчалар) ва кишлоқ аҳоли пунктлари ерлари киритилган. Аҳоли пунктлари ерларининг 2020 йил 1 январь ҳолатига умумий ер майдони **223,4 миң** гектарни ёки жами ерларнинг **0,50 фоизини** ташкил қилади. Аҳоли пунктлари ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тақсимланиши 1.1.2.1-жадвалда кўрсатилган.

1.1.2.1-жадвал

Аҳоли нунктлари ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тақсимланиши

| Т/р | Худудлар номи | Умумий ер майдони | | Экин ерлар | | Кўп йиллик дарахтзорлар | | Бўз ерлар | | Пичанзор ва яйловлар | | Жами кишлоқ хўжалик ерлари | | Томирка ерлар | | Ўрмонзорлар | | Боғдорчилик-узумчилик ва сабзавотчилик уюшмаларининг ерлари | | Буғзорлар | Бошқа ерлар |
|-----|------------------------------|-------------------|-------------|------------|-------------|-------------------------|-------------|-------------|-------------|----------------------|-------------|----------------------------|-------------|---------------|-------------|-------------|--------------|---|-------------|-----------|-------------|
| | | жами | шу жумладан | жами | шу жумладан | жами | шу жумладан | жами | шу жумладан | жами | шу жумладан | жами | шу жумладан | жами | шу жумладан | жами | шу жумладан | жами | шу жумладан | | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 36,6 | 5,7 | | | | | | | 5,4 | | | | 5,4 | 11,8 | | | | | | 19,4 |
| 2 | Андижон | 11,9 | 4,6 | | | | | | | | | | | | 6,8 | 0,2 | 0,2 | | | | 4,9 |
| 3 | Бухоро | 7,6 | 0,7 | | | 0,1 | 0,1 | | | | | 0,1 | 0,1 | | 1,2 | 0,1 | 0,1 | | | | 6,2 |
| 4 | Жиззах | 10,2 | 2,1 | | | | | 0,4 | | | | 0,4 | | | 3,1 | | | | | | 6,7 |
| 5 | Қашқадарё | 11,5 | 3,9 | 0,5 | 0,4 | 0,1 | 0,1 | 0,2 | | 0,2 | | 0,8 | 0,6 | 5 | 0,3 | 0,1 | 0,1 | 0,3 | 0,3 | | 5,1 |
| 6 | Навоний | 15,6 | 0,7 | | | 0,1 | 0,1 | 4,2 | | 4,2 | | 4,3 | 0,1 | 1,3 | | | | | | | 10 |
| 7 | Наманган | 20,7 | 9,2 | 0,2 | 0,2 | 0,5 | 0,5 | 0,1 | | 0,1 | | 0,8 | 0,7 | 10,8 | | | | | | | 9,1 |
| 8 | Самарқанд | 19,6 | 4,7 | | | 0,2 | 0,1 | 0,9 | | 0,9 | | 1,1 | 0,1 | 6,4 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | | 11,9 |
| 9 | Сурхондарё | 11,3 | 2,9 | | | 0,1 | 0,1 | | | | | 0,1 | 0,1 | 4,1 | | | | | | | 7,1 |
| 10 | Сирдарё | 8,1 | 2,2 | | | | | | | | | | | 1,9 | 0,8 | 0,8 | 0,8 | 0,1 | 0,1 | | 5,3 |
| 11 | Тошкент | 38 | 6,6 | 0,2 | 0,2 | | | 1,3 | | 1,3 | | 1,5 | 0,2 | 8 | 0,9 | 0,3 | 0,3 | | | | 27,6 |
| 12 | Фарғона | 16,7 | 4,1 | 0,1 | 0,1 | | | | | | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 6,7 | 0,3 | 0,3 | 0,3 | 0,1 | 0,1 | | 9,5 |
| 13 | Хоразм | 6,3 | 1,4 | | | | | | | | | | | 2,3 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | | | | 3,9 |
| 14 | Тошкент ш. | 9,3 | 3,9 | | | | | | | | | | | 7,1 | | | | | | | 2,2 |
| | Жами: | 223,4 | 52,7 | 1 | 0,9 | 1,1 | 1 | 12,5 | | 14,6 | 2 | 76,5 | 2,8 | 2 | 0,6 | 0,6 | 128,9 | | | | |

1.1.3. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар

Ушбу ер тоифаси таркибига саноат корхоналарига, шу жумладан, кон саноати, энергетика корхоналарига ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар қуриш учун доимий фойдаланишга берилган, темирйўл, ички сув транспорти, автомобиль, ҳаво ва трубопровод транспорти; алоқа линияларини ҳамда уларга тегишли иншоотларни жойлаштириш учун алоқа, радио эшиттириш, телевидение ва ахборот, қуролли кучлар, чегара, ички ишлар ва темирйўл қўшинларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий ўқув юртлари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари жойлашган, мудофаа эҳтиёжлари учун мўлжалланган ерлар ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга берилган ерлар киради. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларнинг 2020 йил 1 январь ҳолатига умумий ер майдони **867,4** минг гектар ёки республика ер фондининг **1,93** фоизини ташкил қилади. Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерларнинг тақсимланиши 1.1.3.1-жадвалда кўрсатилган.

1.1.3.1-жадвал

Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар

(минг га. ҳисобида)

| Т/р | Худудлар номи | Умумий ер майдони | Экин ерлар | Қўп йиллик дарахтзорлар | | | | | Бўз ер, пичанзор ва яйловлар | Жами қишлоқ хўжалик ерлари | Томорқа ҳамда боғдорчилик-узумчилик ва сабзавотчилик уюшмаларининг ерлари | Ўрмонзорлар | Бошқа ерлар |
|-----|------------------------------|-------------------|------------|-------------------------|-------------|------------|------------|--|------------------------------|----------------------------|---|-------------|--------------|
| | | | | Жами | шу жумладан | | | | | | | | |
| | | | | | Боғлар | узумзорлар | тутзорлар | мевали кўчатзорлар ва бошқа дарахтзорлар | | | | | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 178,2 | | | | | | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 177,9 | |
| 2 | Андижон | 20,4 | | | | | | | | 0,4 | | 20 | |
| 3 | Бухоро | 86,2 | 0,1 | 0,1 | | | | 0,1 | 42,1 | 42,3 | 0,2 | 0,5 | 43,2 |
| 4 | Жиззах | 27,5 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | | | | 7,7 | 7,9 | 0,1 | 0,3 | 19,2 |
| 5 | Қашқадарё | 67 | 0,1 | 0,2 | 0,1 | 0,1 | | | 9 | 9,3 | | 2,9 | 54,8 |
| 6 | Навоий | 57,1 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | | | | 1,1 | 1,3 | 0,7 | 0,1 | 55 |
| 7 | Наманган | 52,9 | 1,2 | 0,7 | 0,7 | | | | 15,7 | 17,6 | 0,3 | 0,4 | 34,6 |
| 8 | Самарқанд | 84,4 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | | | | 54 | 54,2 | 0,7 | 0,3 | 29,2 |
| 9 | Сурхондарё | 109,4 | 0,1 | | | | | | 17,2 | 17,3 | | 8,1 | 84 |
| 10 | Сирдарё | 11,2 | 0,3 | | | | | | | 0,3 | | | 10,9 |
| 11 | Тошкент | 81,7 | 1,9 | 0,6 | 0,5 | 0,1 | | | 5,6 | 8,1 | 4 | 0,6 | 69 |
| 12 | Фарғона | 50,7 | 0,1 | 0,2 | 0,1 | | 0,1 | | 0,8 | 1,1 | 1 | | 48,6 |
| 13 | Хоразм | 18,5 | 0,5 | 0,2 | 0,1 | | | 0,1 | 0,1 | 0,8 | 0,2 | 1,8 | 15,7 |
| 14 | Тошкент ш. | 22,2 | | | | | | | | | | | 22,2 |
| | ЖАМИ: | 867,4 | 4,6 | 2,3 | 1,8 | 0,2 | 0,1 | 0,2 | 153,4 | 160,3 | 7,7 | 15,1 | 684,3 |

1.1.4. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар

Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга-давлат кўриқхоналари, миллий тарихий-табиий ва ёдгорлик боғлари, заказниклар, табиат ёдгорликлари, дендрология боғлари, ботаника боғлари, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланишга берилган ер участкалари киради. Бу тоифадаги ерлар майдонининг асосий қисмини кўриқхоналар ва миллий ҳамда дендрология боғлари эгаллайди. Буларнинг барчаси алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ҳисобланади ва уларнинг фойдаланиш мақсадига зид фаолият таъқиқланади.

Фойдаланиш мақсади - табиий жараён ва ҳодисаларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, уларнинг нодир ва ноёб турларини табиий ҳолатда сақлаб қолиш, сонини кўпайтириш ва ўрганиш, табиий шифобахш омилларга эга бўлган ерларда касалликларнинг олдини олиш ва даволашни ташкил этиш, туризм ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этишдан иборатдир.

Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларнинг 2020 йил 1 январь ҳолатига умумий майдони **731,7 минг** гектарни ташкил қилади. Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тақсимланиши 1.1.4.1-жадвалда кўрсатилган.

1.1.4.1-жадвал

Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича тақсимланиши

(минг га. ҳисобида)

| Т/р | Худудлар номи | Умумий ер майдони | Экин ерлар | Кўп йиллик дарахтзорлар | | | | | Пичанзорлар | Яйловлар | Жами қишлоқ хўжалик ерлари | Ўрмонзорлар | Бошқа ерлар |
|-----|------------------------------|-------------------|------------|-------------------------|-------------|------------|-----------|--|-------------|-------------|----------------------------|--------------|-------------|
| | | | | Жами | шу жумладан | | | | | | | | |
| | | | | | боғлар | узумзорлар | туғзорлар | мевали кўчатзорлар ва бошқа дарахтзорлар | | | | | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 628,7 | 0,1 | | | | | | | 0,1 | | 628,6 | |
| 2 | Андижон | 0,6 | | 0,1 | 0,1 | | | | | 0,1 | 0,1 | 0,4 | |
| 3 | Бухоро | 0,1 | | | | | | | | | | 0,1 | |
| 4 | Жиззах | 70,4 | 0,1 | | | | | | 11,2 | 11,3 | 0,2 | 58,9 | |
| 5 | Қашқадарё | | | | | | | | | | | | |
| 6 | Навоний | 8,4 | | | | | | | 8,3 | 8,3 | | 0,1 | |
| 7 | Наманган | 0,3 | | 0,1 | 0,1 | | | | | 0,1 | | 0,2 | |
| 8 | Самарқанд | 0,1 | | | | | | | | | | 0,1 | |
| 9 | Сурхондарё | 0,2 | | | | | | | | | | 0,2 | |
| 10 | Сирдарё | 0,1 | | | | | | | | | | 0,1 | |
| 11 | Тошкент | 0,4 | | | | | | | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 0,2 | |
| 12 | Фарғона | 0,4 | | 0,1 | 0,1 | | | | | 0,1 | 0,1 | 0,2 | |
| 13 | Хоразм | 21,7 | | | | | | | 16,7 | 16,7 | 3,1 | 1,9 | |
| 14 | Тошкент ш. | 0,3 | | | | | | | | | | 0,3 | |
| | ЖАМИ: | 731,7 | 0,2 | 0,3 | 0,3 | | | | 36,3 | 36,8 | 3,6 | 691,3 | |

1.1.5. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар жумласига тарихий-маданий кўриқхоналар, мемориал боғлар, археология, тарих ва маданият ёдгорликларига тегишли муассасалар ҳамда ташкилотлар учун доимий фойдаланишга берилган ерлар киради ва улар алоҳида муҳофаза қилинади. Республикамизда тарихий-маданий аҳамиятга молик ер майдонлари таркибига кирувчи алоҳида муҳофаза қилинадиган жаҳон аҳамиятига эга бўлган тарихий, археологик, меъморий ва бадиий ҳамда маданий ёдгорликлар сақланади. Жумладан, Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Шахрисабз ва Термиз шаҳарларида жойлашган тарихий топилма ва археологик манбалар Республикамиз ҳудудида такрорланмас бойликлар мавжудлигини кўрсатади. Бундай бетакрор тарихий ёдгорликлар халқимиз ва она еримизнинг олтин фонди сифатида асраб-авайлаб келинмоқда.

Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларнинг 2020 йил 1 январь ҳолатига умумий ер майдони **14,6 минг** гектарни ташкил қилади. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тақсимланиши 1.1.5.1-жадвалда кўрсатилган.

1.1.5.1-жадвал

Тарихий маданий аҳамиятга молик ерлар

(минг га. ҳисобида)

| Т/р | Худудлар номи | Умумий ер майдони | Экин ерлар | Қўп йиллик дарахтзорлар | | | | | Бўз ерлар | Пичанзорлар ва яйловлар | Жами кишлоқ хўжалик ерлари | Бошқа ерлар |
|-----|------------------------------|-------------------|------------|-------------------------|--------------|------------|-----------|---|-----------|-------------------------|----------------------------|-------------|
| | | | | жами | шу жумладан: | | | | | | | |
| | | | | | боғлар | узунзорлар | туззорлар | мевали кўчизорлар ва бошқа дарахтзорлар | | | | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 2,8 | | | | | | | | | 2,8 | |
| 2 | Андижон | 0,1 | | | | | | | | | 0,1 | |
| 3 | Бухоро | 0,5 | | | | | | | | | 0,5 | |
| 4 | Жиззах | 1,9 | | | | | | | | | 1,9 | |
| 5 | Қашқадарё | 2,6 | | | | | | | | | 2,6 | |
| 6 | Навоий | 0,8 | | | | | | | | | 0,8 | |
| 7 | Наманган | 2,4 | | | | | | | | | 2,4 | |
| 8 | Самарқанд | 0,4 | | | | | | | | | 0,4 | |
| 9 | Сурхондарё | 0,5 | | | | | | | | | 0,5 | |
| 10 | Сирдарё | | | | | | | | | | | |
| 11 | Тошкент | 2 | | | | | | | | | 2 | |
| 12 | Фарғона | | | | | | | | | | | |
| 13 | Хоразм | 0,1 | | | | | | | | | 0,1 | |
| 14 | Тошкент ш. | 0,5 | | | | | | | | | 0,5 | |
| | ЖАМИ: | 14,6 | | | | | | | | | 14,6 | |

1.1.6. Ўрмон фонди ерлари


Ўрмон фонди ерлари алоҳида экологик аҳамиятга эга бўлиб, ўрмон билан қопланган, шунингдек, ўрмон билан қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлардир. Ўрмон фонди ерларининг 2020 йил 1 январь ҳолатига умумий ер майдони 12020,8 минг гектарни ёки жами ер майдонининг 26,78 фоизини ташкил қилади. Ўрмон фонди ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тақсимланиши 1.1.6.1-жадвал ва 1.1.6.1-расмда кўрсатилган.

1.1.6.1-жадвал

Ўрмон фонди ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича тақсимланиши

(минг га. ҳисобида)

| Т/р | Худудлар номи | Умумий ер майдони | Экин ерлар | ш.ж сўғориладиган | Кўп йиллик дарахтзорлар | | | | | Бўз ерлар | Пичагзорлар ва яблукзорлар | Жами қишлоқ хўжалик ерлари | Томорқа ерлар | Ўрмонзорлар | Бошқа ерлар |
|-----|------------------------------|-------------------|-------------|-------------------|-------------------------|------------|------------|------------|--|------------|----------------------------|----------------------------|---------------|---------------|---------------|
| | | | | | шу жумладан: | | | | | | | | | | |
| | | | | | жами | боғлар | узумзорлар | тутзорлар | мевали кўчагзорлар ва бошқа дарахтзорлар | | | | | | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 6614,4 | 3,6 | 3,6 | 0,2 | | | | 0,2 | 1,4 | 656,1 | 661,3 | 0,1 | 1007,2 | 4945,8 |
| 2 | Андижон | 8,5 | 0,8 | 0,8 | 0,2 | 0,2 | | | | 0,3 | 2,5 | 3,8 | | 1,6 | 3,1 |
| 3 | Бухоро | 580,5 | 0,5 | 0,5 | 0,1 | 0,1 | | | | 0,4 | 160,6 | 161,6 | 0,1 | 326 | 92,8 |
| 4 | Жиззах | 289,6 | 2,3 | 0,2 | 1,6 | 1,5 | | | 0,1 | 0,1 | 95,6 | 99,6 | 0,3 | 153,7 | 36 |
| 5 | Қашқадарё | 412,1 | 3,9 | 0,9 | 0,4 | 0,3 | | | 0,1 | 1,3 | 182,3 | 187,9 | 1,3 | 149,9 | 73 |
| 6 | Навоий | 2903,6 | 3 | 0,2 | 0,3 | | | 0,1 | 0,2 | 0,1 | 1594,1 | 1597,5 | | 1269,4 | 36,7 |
| 7 | Наманган | 126,9 | 0,7 | 0,7 | 0,4 | 0,2 | 0,1 | 0,1 | | | 87,4 | 88,5 | 0,2 | 17,7 | 20,5 |
| 8 | Самарқанд | 56,3 | 2,8 | 0,3 | 4 | 3,9 | | | 0,1 | | 31,8 | 38,6 | 0,4 | 7,7 | 9,6 |
| 9 | Сурхондарё | 325 | 1,5 | 1 | 0,6 | 0,1 | 0,1 | | 0,4 | | 71,9 | 74 | 0,5 | 171,2 | 79,3 |
| 10 | Сирдарё | 11,1 | 2,8 | 2,8 | | | | | | 0,7 | 1,8 | 5,3 | | 1,3 | 4,5 |
| 11 | Тошкент | 588,9 | 2,2 | 1,2 | 1,1 | 1 | | | 0,1 | | 229,3 | 232,6 | 0,3 | 72,2 | 283,8 |
| 12 | Фарғона | 15,1 | 0,3 | 0,3 | 1 | 0,9 | | | 0,1 | | 0,4 | 1,7 | | 7,1 | 6,3 |
| 13 | Хоразм | 88,8 | 1,3 | 1,3 | 0,1 | | | | 0,1 | 0,1 | 50,9 | 52,4 | | 32,6 | 3,8 |
| 14 | Тошкент ш. | | | | | | | | | | | | | | |
| | Жами: | 12020,8 | 25,7 | 13,8 | 10 | 8,2 | 0,2 | 0,2 | 1,4 | 4,4 | 3164,7 | 3204,8 | 3,2 | 3217,6 | 5595,2 |



1.1.6.1-расм. Ўрмон фонди ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тақсимланиши. (% ҳисобида)

1.1.7. Сув фонди ерлари

Сув ҳавзалари, дарёлар, кўллар, сув омборлари, гидротехник ва бошқа сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган, шунингдек, сув ҳавзалари ва бошқа сув объектларининг кирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга белгиланган тартибда берилган ерлар сув фонди ерлари тоифасига киради. Сув фонди ерлари 2020 йил 1 январь ҳолатига жами **835,2** минг гектарни ёки умумий ер майдонининг **1,86** фоизини ташкил қилади. Сув фонди ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тақсимланиши 1.1.7.1-жадвалда кўрсатилган.

1.1.7.1-жадвал

Сув фонди ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича тақсимланиши

(минг га. ҳисобида)

| Т/р | Худудлар номи | Умумий ер майдони | Экин ерлар | Кўп йиллик дарахтзорлар | | | Бўз ер, пичанзор ва яйлов ерлар | Жами қишлоқ хўжалик ерлари | Томорка ерлар | Ўрмонзорлар | Бошқа ерлар | |
|-----|------------------------------|-------------------|------------|-------------------------|--------------|------------|---------------------------------|----------------------------|---------------|-------------|-------------|--------------|
| | | | | жами | шу жумладан: | | | | | | | |
| | | | | | боғлар | узумзорлар | | | | | | тутзорлар |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 81,1 | | | | | 0,1 | 0,1 | | 0,9 | 80,1 | |
| 2 | Андижон | 19 | 0,3 | 0,2 | 0,1 | | 0,1 | | 0,5 | 0,1 | 18,4 | |
| 3 | Бухоро | 66,4 | | | | | | | | | 66,4 | |
| 4 | Жиззах | 312,1 | | | | | 1,9 | 1,9 | | 0,1 | 310,1 | |
| 5 | Қашқадарё | 37,1 | 0,1 | 0,1 | 0,1 | | 0,7 | 0,9 | | | 36,2 | |
| 6 | Навоий | 154,4 | | | | | 10,1 | 10,1 | | 0,4 | 143,9 | |
| 7 | Наманган | 23,2 | 0,3 | 0,2 | 0,1 | | 0,1 | 0,6 | 0,1 | 0,3 | 22,2 | |
| 8 | Самарқанд | 28,3 | 0,5 | 0,1 | | | 0,1 | 0,6 | 1,2 | 0,1 | 0,3 | 26,7 |
| 9 | Сурхондарё | 24 | 0,1 | | | | | | 0,1 | 0,1 | 0,1 | 23,7 |
| 10 | Сирдарё | 26,8 | 0,1 | | | | | | 0,1 | | 0,1 | 26,6 |
| 11 | Тошкент | 17,7 | | | | | | | 0 | | | 17,7 |
| 12 | Фарғона | 20,6 | 0,3 | 0,1 | 0,1 | | | | 0,4 | | 0,2 | 20 |
| 13 | Хоразм | 23,4 | 0,7 | 0,1 | 0,1 | | | | 0,8 | 0,1 | 0,1 | 22,4 |
| 14 | Тошкент ш. | 1,1 | | | | | | | | | | 1,1 |
| | ЖАМИ: | 835,2 | 2,4 | 0,8 | 0,5 | 0 | 0,3 | 13,5 | 16,7 | 0,4 | 2,6 | 815,5 |

1.1.8. Захира ерлар

Захира ерларга эгалик қилиш, фойдаланиш ҳамда ижара мақсадида, юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган ҳамда бошқа ер тоифаларида ҳисобга олинмаган барча ерлар киради. Захира ерлар асосан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага беришга мўлжалланади. 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра захира ерларнинг умумий ер майдони **9437,7** минг гектар ёки умумий ер майдонининг **21,02** фоизини ташкил этади. Захира ерларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тақсимланиши 1.1.8.1-жадвалда кўрсатилган.

1.1.8.1-жадвал

Захира ерларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича тақсимланиши

(минг га. ҳисобида)

| Т/р | Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи | Умумий ер майдони | Экин ерлар | Кўп йиллик дарахтзорлар | | | Бўз ерлар | Пичанзор ва яйлоқлар | Жами қишлоқ хўжалик ерлари | Ўрмонзорлар | Бошқа ерлар |
|--------------|---|-------------------|------------|-------------------------|--------------|------------|------------|----------------------|-------------------------------|-------------|---------------|
| | | | | Жами | шу жумладан: | | | | | | |
| | | | | | боғлар | узумзорлар | | | | | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 5854 | | | | | 0,4 | 2827,7 | 2828,1 | 15 | 3010,9 |
| 2 | Андижон | 6,2 | 0,1 | 0,2 | 0,2 | | 0,1 | 0,9 | 1,3 | | 4,9 |
| 3 | Бухоро | 0,1 | | | | | | | 0 | | 0,1 |
| 4 | Жиззах | 5,4 | 0,5 | | | | | 1,3 | 1,8 | | 3,6 |
| 5 | Қашқадарё | 3,8 | | | | | | 0,4 | 0,4 | | 3,4 |
| 6 | Навоий | 3306,4 | 0,2 | | | | | 3291,9 | 3292,1 | 0,1 | 14,2 |
| 7 | Наманган | 1,7 | | | | | | 0,7 | 0,7 | | 1 |
| 8 | Самарқанд | 11,8 | | | | | | 2,7 | 2,7 | | 9,1 |
| 9 | Сурхондарё | 182,4 | | 0,3 | 0,3 | | | 47 | 47,3 | 24,9 | 110,2 |
| 10 | Сирдарё | 0,1 | | | | | | 0,1 | 0,1 | | |
| 11 | Тошкент | 18 | 0,2 | 0,1 | 0,1 | | | 1,9 | 2,2 | 0,1 | 15,7 |
| 12 | Фарғона | 35,9 | | | | | | 3,2 | 3,2 | | 32,7 |
| 13 | Хоразм | 11,7 | | | | | | 0,3 | 0,3 | 1,7 | 9,7 |
| 14 | Тошкент ш. | 0,2 | | | | | | | | | 0,2 |
| ЖАМИ: | | 9437,7 | 1,0 | 0,6 | 0,6 | | 0,5 | 6178,1 | 6180,2 | 41,8 | 3215,7 |

1.2. Ер фондининг тоифалари ва ер турлари бўйича тақсимланиши

Ўзбекистон Республикасида ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра 8 та тоифага бўлинади ҳамда унинг таркибида асосий ер турлари куйидагилардир:

1. Қишлоқ хўжалиги ерлари (экин ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар, бўз ерлар, пичанзор ва яйловлар).
2. Томорқа ерлар.
3. Боғдорчилик-узумчилик уюшмалари ерлари.
4. Мелиоратив ҳолатини яхшилаш босқичидаги ерлар.
5. Ўрмонзорлар.
6. Бошқа ерлар.

Ер фонди таркибининг асосий ер турлари бўйича 2015 йилнинг 1 январидан 2020 йил 1 январигача бўлган тақсимланиши 1.2.1-жадвалда кўрсатилган.

1.2.1-жадвал

Ер фонди таркибининг асосий ер турлари бўйича тақсимланиши

(минг га. ҳисобида)

| Т/р | Ер турлари | 2015 йил 1 январь ҳолатига | 2016йил 1 январь ҳолатига | 2017 йил 1 январь ҳолатига | 2018 йил 1 январь ҳолатига | 2019 йил 1 январь ҳолатига | 2020 йил 1 январь ҳолатига | 2019 й.01.01 2020 й.01.01 фарқи +;- |
|-----|--|----------------------------------|---------------------------------|----------------------------------|----------------------------------|----------------------------------|----------------------------------|---|
| 1 | Қишлоқ хўжалиги ер турлари | 25621,4 | 25630 | 25625,2 | 25614 | 25601 | 25639 | 38 |
| | шу жумладан, сугориладигани | 3732,2 | 3736,8 | 3736,2 | 3734,2 | 3729,2 | 3732 | 2,8 |
| | -экин ерлар | 4043,6 | 4040,8 | 4035,3 | 4026,4 | 4019,8 | 4033,5 | 13,7 |
| | шу жумладан, сугориладигани | 3288,2 | 3284,5 | 3279,4 | 3271,7 | 3262,2 | 3259,9 | -2,3 |
| | -кўп йиллик дарахтзорлар, | 371,9 | 380,8 | 385,6 | 391,6 | 398 | 403,8 | 5,8 |
| | шу жумладан, сугориладигани | 354,1 | 362,4 | 367 | 371,7 | 376,3 | 380,5 | 4,2 |
| | -бўз ерлар | 80,3 | 80 | 79,9 | 80,8 | 80,7 | 83,7 | 3 |
| | шу жумладан, сугориладигани | 46,9 | 46,9 | 46,8 | 47,8 | 47,7 | 48,7 | 1 |
| | -пичанзор ва яйловлар | 21125,6 | 21128,4 | 21124,4 | 21115,2 | 21102,5 | 21118 | 15,5 |
| | шу жумладан, сугориладигани | 43 | 43 | 43 | 43 | 43 | 42,9 | -0,1 |
| 2 | Томорқа ерлар | 693 | 694 | 695,3 | 696,6 | 697,4 | 726 | 28,6 |
| | шу жумладан, сугориладигани | 515,5 | 515,7 | 516,4 | 516,6 | 516,6 | 537,9 | 21,3 |
| 3 | Ўрмонзор ва бутazorлар | 3543,3 | 3549,4 | 3586,3 | 3595,4 | 3595,2 | 3588,9 | -6,3 |
| | шу жумладан, сугориладигани | 53,9 | 53,4 | 53,9 | 54,4 | 54,4 | 52,9 | -1,5 |
| 4 | Боғдорчилик-узум- чилик ва сабзавот- чилик уюшмалари ерлари | 7,4 | 7,3 | 7,3 | 7,3 | 7,3 | 7,2 | -0,1 |
| | шу жумладан, сугориладигани | 6,5 | 6,5 | 6,4 | 6,3 | 6,4 | 6,2 | -0,2 |
| 5 | Мелиоратив қурилиш ҳолати-даги ерлар | 72,6 | 72,3 | 72,1 | 71,9 | 71,9 | 68,9 | -3 |
| 6 | Бошқа ерлар | 14954,7 | 14939,4 | 14906,2 | 14907,2 | 14919,6 | 14862,4 | -57,2 |
| | Жами ерлар | 44892,4 | 44892,4 | 44892,4 | 44892,4 | 44892,4 | 44892,4 | 44892,4 |
| | шу жумладан, сугориладигани | 4308,1 | 4312,4 | 4312,9 | 4311,5 | 4306,6 | 4329 | 22,4 |

1.2.1. Қишлоқ хўжалиги ер турлари

Қишлоқ хўжалик ер турлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ичида алоҳида ўринни эгаллайди. Улар экин ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари ва мевазорлар), бўз ерлар, пичанзор ва яйловларга бўлинади. 2020 йил 1 январь ҳолатига уларнинг ер майдони **25639** минг гектарни ёки умумий ер майдонининг **57,1 фоизини**, шундан суғориладиган қишлоқ хўжалик ер турлари жами **3732** минг гектарни ташкил этади. Суғориладиган қишлоқ хўжалик ер турларининг республика бўйича ўзгариши 1.2.1.1-расмда кўрсатилган.

(минг га ҳисобида)



1.2.1.1-расм. Қишлоқ хўжалик ер турларининг республика бўйича 2015 йилнинг 1 январидан 2020 йил 1 январигача бўлган ўзгариши.

1.2.1.1. Экин ерлар

Суғориладиган ерлар:

Қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар жумласига киради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги органлари суғориладиган ери бўлган ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни суғориш ишлари учун манбаларнинг серсувлигини ҳисобга олган ҳолда, жорий этилган лимитлар бўйича сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган тартибда сув билан таъминлашлари шарт.

Суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим.

Суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши лозим ва уларнинг суғорилмайдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларини корхоналар, бинолар ва иншоотлар қурилиши учун беришга Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан йўл қўйилади.

Экин ерларга қишлоқ хўжалик экинлари экилиб, узлуксиз фойдаланиладиган барча ҳайдалма ерлар киради. Экин ерлари икки турга: суғориладиган ва лалми ерларга бўлинади.

Республика бўйича 2020 йил 1 январь ҳолатига экин ерлар жами **4033,5** минг гектарни шу жумладан, суғориладиган экин ерларнинг умумий ер майдони **3259,9** минг гектар ёки қишлоқ хўжалик ер турларининг **12,7** фоизини, лалми экин ерларнинг умумий майдони **773,6** минг гектарни ёки қишлоқ хўжалик ер турларининг **3,0** фоизини ташкил этади. Суғориладиган экин ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича 2015-2020 йиллар давомида ўзгариши 1.2.1.1-жадвалда ва 1.2.1.2-расмда кўрсатилган.


1.2.1.1-жадвал

**Суғориладиган экин ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ўзгариши**

(минг га. ҳисобида)

| Т/р | Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи | Тегишли йилларнинг 1 январь ҳолатига ер майдонлари | | | | | | 2019 йилга нисбатан фарқи (+,-) |
|-----|--|--|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------|---------------------------------------|
| | | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 417 | 418,1 | 418 | 418,5 | 418,3 | 418,5 | -0,2 |
| 2 | Андижон | 202,7 | 203 | 202,5 | 202,4 | 202,1 | 200,6 | -0,3 |
| 3 | Бухоро | 200,8 | 200,8 | 201,2 | 199,7 | 199,5 | 200,1 | -0,2 |
| 4 | Жиззах | 262,1 | 261,4 | 261,1 | 260,7 | 258,8 | 259,9 | -1,9 |
| 5 | Қашқадарё | 420,4 | 420,5 | 420,5 | 419,8 | 417,6 | 417,3 | -2,2 |
| 6 | Навоий | 90,7 | 91,1 | 91,4 | 91,7 | 91,7 | 92 | |
| 7 | Наманган | 194,5 | 193,1 | 192,5 | 191,5 | 190 | 188,2 | -1,5 |
| 8 | Самарқанд | 252,8 | 251,9 | 248,9 | 246,5 | 247 | 246,9 | 0,5 |
| 9 | Сурхондарё | 241 | 240,9 | 240,4 | 239,9 | 239,3 | 238,6 | -0,6 |
| 10 | Сирдарё | 250,3 | 249,8 | 249,7 | 249,9 | 249,4 | 249,2 | -0,5 |
| 11 | Тошкент | 301,7 | 299,5 | 298,9 | 297,8 | 295,7 | 295,7 | -2,1 |
| 12 | Фарғона | 247,8 | 247,7 | 247,7 | 247,7 | 247,5 | 247,6 | -0,2 |
| 13 | Хоразм | 206 | 206,3 | 206,2 | 205,5 | 205,2 | 205,3 | -0,3 |
| 14 | Тошкент ш. | 0,4 | 0,4 | 0,4 | 0,1 | 0,1 | | |
| | Жами: | 3288,2 | 3284,5 | 3279,4 | 3271,7 | 3262,2 | 3259,9 | -2,3 |

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, аксарият вилоятларда суғориладиган экин ер майдонлари камайган. Бу асосан жойларда давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер ажратиш ҳамда ҳукумат қарорлари, дастурлари асосида янги (интенсив) боғлар ва узумзорлар барпо қилиш ҳисобигадир.



1.2.1.2-расм. Республика бўйича сугориладиган экин ер майдонларининг ўзгариши

Лалми ерлар:

Лалмикор ерларда қишлоқ хўжалик экинларини ўстириш фақат тупроқ қатламларидаги ёгинлар ҳисобига йиғилган намлик эвазига етиштирилишини ҳисобга олиб, йиллик ёгин миқдори ўртача 200 мм. дан ошадиган ерлардагина лалмикор экинлар жойлаштирилади. Лалмикор ерлар тупроқ минтақаларининг жойлашишига мос равишда намлик билан таъминланган, кам таъминланган ва таъминланмаган ерларга бўлинади.

Жигарранг ва қорамтир бўз тупроқ баланд минтақада жойлашган бўлиб, намлик билан таъминланган, типик бўз тупроқ ўрта минтақада тоғ олди зоналарига тарқалган ва намлик билан кам таъминланган ва оч тусли бўз тупроқлар қуйи минтақада намлик билан таъминланмаган лалмикор ерлар ҳисобланади.


Лалми экин ер майдонларнинг республика вилоятлари бўйича тақсимланиши 1.2.1.2-жадвал, 1.2.1.3-расмларда кўрсатилган.

1.2.1.2-жадвал

Республика вилоятлари бўйича лалми экин ер майдонларининг тақсимланиши

(минг га ҳисобида)

| Т/р | Вилоятларнинг номи | Жами лалми экин ерлар майдони |
|--------------|--------------------|-------------------------------|
| 1 | Жиззах | 229,4 |
| 2 | Қашқадарё | 258,4 |
| 3 | Навоий | 30,9 |
| 4 | Самарқанд | 182,1 |
| 5 | Сурхондарё | 39,5 |
| 6 | Тошкент | 33,3 |
| Жами: | | 773,6 |




1.2.1.3-расм. Умумий ер майдонига нисбатан лалмикор экин ер майдонларининг (фоиз ҳисобида) тақсимланиши.

1.2.1.2. Кўп йиллик дарахтзорлар

Республика бўйича боғлар, узумзорлар, тутзорлар ҳамда бошқа кўп йиллик мевали кўчатзорларнинг 2020 йил 1 январь ҳолатига жами ер майдони **403,8 минг** гектарни, шу жумладан, суғориладигани **380,5 минг** гектарни ёки суғориладиган кишлок хўжалик ерлари таркибида кўп йиллик дарахтзорларнинг ер майдони **10,1 фоизни** ташкил қилади.

Шунингдек, суғориладиган кўп йиллик дарахтзорларнинг энг юқори солиштира ҳажми Самарқанд вилоятида (**16,7 фоиз**), Toshkent (**11,6 фоиз**), Фарғона (**13 фоиз**), Наманган (**12,2 фоиз**), Қашқадарё (**9,6 фоиз**), Андижон (**8,2 фоиз**) вилоятларига, энг кам Қорақалпоғистон Республикаси (**2,1 фоиз**) ва Sirdaryo вилояти (**1,9 фоиз**)га тўғри келади. Кўп йиллик дарахтзорлар ер майдонларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Toshkent шаҳри бўйича тақсимланиши 1.2.1.2.1-расмда ва 1.2.1.2.1-жадвалда кўрсатилган.

(минг га. ҳисобида)



1.2.1.2.1-расм. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича кўп йиллик дарахтзорлар ер майдонларининг салмоғи, минг. га ҳисобида.

**Кўп йиллик дарахтзорлар ер майдонларининг Қорақалпоғистон Республикаси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тақсимланиши**

(минг га. ҳисобида)

| Т/р | Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи | Жами кўп йиллик дарахтзор майдони | Шу жумладан | | | |
|-----|---|-----------------------------------|--------------|-------------|-------------|---------------------------------------|
| | | | боғлар | узумзорлар | тутзорлар | меваги кўчатзор ва бошқа дарахтзорлар |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 8 | 2,4 | 0,1 | 2,4 | 3,1 |
| | шу жумладан, суғориладигани | 8 | 2,4 | 0,1 | 2,4 | 3,1 |
| 2 | Андижон | 31,1 | 20,5 | 2,4 | 8,1 | 0,1 |
| | шу жумладан, суғориладигани | 31,1 | 20,5 | 2,4 | 8,1 | 0,1 |
| 3 | Бухоро | 20,8 | 9,8 | 5,9 | 5,0 | 0,1 |
| | шу жумладан, суғориладигани | 20,8 | 9,8 | 5,9 | 5,0 | 0,1 |
| 4 | Жиззах | 22,3 | 14,6 | 5,4 | 2,1 | 0,2 |
| | шу жумладан, суғориладигани | 17,4 | 10,9 | 4,2 | 2,1 | 0,2 |
| 5 | Қашқадарё | 39,0 | 20,2 | 9,9 | 8,7 | 0,2 |
| | шу жумладан, суғориладигани | 36,7 | 18,9 | 9 | 8,7 | 0,1 |
| 6 | Навоий | 10,3 | 4,6 | 3,8 | 1,7 | 0,2 |
| | шу жумладан, суғориладигани | 9,6 | 4,0 | 3,8 | 1,7 | 0,1 |
| 7 | Наманган | 46,4 | 31,6 | 9,3 | 5,3 | 0,2 |
| | шу жумладан, суғориладигани | 46,4 | 31,6 | 9,3 | 5,3 | 0,2 |
| 8 | Самарқанд | 68,1 | 29,7 | 30 | 8,1 | 0,3 |
| | шу жумладан, суғориладигани | 63,4 | 25,4 | 29,6 | 8,1 | 0,3 |
| 9 | Сурхондарё | 34,2 | 15,5 | 13,4 | 4,6 | 0,7 |
| | шу жумладан, суғориладигани | 32,8 | 14,6 | 13,2 | 4,6 | 0,4 |
| 10 | Сирдарё | 7,4 | 5,1 | 0,6 | 1,7 | |
| | шу жумладан, суғориладигани | 7,4 | 5,1 | 0,6 | 1,7 | |
| 11 | Тошкент | 53,6 | 35,2 | 13,8 | 3,9 | 0,7 |
| | шу жумладан, суғориладигани | 44,3 | 29,6 | 10,4 | 3,9 | 0,4 |
| 12 | Фарғона | 49,4 | 44,5 | 1,4 | 3,4 | 0,1 |
| | шу жумладан, суғориладигани | 49,4 | 44,5 | 1,4 | 3,4 | 0,1 |
| 13 | Хоразм | 13,2 | 7,6 | 1,2 | 4,2 | 0,2 |
| | шу жумладан, суғориладигани | 13,2 | 7,6 | 1,2 | 4,2 | 0,2 |
| 14 | Тошкент шаҳри | | | | | |
| | шу жумладан, суғориладигани | | | | | |
| | Жами: | 403,8 | 241,3 | 97,2 | 59,2 | 6,1 |
| | шу жумладан, суғориладигани | 380,5 | 224,9 | 91,1 | 59,2 | 5,3 |

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, кўп йиллик дарахтзорлар таркибида боғлар энг катта салмоқни ташкил этиб **59,8** фоизни, узумзорлар **24,1** фоизни, тутзорлар **14,7** фоизни ва меваги кўчатзор ва бошқа дарахтзорлар **1,5** фоизни ташкил қилади. Кўп йиллик лалмикор дарахтзорлар Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида намлик билан таъминланган лалми ерларда жойлашган.

Лалми ерларга ва махсус тайёрланган терассаларга жойлашган кўп йиллик дарахтзорларнинг ер майдони **23,3** минг гектар бўлиб, улардан боғлар **16,4** минг, узумзорлар **6,1** минг ва бошқа меваги дарахтзорлар **0,8** минг гектарни ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига биноан, мамлакатимизда мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланиб, натижада 2015-2020 йилларда кўп йиллик дарахтзорлар **35,9** минг гектарга кўпайди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича кўп йиллик дарахтзорлар ер майдонларининг 2015 йил 1 январь ҳолатига нисбатан ўзгариши 1.2.1.2.2-жадвал ва 1.2.1.2.2 - 1.2.1.2.3-расмларда кўрсатилган.


1.2.1.2.2-жадвал

Кўп йиллик дарахтзорлар ер майдонларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ўзгариши

(минг га. ҳисобида)

| № | Республика, шаҳар ва вилоятлар номи | 2015 йил 1 январь ҳолатига | | 2016 йил 1 январь ҳолатига | | 2017 йил 1 январь ҳолатига | | 2018 йил 1 январь ҳолатига | | 2019 йил 1 январь ҳолатига | | 2020 йил 1 январь ҳолатига | | 2015 йилга нисбатан фарқи (+,-) | |
|----|-------------------------------------|----------------------------|------------------------|----------------------------|------------------------|----------------------------|------------------------|----------------------------|------------------------|----------------------------|------------------------|----------------------------|------------------------|---------------------------------|------------------------|
| | | жами | Шу жумладан, боғзорлар | жами | Шу жумладан, боғзорлар | жами | Шу жумладан, боғзорлар | жами | Шу жумладан, боғзорлар | жами | Шу жумладан, боғзорлар | жами | Шу жумладан, боғзорлар | жами | Шу жумладан, боғзорлар |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 8,9 | 3,2 | 8,5 | 2,8 | 8,6 | 2,9 | 8 | 2,3 | 8 | 2,3 | 8 | 2,4 | -0,8 | -0,8 |
| 2 | Андижон | 29,8 | 17,8 | 29,8 | 18,8 | 30,2 | 19,1 | 30,2 | 19,3 | 30,1 | 19,3 | 31,1 | 20,5 | 1,6 | 3 |
| 3 | Бухоро | 19,9 | 7,1 | 19,8 | 7 | 19,5 | 7,5 | 20,6 | 8,4 | 20,8 | 8,7 | 20,8 | 9,8 | 0,6 | 2,7 |
| 4 | Жиззах | 16,7 | 11,2 | 17,5 | 11,5 | 17,8 | 11,6 | 18,5 | 12,1 | 20,5 | 13,5 | 22,3 | 14,6 | 6,4 | 3,8 |
| 5 | Қашқадарё | 37,1 | 18 | 37,6 | 18,5 | 37,5 | 18,5 | 37,1 | 18,3 | 39,1 | 20,3 | 39 | 20,2 | 2 | 2,3 |
| 6 | Навоий | 11,1 | 4 | 10,9 | 4,3 | 10,6 | 4 | 10,4 | 4,1 | 10,3 | 4,1 | 10,3 | 4,6 | -0,1 | 1,2 |
| 7 | Наманган | 41 | 26,2 | 42,1 | 27 | 43,4 | 28,6 | 44 | 29,2 | 45,1 | 30,2 | 46,4 | 31,6 | 7,3 | 7 |
| 8 | Самарқанд | 61,4 | 24,8 | 63,5 | 26,8 | 66,4 | 28,5 | 69,5 | 30,5 | 68,1 | 29,7 | 68,1 | 29,7 | 6,7 | 7,1 |
| 9 | Сурхондарё | 32,6 | 13,1 | 32,6 | 13,2 | 32,9 | 13,5 | 33,3 | 14 | 33,6 | 14,3 | 34,2 | 15,5 | 1,6 | 2,5 |
| 10 | Сирдарё | 7,1 | 4,8 | 7,3 | 5 | 7,2 | 4,9 | 7 | 4,8 | 7,2 | 5 | 7,4 | 5,1 | 0,3 | 0,3 |
| 11 | Тошкент | 45,2 | 28 | 49,1 | 31,6 | 49,5 | 32 | 50,5 | 33,3 | 52,6 | 34,6 | 53,6 | 35,2 | 9,5 | 7,7 |
| 12 | Фарғона | 48,2 | 43,2 | 49,5 | 44,6 | 49,4 | 44,6 | 49,4 | 44,6 | 49,4 | 44,6 | 49,4 | 44,5 | 1,3 | 1,4 |
| 13 | Хоразм | 12,9 | 7,2 | 12,6 | 7,1 | 12,6 | 7 | 13,1 | 7,5 | 13,2 | 7,6 | 13,2 | 7,6 | -0,5 | -0,3 |
| 14 | Тошкент ш. | | | | | | | | | | | | | | |
| | Жами: | 371,9 | 208,6 | 380,8 | 218,2 | 385,6 | 222,7 | 391,6 | 228,4 | 398 | 234,2 | 403,8 | 241,3 | 35,9 | 37,9 |

(минг га. ҳисобида)



1.2.1.2.2-расм. Республика бўйича кўп йиллик дарахтзорлар ер майдонларининг ўзгариши.

(минг га. ҳисобида)



1.2.1.2.3-расм. Республика бўйича боғзор ер майдонларининг ўзгариши.

1.2.1.3. Бўз ерлар

Бўз ерлар таркибига самарасиз фойдаланиш натижасида, суғориш қондаларининг бузилиши ва тупроқ-мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши, эрозия таъсири, кучли шўрланиши, гипсланиши ҳамда янги ўзлаштирилган ерлар ҳолатининг ёмонлашиши оқибатида, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши (оборот)дан чиқиб қолган суғориладиган ва лалми экин ерлар киради. 2020 йил 1 январь ҳолатига бўз ерларнинг умумий ер майдони **83,7 минг** гектар бўлиб, шундан суғориладиган зонада **48,7 минг** ва лалмикор зонада **35 минг** гектарни ташкил қилади.

Бўз ерларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича тақсимланиши 1.2.1.3.1-жадвалда кўрсатилган.

Бўз ерларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича тақсимланиши

(минг га. ҳисобида)

| Т/р | Республика, вилоятларнинг номи | Жами бўз ерлар | Шу жумладан: | |
|-----|--------------------------------|----------------|----------------------|-----------------|
| | | | суғориладиган зонада | лалмикор зонада |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 11,2 | 11,2 | |
| 2 | Андижон | 2,6 | 0,5 | 2,1 |
| 3 | Бухоро | 7 | 7 | |
| 4 | Жиззах | 11,3 | 1,7 | 9,6 |
| 5 | Қашқадарё | 21,9 | 4,6 | 17,3 |
| 6 | Навоий | 6,8 | 6,7 | 0,1 |
| 7 | Наманган | 2,5 | 2,5 | |
| 8 | Самарқанд | 5,2 | | 5,2 |
| 9 | Сурхондарё | 0,3 | | 0,3 |
| 10 | Сирдарё | 10,3 | 10,3 | |
| 11 | Тошкент | 0,8 | 0,4 | 0,4 |
| 12 | Хоразм | 3,8 | 3,8 | |
| | Жами: | 83,7 | 48,7 | 35 |

Суғориладиган минтақадаги бўз ерлар суғориладиган экин ерлар чегараларида кичик майдонларда жойлашган, агар бундай ерлар суғориш ва коллектор шаҳобчалари билан таъминланиб, тегишли мелиоратив тадбирлар амалга оширилса, бу ерларнинг ҳолати қайта тикланиши ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши (обороти)га қайтариб киритилиши мумкин.

1.2.1.4. Пичанзор ва яйловлар

Республика ҳудудининг катта қисмини пичанзор ва яйловлар ташкил қилади. Бу ерлар чорвачиликни ривожлантириш учун асосий озуқа базаси бўлиб ҳисобланади. 2020 йил 1 январь ҳолатига республикада умумий ер майдони **21118** минг гектар табиий пичанзор ва яйловлар мавжуд бўлиб, шу жумладан, сув билан таъминланган яйловларнинг умумий ер майдони **18811,3** минг гектарни ташкил қилади. Табиий шароитларига қараб, яйлов ва пичанзорлар чўл-текислик (чўл минтақаси), текислик-тепалик (адир минтақаси) ва тоғ олди ҳудудлари (тоғ минтақаси) га бўлинади. Чўл-текисликдаги пичанзор ва яйлов ерлар республиканинг шимолий - ғарбий қисмида, денгиз сатҳидан 500 м. гача баландликда жойлашган. Улар йил давомида фойдаланиладиган пичанзор ва яйловлардан иборат бўлиб, асосан, қорақўлчиликка ихтисослашган зоналарда жойлашган.

Шарқда чўл-текислик пичанзор ва яйловлар аста-секин текислик-тепалик пичанзор ҳамда яйловларга ўтиб, денгиз сатҳига нисбатан 1000-1200 м. баландликда жойлашган. Адир минтақасининг пичанзор ва яйловлари, асосан, кузги-баҳорги пичанзор ва яйловларни ташкил этади.

Тоғ минтақасидаги тоғ олди-тоғ пичанзор ва яйловлари ғарбий Тянь-шань тизмаларида жойлашган бўлиб, денгиз сатҳидан 2500 м. баландликда жойлашган. Тоғ минтақаси пичанзор ва яйловлари ёзги ҳисобланиб, барча турдаги ҳайвонларни боқишга ярқли ҳисобланади.

Пичанзор ҳамда яйловларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича тақсимланиши 1.2.1.4.1-жадвалда кўрсатилган.

1.2.1.4.1-жадвал

Пичанзор ҳамда яйловларнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича тақсимланиши

(минг га. ҳисобида)

| Т/р | Республика, вилоятларнинг номи | Жами пичанзор ва яйловлар | Шундан суғориладигани |
|-----|--------------------------------|---------------------------|-----------------------|
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 5257,4 | 36,6 |
| 2 | Андижон | 21,1 | 0,9 |
| 3 | Бухоро | 2558,1 | |
| 4 | Жиззах | 739,1 | |
| 5 | Қашқадарё | 1406,8 | 0,1 |
| 6 | Навоий | 8762,3 | |
| 7 | Наманган | 150,8 | |
| 8 | Самарқанд | 797,1 | |
| 9 | Сурхондарё | 826,5 | |
| 10 | Сирдарё | 20,5 | |
| 11 | Тошкент | 445,6 | 1,4 |
| 12 | Фарғона | 23,4 | 3,9 |
| 13 | Хоразм | 109,3 | |
| | Жами: | 21118 | 42,9 |

1.2.2. Фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш ва деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ерлар

Шаҳарлар ва шаҳарчаларда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг эғалигидаги ерлар таркибига кирмаган қишлоқ аҳоли пунктларида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи билан ҳар бир оилага ер участкалари берилди.

Дехқон хўжалиги оилавий майда товар ишлаб чиқарувчи хўжалик бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

2020 йил 1 январь ҳолатига якка тартибда уй-жой қуриш ва дехқон хўжалигини юритиш учун берилган ерлар жами **726** минг гектарни ва хўжаликлар (оилалар) сони **4771168** тани ташкил қилади.

Фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш ва дехқон хўжалиklarини юритиш учун берилган ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тақсимланиши 1.2.2.1-жадвалда кўрсатилган.

1.2.2.1-жадвал

Фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш ва дехқон хўжалигини юритиш учун берилган ерларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича тақсимланиши

(минг га. ҳисобида)

| Т/р | Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи | 2019 йил 1 январь ҳолатига | | 2020 йил 1 январь ҳолатига | |
|-----|---|----------------------------|-------------------|----------------------------|-------------------|
| | | Хўжаликлар (оила) сони, та | Умумий ер майдони | Хўжаликлар (оила) сони, та | Умумий ер майдони |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 245083 | 47,6 | 258475 | 52,3 |
| 2 | Андижон | 488212 | 48 | 514688 | 50,3 |
| 3 | Бухоро | 305104 | 58,6 | 305257 | 58,2 |
| 4 | Жиззах | 177036 | 31,8 | 195241 | 34,5 |
| 5 | Қашқадарё | 428353 | 80 | 429989 | 80,1 |
| 6 | Навоий | 111011 | 20 | 110064 | 25,6 |
| 7 | Наманган | 425893 | 50 | 538973 | 58,7 |
| 8 | Самарқанд | 521426 | 86,5 | 521426 | 86,5 |
| 9 | Сурхондарё | 343068 | 63,2 | 343480 | 63,2 |
| 10 | Сирдарё | 120962 | 19,2 | 120988 | 19,2 |
| 11 | Тошкент | 447574 | 62,3 | 447574 | 64,5 |
| 12 | Фарғона | 586901 | 72 | 587090 | 71,9 |
| 13 | Хоразм | 255766 | 51,3 | 255766 | 53,9 |
| 14 | Тошкент ш. | 140026 | 6,9 | 142157 | 7,1 |
| | ЖАМИ: | 4596415 | 697,4 | 4771168 | 726 |

1.3. Фермер хўжалиklarининг ихтисослашуви ва ер майдонларидан фойдаланиши

Республикамиз аграр тармоғида олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, хусусан, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларига алоҳида эътибор қаратилиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бу борада мавжуд суғориладиган ва лалми ерлардан унумли фойдаланиш, уларнинг тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш (тиклаш) ва ошириш, уларни ҳимоя қилиш ҳамда мақсадли фойдаланишни таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалигида изчиллик билан ўтказилаётган ислохотлар, хўжалик юритишнинг янги шакллари - фермер ва деҳқон хўжалиklarини бошқариш тизимини яратиш ҳамда фаолиятини эркинлаштириш борасида қилинаётган ишлар бевосита қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган. Ерга бўлган мулкчилик шакллариининг ўзгариши ҳисобига ҳалқимизнинг чинакам миллий бойлиги, бебаҳо мулки, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган суғориладиган ерларга бўлган эътибор кучаймоқда ҳамда шу билан моддий манфаатдорликка эришилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ислох қилиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришлар кузатилмоқда. Фермер хўжалиklари, ўз моҳиятига кўра қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди. Энг муҳими, қишлоқда ҳақиқий мулкдор - ер эгаси пайдо бўлди.

Сўнгги йилларда фермер хўжалиklarининг ер участкаларидан самарали фойдаланиши изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиб, фермерлар фаолиятини самарадорлиги оширилишининг муҳим омили бўлди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, барқарор фермер хўжалиklarини шакллантириш, уларнинг шахсий айланма пул маблағларини сезиларли даражада ошириш, ер ва сув ресурсларидан, шунингдек, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик техникаси ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, меҳнатни янада аниқ ташкил этиш имкони яратилиб, фермер хўжалиklarининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди.


Фермер хўжалиklари тасарруфидаги ер участкаларидан фойдаланиш борасидаги қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш йўли билан улар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, фермерларни, ернинг ҳаққоний эгалари сифатида ҳолис ва ошқора танлаб олиш, шу асосда, ер ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланиш, келгусида ҳосилдорликни ошириш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, хўжалиklarнинг молиявий аҳволини ва қишлоқ аҳолиси даромадлари ўсишини яхшилаш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият юритаётган фермер хўжалиklarининг ишлаб чиқариш, иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини чуқур таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ер майдонларини мақбул ҳажмларига келтириш бўйича жойлардаги ишчи гуруҳлар билан ишлар олиб борилиб, фермер хўжалиklари тасарруфидаги ер участкаларининг ўлчамларини мақбуллаштириш (оптималлаштириш) ишлари олиб борилмоқда.

Фермер хўжалиklarнинг 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, умумий сони 84222 тани, шу жумладан ихтисослиги: пахта-ғаллачилик 25597 та, ғаллачилик 6436 та, чорвачилик 10133 та, боғдорчилик 21030 та, узумчилик 4864 та, сабзавотчилик-полизчилик 4773 та, тутчилик 743 та ҳамда бошқа йўналишда 10646 тани ташкил қилди. Республикамизда 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, уларга ажратиб берилган умумий ер майдони 7331 минг гектарни, шу жумладан, экин ерлар 3271,9 минг гектар, кўп йиллик дарахтзорлар 273,5 минг гектар, бўз ерлар 31 минг гектар, яйлов ва пичанзорлар 3131,2 минг гектар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар 623,4 минг гектарни ташкил қилди.


Республика вилоятларда мавжуд фермер хўжалиklarининг 2020 йил 1 январь ҳолатига сони, ер майдони ва ер турлари бўйича тақсимланиши 1.3.1-жадвалда, фермер хўжалиklари сонининг ўзгариши 1.3.1 ҳамда ер майдонларининг ўзгариши 1.3.2-расмларда, ихтисослаштирилганлиги бўйича тақсимланиши 1.3.3-расмда кўрсатилган.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда мавжуд фермер хўжаликларининг
соғи, ер майдони ва ер турларлари бўйича тақсимланиши


| Т/р | Республика, вилоятларнинг номи | Фермер хўжаликларининг соғи | Умумий ер майдони | Экин ерлар | | | | Кўп йиллик дарахтзорлар | | | | Бўз ерлар | Пиянзорлар ва қишлоқлар | Жами қишлоқ хўжалиги | Бошқа ерлар |
|-----|-----------------------------------|--------------------------------|-------------------|---------------|---------------|--------------|--------------|-------------------------|--|--------------|-------------|---------------|-------------------------|----------------------|-------------|
| | | | | жами | | шу жумладан: | | жами | | шу жумладан: | | | | | |
| | | | | сўғирилдиган | лағим | Ботлар | Узумзорлар | Тўғзорлар | Мевали кўчатор ва бошқа дарахтзорлар | жами | Бўз ерлар | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 5084 | 885,5 | 318,6 | 318,6 | 2,7 | 1,4 | 0,1 | 1,2 | 1,2 | 5,9 | 387,8 | 715,0 | 170,5 | |
| 2 | Андижон | 7447 | 228,3 | 181,4 | 181,4 | 19,0 | 14,8 | 1,5 | 2,7 | 2,7 | 0,9 | 3,7 | 205,0 | 23,3 | |
| 3 | Бухоро | 4963 | 860,0 | 183,5 | 183,5 | 17,4 | 8,8 | 5,8 | 2,7 | 2,7 | 5,7 | 570,6 | 777,2 | 82,8 | |
| 4 | Жиззах | 7149 | 589,5 | 389,0 | 214,9 | 174,1 | 10,7 | 7,9 | 2,3 | 0,5 | 1,7 | 155,5 | 556,9 | 32,6 | |
| 5 | Қашқадарё | 9308 | 797,0 | 549,5 | 362,3 | 187,1 | 23,8 | 14,6 | 5,8 | 3,3 | 5,0 | 181,7 | 760,0 | 37,0 | |
| 6 | Навий | 2842 | 1314,1 | 90,2 | 79,3 | 10,9 | 6,7 | 2,7 | 3,4 | 0,6 | 4,3 | 1188,7 | 1289,9 | 24,2 | |
| 7 | Наманган | 6404 | 249,9 | 171,4 | 171,4 | 20,7 | 14,7 | 4,7 | 1,3 | 1,3 | 1,2 | 17,9 | 211,2 | 38,7 | |
| 8 | Самарқанд | 12435 | 564,3 | 384,9 | 238,4 | 146,5 | 58,0 | 21 | 29,2 | 7,7 | 1 | 90,5 | 534,4 | 29,9 | |
| 9 | Сурхондарё | 5698 | 683,5 | 211,0 | 185,8 | 25,2 | 20,3 | 8,0 | 1,3 | 1,3 | 2,4 | 392,0 | 623,3 | 60,2 | |
| 10 | Сўғдарё | 3382 | 176,3 | 151,2 | 151,2 | 4,8 | 3,9 | 0,3 | 0,6 | 0,6 | 2,4 | 5,5 | 163,9 | 12,4 | |
| 11 | Тошкент | 6813 | 371,3 | 211,6 | 188,0 | 23,6 | 35,9 | 10,5 | 0,8 | 0,8 | 0,9 | 96,8 | 345,2 | 26,1 | |
| 12 | Фарғона | 8987 | 336,8 | 241,0 | 241,0 | 45,2 | 40,9 | 1,2 | 3,1 | 3,1 | 2,0 | 1,4 | 287,6 | 49,2 | |
| 13 | Хоразм | 3710 | 274,5 | 188,6 | 188,6 | 8,3 | 7,0 | 1,0 | 0,3 | 0,3 | 2,0 | 39,1 | 238,0 | 36,5 | |
| | ЖАМИ: | 84222 | 7331,0 | 3271,9 | 2704,4 | 567,5 | 172,5 | 73,8 | 26,1 | 1,1 | 31,0 | 3131,2 | 6707,6 | 623,4 | |



1.3.1-расм. Республикада фермер хўжаликлари сонининг ўзгариши.



1.3.2-расм. Республикада фермер хўжаликлари ер майдонларининг ўзгариши.



1.3.3- расм. Республикада фермер хўжаликларининг ихтисослиги бўйича тақсимланиши (% ҳисобда)

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ерлари тупроқларининг мониторинги ва уларнинг мелиоратив ҳолати.

2.1. Навоий вилоятининг суғориладиган тупроқлари ва уларнинг унумдорлик даражаси динамикаси.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ер турларидан бири - экин ерлари бўлиб, улар ичида суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалигида алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида изчиллик билан ўтказилаётган ислохотлар, хўжалик юритишнинг янги шакллари—фермер хўжаликлари, кластер тизими ва бошқа ерлардан фойдаланувчилар тизими яратилганлиги, фермерларнинг ўзлари эгалик қилаётган ер майдонлари тупроқларининг унумдорлигини билиш ҳамда шу асосида ёндашиш талабини қўймоқда. Бу борада давлат кадастрининг асосий қисми бўлган тупроқлар бонитировкаси муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда республикада мавжуд фермер хўжаликлари суғориладиган ерларининг сифат жиҳатдан баҳолаш ҳамда шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини белгилаш, бонитировка маълумотларидан турли мақсадларда фойдаланиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

2019 йилда Давергеодезкадастр қўмитаси таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан Навоий вилоятининг барча туманларида Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси тўғрисидаги ҳамда Ер муносабатлари ва давлат кадастрларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 529-сонли қарори асосида суғориладиган ерларнинг тупроқ сифатини баҳолаш ишлари (бонитировка) тизимли амалга оширилди.

Тупроқнинг унумдорлиги бўйича баҳолаш агротехник тадбирлар ва деҳқончиликни жадаллаштиришнинг ўртача даражасини ҳисобга олган ҳолда бажарилади. Унумдорлик бўйича баҳолаш муайян ердаги қишлоқ хўжалик экинларининг талаблари ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади. Ўзбекистон суғориладиган тупроқ шароитида ғўзанинг талаблари ҳисобга олинади ва шу асосда ишлар амалга оширилади.

Мамлакатимиз тупроқ-иқлим, геоморфологик ва гидрогеологик шароитлари ўзига хос характерга эга, шу нуқтаи назардан тупроқ унумдорлиги кўп жиҳатдан табиий омиллар ҳамда инсон омилига боғлиқдир.

Давергеодезкадастр қўмитаси таркибига кирувчи ташкилотлар ҳамда “Тупроқ таркиби ва репозиториysi, sifati tahlil markazi” davlat unitar korxonasi томонидан 2019 йил давомида **Навоий** вилоятининг **Нурота, Кармана, Конимех, Навбахор, Учқудук, Қизилтепа, Хатирчи** туманлари ва **Зарафшон, Навоий** шаҳарлари суғориладиган ер майдонларида тупроқ сифатини баҳолаш (балл бонитетини аниқлаш) ишларининг бошланғич босқичи бўлган дала-тадқиқот ишлари олиб борилди. Дала-тадқиқот ишлари, тупроқ кесмаларидан олинган тупроқ намуналарнинг кимёвий таҳлили, дала хариталарини таҳлил қилиш, майдон ҳисоблаш натижалари асосида вилоят (туман) Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари (бўлимлари) хизмат фаолиятларида фойдаланишлари учун массивларнинг 1:10 000 миқёсдаги тупроқ айирмалари кўрсатилган тупроқ сифатини баҳолаш хариталари тузилди ҳамда объект тупроқларини тавсифловчи экспликациялар тузилди. Тупроқ сифатини баҳолаш хариталарида тупроқ айирмаларининг ўртача бонитет баллари ва кадастр гуруҳлари бўйича ҳисобланган ер майдонлари берилди. Шу билан бирга массивларнинг тупроқ сифатини баҳолаш натижалари

асосида массивлар билан чегараланган ҳар бир контурнинг суғориладиган ер майдонлари қайдномалар асосида ҳисобланди.

Массивлар чегараси бўйича жойлашган ҳар бир контур тупроғининг унумдорлик даражаси кўрсаткичи –бонитет балли, тупроқ сифатини белгиловчи класслари изоҳномада берилди.

Навоий вилояти бўйича суғориладиган тупроқларнинг сифатини баҳолаш ишлари **103244,7** гектар суғориладиган ер майдонида бажарилди. Тупроқнинг табиий унумдорлигини ҳисобга олганда суғориладиган ерларнинг ҳосилдорлиги ва уларнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланишда ярқилигининг потенциал имкониятларига кўра туманда суғориладиган ерлар унумдорлик бўйича 7 та синфга (баллар бўйича), тупроқларнинг сифати бўйича 4 та қишлоқ хўжалик кадастр зонасига (гуруҳлар) бирлаштирилган.

Бажарилган тупроқ-баҳолаш ишлари натижаларига кўра, вилоят бўйича суғориладиган тупроқларнинг ўртача бонитети **53,8** баллни ташкил этди. Бу кўрсаткич олдинги тур **2009-2015** йилда олиб борилган тупроқ сифатини баҳолаш ишлари натижасига кўра **0,6** бонитет баллга ошган.

Навоий вилояти тупроқларининг унумдорлик даражаси бўйича майдонлари тақсимланганда, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ярқисиз, ёмон сифатли ерлар (**I-II** класс; **0-20** балл) вилоятда аниқланмади.

Ўртачадан паст кадастр гуруҳига кирган ерлар вилоятда **19121,9** гектар ерни ташкил этди. Бу вилоят суғориладиган ерларининг **18,5** % ига тенг бўлиб, сифат баҳоси кўрсаткичи бўйича **III-IV** классга тааллуқлидир, бонитети **21-40** баллар билан баҳоланди. Вилоят бўйича кам маҳсулдор (**ўртачадан паст**) ерларнинг ҳиссаси олдинги тур тупроқ сифатини баҳолаш ишлари натижаларига кўра, **24,2** % дан **18,5** % га камайган. Бу кўрсаткич **6584,5** гектарни ташкил этди.

Вилоятнинг **ўртача сифатли** кадастр гуруҳига кирган ерлари **50344,0** гектарни ташкил этди. Бу вилоят суғориладиган ерларининг **48,8** % га тенг бўлиб, сифат баҳоси кўрсаткичи бўйича **V-VI** классга мансубдир, тупроқларнинг бонитети **41-60** баллар оралиғида баҳоланди. **Ўртача сифатли** кадастр гуруҳига кирган ерлар майдони олдинги тур тупроқ сифатини баҳолаш ишлари га нисбатан **4337,0** гектарга кўпайган.

Навоий вилоятининг **яхши сифатли** кадастр гуруҳига кирувчи ерлари **32494,3** гектарни ташкил этган. Бу вилоят суғориладиган ерларининг **31,5** % ига тенг. Бу ерлар **VII-VIII** кадастр классига тааллуқли бўлиб, бонитети **61-80** балл билан баҳоланди.

Яхши сифатли ерлар вилоят бўйича олдинги тур олиб борилган иш натижаларига нисбатан **0,3** % га ортган, лекин жами суғориладиган майдонга нисбатан **730,5** гектарга камайган.

Энг яхши сифатли - кадастр гуруҳига кирувчи **1284,5** гектар ерлари туман суғориладиган ерларининг **1,2** % ини ташкил этди. Бу тупроқларнинг ҳиссаси вилоятда кам бўлиб, **IX-X** классларни ўз ичига олади. Бу тупроқлар бонитети **81-100** балл билан баҳоланди. (**1-жадвал, 1-2 расмлар**).


Навоий вилояти туманлари бўйича ўртача ҳисобланган бонитет балли **Хатирчи** тумани (**30008,0** гектар) бўйича энг катта - **61,2** балл (**VII-класс яхши ерлар**) гуруҳига кирди. Бу кўрсаткич **2009-2015** йил олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра **0,2** баллга ошган. Вилоят туманлари бўйича тупроқларининг бонитет балли нисбатан энг паст кўрсаткичи **Учқудук** туманида аниқланиб, бонитети **29,7** баллга тенг деб баҳоланди. Лекин бу кўрсаткич олиб борилган аввалги тадқиқот натижаларига нисбатан **1,7** баллга ошган.

Навбахор тумани ва **Навоий шаҳри** суғориладиган ерларининг ўртача ҳисобланган бонитети бўйича (**VI** классга), ўртача сифатли ерлар гуруҳини ташкил этди. **Кармана, Конимех, Қизилтепа** туманлари ва **Зарафшон шаҳри** ерларининг ўртача ҳисобланган бонитети бўйича (**V –класс**) ўртача сифатли ерлар гуруҳини ташкил этди.


Навоий вилоятида тупроқларнинг унумдорлик динамикаси ижобий томонга сезиларли даражада ўзгарган, жумладан, бонитет баллари **Кармана** тумани ерларида - **2,1** баллга, **Конимех** тумани ерларида - **1,4** баллга, **Учқудук** тумани ерларида - **1,7** баллга, **Хатирчи** тумани ерларида **0,2** баллга ошган. Тупроқлар унумдорлик динамикасининг ўзгаришсиз қолиши **Қизилтепа** туманида кузатилди.

Навоний вилояти суғориладиган ерлар тупроқларининг сифат баҳоси маълумотлари.

| Т.р | Туманлар номи | Кадастр гуруҳлари | | | | | | | | | | Жами, га. | Ўртача балл |
|-----|---------------|-------------------|-------|----------------|---------|--------------|---------|------------|---------|----------------|--------|-----------|-------------|
| | | Ёмон ерлар | | Ўртачадан паст | | Ўртача ерлар | | Яхши ерлар | | Энг яхши ерлар | | | |
| | | I | II | III | IV | V | VI | VII | VIII | IX | X | | |
| | | | | | | | | | | | | | |
| | | Бонитет бали | | | | | | | | | | | |
| | | 0-10 | 11-20 | 21-30 | 31-40 | 41-50 | 51-60 | 61-70 | 71-80 | 81-90 | 91-100 | | |
| 1 | Нурога | | | | 171,6 | 1592,7 | 1940,6 | | | | | 3704,9 | 50,6 |
| 2 | Кармана | | | 241,7 | 4628,9 | 6261,7 | 3417,8 | 3227,2 | 1151,1 | | | 18928,4 | 49,1 |
| 3 | Конимех | | | 38,3 | 800,3 | 2113,0 | 1559,6 | 314,9 | 171,0 | | | 4997,1 | 48,4 |
| 4 | Навбахор | | | | 2574,5 | 5906,4 | 5821,8 | 3519,9 | 3144,7 | | | 20967,4 | 54,9 |
| 5 | Учкудук | | | 22,6 | 97,4 | | | | | | | 120,0 | 29,7 |
| 6 | Қизилтепа | | | 1443,6 | 8730,0 | 5210,6 | 3541,1 | 3737,9 | 1311,2 | 484,6 | | 24459,0 | 49,0 |
| 7 | Хатирчи | | | | 373,0 | 3428,8 | 9489,9 | 11103,5 | 4812,8 | 799,9 | | 30008,0 | 61,2 |
| 8 | Зарафшон ш. | | | | | 3,0 | | | | | | 3,0 | 45,1 |
| 9 | Навоний ш. | | | | | | 57,0 | | | | | 57,0 | 53,2 |
| | Жами | | | 1746,2 | 17375,7 | 24516,2 | 25827,8 | 21903,5 | 10590,8 | 1284,5 | | 103244,7 | 53,8 |



2.1.1-расм. Навоий вилояти сугориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг кадастр гуруҳлари бўйича тақсимланиши (фоиз ҳисобида)



2.1.2-расм. Навоий вилояти туманларида сугориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг кадастр гуруҳлари бўйича майдони (га ҳисобида)

Тупроқнинг мелиоратив ҳолати ва унумдорлик даражаси шу тупроқларнинг механик таркибларига боғлиқ. Вилоят суғориладиган ерларининг **21917,5 гектари** оғир механик таркибли тупроқлар бўлиб, вилоят суғориладиган тупроқларининг **21,2 %** майдонини эгаллаб, ўсимликларни жадал ўсиши ва ривожланишига ҳамда ишлов бериш механизмларига салбий таъсир кўрсатади.

Лойли ва оғир қумоқли тупроқлар юқори сув сизими ва кучсиз сув ўтказувчанлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари бундай ерларга ишлов беришда тупроқларнинг зичлиги ортиб, юқори солиштирма қаршилиқ кўрсатиш хусусиятига эга бўлади ва суғорилгандан сўнг қатқалоқ ҳосил қилиб, зичланиб қолади. Ўсимликнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатади (**2-жадвал**).

Навоий вилояти туманларида тупроқларининг механик таркиби бўйича тақсимланиши

2.1.2-жадвал

| № | Туманлар ва шаҳарлар номи | Механик таркиби | | | | | | |
|--------------|---------------------------|-----------------|----------------|----------------|----------------|---------------|--------------|-----------------|
| | | Лойли | Оғир қумоқли | Ўрта қумоқли | Енгил қумоқли | Қумлоқли | Қумли | Жами |
| 1 | Нурота | 220,1 | 161,2 | 1064,8 | 1195,6 | 1063,2 | | 3704,9 |
| 2 | Кармана | | 2531,1 | 11624,6 | 4156,9 | 615,8 | | 18928,4 |
| 3 | Конимех | | 65,1 | 2987,5 | 1416,8 | 394,5 | 133,2 | 4997,1 |
| 4 | Навбахор | 47,3 | 5898,9 | 13334,9 | 1548,6 | 137,8 | | 20967,4 |
| 5 | Учкудук | | | | | 120,0 | | 120,0 |
| 6 | Қизилтепа | | 5994,6 | 11221,4 | 4655,1 | 2128,1 | 459,6 | 24459,0 |
| 7 | Хатирчи | 448,2 | 6550,9 | 11433,9 | 10632,6 | 654,8 | 287,4 | 30008,0 |
| 8 | Зарафшон ш. | | | | 1,6 | 1,4 | | 3,0 |
| 9 | Навоий ш. | | | | 57,0 | | | 57,0 |
| Жами: | | 715,6 | 21201,8 | 51667,1 | 23664,2 | 5115,6 | 880,2 | 103244,7 |

Навоий вилояти суғориладиган тупроқларининг **75331,4 гектари**, яъни **73%** фоизи ўрта ва енгил механик таркибли тупроқлардан иборат. Енгил механик таркибли тупроқлар анча ғовакли тузилишга эга, кучли сув ўтказувчанлик ва кам сув ушлаб қолиш қобилиятига эга. Бу тупроқлар юза қисмида қатқалоқ умуман ҳосил бўлмайди, лекин шамол эрозиясига учрайди. Шунингдек, бу тупроқларда сувда эрувчан тузларни ювиб чиқариш осон кечади.

Ўрта қумоқли тупроқлар нисбатан кам зичлашган, энг яхши физик хусусиятларга эга.

Шамол эрозияси асосан қумлоқли ва қумли механик таркибли тупроқларда содир бўлиб, уларнинг ер майдонлари **5995,8 гектарни (5,8 %)** ташкил этади.

Шўрланганлик даражаси тупроқдаги зарарли (заҳарли) сувда осон эрувчан тузларнинг умумий микдорини кўрсатади. Тупроқнинг шўрланиши асосан, майдонлардан ер ости

сувининг оқиб чиқиб кетмаслиги ва ариқ-зовур тармоқларининг ишламаслигидан келиб чиқади.

Тупроқнинг шўрланиши, унинг шўрланиш даражаси, шўрланиш типи, тузлар химизми, тузли горизонтнинг жойлашиш чуқурлиги ва ер ости сувининг чуқурлиги билан фарқланади.

Навоий вилояти бўйича шўрланган ерлар (ўрта, кучли ва жуда кучли шўрланган ерлар) **69872,8 гектар** ерни ташкил этиб, бу вилоят суғориладиган ерларининг **67,7 %** ни ташкил этганлиги аниқланди. Вилоятдаги кучсиз шўрланган ерлар жами суғориладиган ерларнинг **54,0 %** ни, яъни **55764,8 гектарни**; ўртача шўрланган ерлар жами суғориладиган ерларнинг **11,9 %** ёки **12301,0 гектарни**; кучли шўрланган ерлар жами суғориладиган ерларнинг **1,2 %** ни ёки **1280,9 гектарни**, жуда кучли шўрланган ерлар жами суғориладиган ерларнинг **0,5 %**ни, яъни **526,1 гектар** ерни ташкил этди (3-жадвал).

Навоий вилояти тупроқларининг шўрланиш даражаси бўйича тақсимланиши

2.1.3-жадвал

| № | Туманлар номи | Шўрланиш даражаси | | | | | Жами Майдон,га |
|---|---------------|-------------------|----------------|----------------|---------------|----------------------|-----------------|
| | | шўрланмаган | кучсиз | ўртача | кучли | Жуда кучли шўрланган | |
| 1 | Нурога | 3051,5 | 554,0 | 99,4 | | | 3704,9 |
| 2 | Кармана | 5606,6 | 9374,8 | 3735,4 | 211,6 | | 18928,4 |
| 3 | Конимех | 4522,5 | | 474,6 | | | 4997,1 |
| 4 | Навбахор | 6281,3 | 12313,6 | 2154,6 | 217,8 | | 20967,3 |
| 5 | Учқудук | | | 97,4 | 22,6 | | 120,0 |
| 6 | Қизилтепа | 1738,3 | 16593,1 | 4814,7 | 786,8 | 526,1 | 24459,0 |
| 7 | Хатирчи | 12171,7 | 16927,9 | 866,3 | 42,1 | | 30008,0 |
| 8 | Зарафшон ш. | | 1,4 | 1,6 | | | 3,0 |
| 9 | Навоий ш. | | | 587,0 | | | 57,0 |
| | Жами: | 33371,9 | 55764,8 | 12301,0 | 1280,9 | 526,1 | 103244,7 |

Инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида ерлардаги тупроқ мелиоратив ҳолатининг яхшиланиши, оптимал агротехник тадбирларнинг ўтказилиши, тупроқларга органик ва минерал ўғитларни меъёрида солиш ҳисобига, уларнинг унумдорлик даражаси ва сифати ошиши мумкин. Кармана тумани бўйича ўрта ва кучли шўрланган ерлар ҳиссасининг **70,2 %** дан **20,8 %** гача камайиши, шўрланмаган ва кучсиз шўрланган тупроқларнинг **29,7 %** дан **79,1 %** гача ошиши туманда мелиоратив тадбирларнинг тизимли даражада олиб борилганлигидан далолат беради. Туманда олиб борилган агротехник ва мелиоратив тадбирлар туман тупроқлари унумдорлиги кўрсаткичини **2,1** бонитет баллига ошишига сабаб бўлган.

Конимех тумани бўйича ўрта ва кучли шўрланган ерлар ҳиссасининг 76,5 % дан 9,5 % гача камайиши туман ерлари мелиоратив ҳолатининг ижобий ҳал бўлаётгани ва туман тупроқлари унумдорлик кўрсаткичининг 1,4 баллга ошишига сабаб бўлди. **Хатирчи** туманида ўрта ва кучли шўрланган ерларнинг 7,5 % дан 3,0 % гача камайиши туман ерлари бонитети кўрсаткичининг фақат 0,2 баллга ошишига сабаб бўлди. Вилоятдаги бошқа туманлар ерларининг шўрланган майдонлар ҳиссасининг жами суғориладиган майдонларга нисбати олдинги тур тадқиқот ишлари билан натижаларига нисбатан кам даражада ошган бўлишига қарамай, бу туманлардаги унумдорлик кўрсаткичлари нисбатан ўзгармаган.

Навоий вилояти массивлар бўйича тупроқ сифатини баҳолаш харитасида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тавсифловчи ҳамма кўрсаткичлар келтирилган. Ушбу кўрсаткичлар асосида тупроқнинг шўрланиш хусусиятига қараб, маҳаллий шароитни ҳисобга олиб, бажариладиган мелиоратив ишлар режалаштирилади ва тақсимланади.

Гипс асосан кальций манбаи бўлиб, инерт модда бўлгани учун тупроқнинг сизимини камайтиради. Тупроқнинг гипслашган горизонти ёмон филтрация ва капиллярлик хусусиятига эга.

Гипслашган тупроқлар **Навоий** вилоятининг 7056,6 гектар (6,8 %) суғориладиган ер майдонларида аниқланган, шундан 3389,7 гектар (3,3 %) ер майдони тупроқлари кам даражада, 3464,5 гектар (3,4 %) ер майдони ўрта даражада, 202,4 гектар (0,2 %) ер майдони кучли даражада гипслашган.

Тошли тупроқлар кам гумуслилиги, структурасизлиги, ўсимлик озуқа моддаларига камбағаллиги, нам сизимининг пастлиги ва ўзлаштириладиган намлик захирасининг камлиги билан тавсифланади. Бундан ташқари тошли тупроқлар юзаси ва ер устки қавати атмосферасининг қаттиқ қизиши ҳисобига тез қуриб қолишига олиб келади. **Навоий** вилояти суғориладиган тупроқларининг 15995,7 гектар (15,5 %) ер майдони тош аралашган, шундан 10862,0 гектар (10,5 %) ер майдонида кам, 4275,7 гектар ер майдонида (4,2 %) ўртача ва 758,0 гектар (0,7 %) ер майдонида кучли даражада тош аралашган.

Тупроқда содир бўладиган жараёнларнинг бориши ва шаклланишида гумуснинг роли бениҳоя катта. Тупроқ органик моддалари нисбатан юқори сингдириш сизимига эга ҳамда кўп миқдорда озуқа элементларни сақлаб туради.

Навоий вилояти суғориладиган ер майдонлари тупроқларида гумус миқдорининг 1 % гача бўлган миқдори – 73796,1 гектарни, яъни 71,5 % ни, 1,1% дан 2,0 % гача бўлган майдони 29347,6 гектарни, яъни 28,4 % ни ташкил этди. Гумус миқдори 2,1 % дан 3,0 % гача бўлган майдон 101,0 гектарни яъни 0,1 ни ташкил этди.

Навоий вилояти суғориладиган ер майдонларида олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, тупроқлардаги чиринди ва озуқа элементлари миқдори аввалги тур олиб борилган тупроқ сифатини баҳолаш ишларига натижалари кўрсаткичларига нисбатан; тупроқларнинг 2 % гача бўлган гумус миқдорли майдонлари 7625,6 гектар (8,0 %) га, 3 % гача бўлган гумус миқдорли майдонлари эса 443,0 гектар (0,4 %) га камайган.

жами суғориладиган майдонларга нисбатан).

Навоий вилояти тупроқларнинг морфологик кўрсаткичларининг ижобий томонга динамикаси вилоят тупроқлари унумдорлик кўрсаткичининг 0,6 бонитет баллига ошишига сабаб бўлган.

Суғориладиган деҳқончилик шароитида тупроқларнинг сифат жиҳатидан баҳоси доимий равишда ўзгариб туради.

2.2. Сурхондарё вилоятининг Тожикистон алюминий компанияси (ТАЛКО) билан чегарадош хуудларда суғориладиган тупроқларнинг экологик ҳолати.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.08.2016 йилдаги 273-сонли “2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги Дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори, “Ўзбекистон Республикасида 2016-2020 йилларда ер мониторинги ўзқизиш Дастури” (23.10.2015 й.) ижросини таъминлаш мақсадида Давергеодезкадастр қўмитаси томонидан 2019 йил давомида Сурхондарё вилоятига чегарадош Тожикистон алюминий компаниясининг (ТАЛКО) салбий таъсирини аниқлаш ва уни олдини олиш бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида қуйидаги натижалар олинган.


Сариосиё тумани кузатув экологик майдончалари (КЭМ) суғориладиган тупроқларидаги оғир металллардан хром моддасининг ҳаракатчан шакллари баҳорги намуналардаги миқдори 4,0-21,0 мг/кг оралиғида ва никелнинг ҳаракатчан шакллари 5,5-6,5 мг/кг оралиғида аниқланган. Куз мавсумига келиб, туман тупроқларидаги хром миқдорининг баҳор мавсумига нисбатан бир оз ошиши, ҳамда 9,0-20,0 мг/кг оралиғида учраши аниқланган. Туман тупроқларидаги никел миқдори ҳам хромнинг ҳаракатчан шакллари миқдори ҳам баҳорги кузатув натижаларига нисбатан кузда бир оз ошганлиги аниқлан, ушбу металлнинг куз мавсумидаги миқдори 7,3-12,0 мг/кг оралиғида учраган (2.2.1-расм).

Туман суғориладиган тупроқларидаги алмашинувчи алюминийнинг баҳор мавсумидаги миқдори катта ораликда ўзгариб, 26,8-55,1 мг/кг га тенг бўлган миқдорларда аниқланган, кузга келиб унинг миқдори 23,4-50,1 мг/кг ни ташкил этган. Аввалги йиллар билан солиштирганда суғориладиган тупроқлардаги алмашинувчи алюминий миқдорининг бир оз қўпайганлигини кўриш мумкин. 2017 йилнинг баҳор мавсумида ушбу туман тупроқларидаги алмашинувчи алюминий миқдори 40,0-49,9 мг/кг ни ташкил этган бўлса, 2016 йилнинг ёзида алюминий миқдори 47,0-53,0 мг/кг га тенг бўлган.

Сариосиё тумани суғориладиган тупроқларидаги сувда эрувчи фтор миқдори баҳорда жуда катта чегараларда ўзгарган бўлиб, унинг миқдори хўжаликлар бўйича 12,0-42,0 мг/кг гача ораликда аниқланган, 2017 йилнинг шу даврига нисбатан фтор моддасининг суғориладиган тупроқларда тўпланишида деярли ўзгаришлар кузатилмайди. 2017 йилнинг баҳор мавсумида хўжалик суғориладиган тупроқларидаги фтор миқдори 16,0-40,0 мг/кг ни такил этган. Кузга келиб туман тупроқларидаги сувда эрувчи фтор миқдори баҳор мавсумига нисбатан камайиб, 8,0-27,0 мг/кг ни ташкил этиши тадқиқотларда аниқланган. 2017 йилнинг куз мавсумида ушбу тупроқларда фтор 14,0-24,0 мг/кг миқдорни ташкил этган.



2.2.1-расм. Сарийосий тумани сугориладиган тупроқлари таркибидаги оғир металлар миқдорининг фаслар бўйича ўзгариши, мг/кг




2.2.2-расм. Узун тумани сугориладиган тупроқлари таркибидаги оғир металлар миқдорининг фаслар бўйича ўзгариши, мг/кг

Узун тумани суғориладиган тупроқларида никель ёзда 3,0-6,0 мг/кг оралигида аниқланган бўлиб, 2017 йилнинг худди шу даври билан солиштирганда металл миқдорини бир мунча ошганлигини кузатиш мумкин (2017 йил баҳорида никелнинг миқдори 3,1-5,8 мг/кг чегарасида аниқланган). Жорий йилнинг куз мавсумига келиб унинг миқдори 2,6-5,4 мг/кг ни ташкил этган (2017 йилнинг шу даврида 4,4-5,9 мг/кг оралигида аниқланган). Хром элементи ушбу тупроқларда ёзда 15,0-18,0 мг/кг ни, кузда эса 14,0-17,0 мг/кг ни ташкил этган (2017 йилда мавсумлар бўйича мос равишда, баҳорда – 12,8-16,8 мг/кг ни, кузда эса 12,2-15,7 мг/кг ни ташкил этган). Олинган натижаларнинг кўрсатишича, ушбу хўжалик тупроқларидаги оғир металлларнинг миқдори мавсумлар бўйича ошганлигини кўриш мумкин.


Узун тумани суғориладиган тупроқлардаги алмашинувчи алюминий ёз мавсумида 25,3-34,8 мг/кг оралигида аниқланган бўлиб, 2017 йилнинг шу мавсумида алмашинувчи алюминийнинг миқдори 18,0-49,0 мг/кг ни ташкил этган. Бу эса хўжалик тупроқларидаги алюминий миқдорини бир оз ошганлигидан далолат беради. Куз мавсумига келиб ушбу модданинг тупроқларда 23,8-31,5 мг/кг оралигида тўпланганлиги аниқланган (2017 йилнинг куз ойларида алмашинувчи алюминийнинг миқдори 30,2-34,0 мг/кг ни ташкил этган) (2.2.2-расм).

Узун туманидаги тупроқлар таркибида сувда эрувчи фтор миқдори ёз мавсумида 8,0-12,0 мг/кг ни ташкил этган. 2017 йил баҳор мавсуми билан солиштирганда жорий йилда хўжалик тупроқлари таркибидаги фторнинг максимал кўрсаткичларининг бир оз ошганлигини кўриш мумкин (2017 йил баҳор мавсумида хўжалик тупроқларида фтор миқдори 8,0 дан 22 мг/кг гача топилган). Куз мавсумига келиб фермер хўжалиги тупроқларидаги сувда эрувчи фтор миқдори камайиб, 8,0-16,0 мг/кг ни ташкил этган, ҳамда 2017 йил билан солиштирганда ушбу модданинг миқдоридан кескин камайишни кузатиш мумкин (2017 йил кузида фторнинг ҳаракатчан шакллари миқдори 12,0-26,0 мг/кг ни ташкил этган).

Денов тумани суғориладиган тупроқларида хромнинг 2019 йил ёз мавсумидаги миқдори 3,2-4,0 мг/кг ни ташкил этган бўлиб, 2017 йил билан солиштирганда, хўжалик суғориладиган тупроқларидаги хром элементи миқдорининг ошганлигини кузатиш мумкин (2017 йил баҳорида хром миқдори 11,0-24,0 мг/кг ни ташкил этган). Жорий йил ёзда ушбу тупроқлардаги никел миқдори 4,4-5,9 мг/кг ни ташкил этгани ҳолда, 2017 йил билан таққослашда унинг миқдорини бир оз ошган. 2017 йил баҳорида хўжалик тупроқларидаги никелнинг миқдори 2,1-3,3 мг/кг ни ташкил этган.



2.2.3-расм. Денов тумани сугориладиган тупроқлари таркибидаги оғир металллар миқдорининг фасллар бўйича ўзгариши, мг/кг



2.2.4-расм. Жарқўргон тумани сугориладиган тупроқлари таркибидаги оғир металллар миқдорининг фасллар бўйича ўзгариши, мг/кг

Хромнинг куздаги миқдори 9,0-17,0 мг/кг ни ташкил этган никелнинг миқдори 4,0-5,0 мг/кг ни ташкил этганлиги аниқланган. 2017 йилга нисбатан хромнинг бир оз камайганлигини ҳамда никел миқдорининг ўзгармаганлигини кузатиш мумкин.

Денов тумани суғориладиган тупроқларидаги алюминийнинг ёздаги энг кам миқдори 29,3 мг/кг ни ва максимал катталиги 34,7 мг/кг ни ташкил этган. 2017 йилда минимал 18,1 мг/кг ва максимал миқдори 25,6 мг/кг ни ташкил этган. Бу эса ушбу хўжалик тупроқларидаги алмашинувчи алюминий миқдорининг бир оз ошганлигидан далолат беради. 2016 йилда хўжалик тупроқларида алюминий 29,8-32,8 мг/кг оралиғида, 2015 йилда эа 31,0-35,8 мг/кг атрофида топилган. Куз мавсумига келиб ушбу тупроқлардаги алмашинувчи алюминий миқдори 23,8-30,3 мг/кг оралиғида ўзгарган.


Денов тумани суғориладиган тупроқлари таркибидаги фтор моддасининг миқдори ёзда 8,0-16,0 мг/кг га тенг бўлиб, 2017 йил билан солиштирганда деярли ўзгаришга учрамаганлиги аниқланган (2017 йил баҳорида фтор моддасининг миқдори 4,0-20,0 мг/кг га тенг бўлган). Куз мавсумига келиб туман тупроқларидаги фтор миқдори 10,0-17,0 мг/кг чегарасида булиб, 2017 йилнинг куз мавсумида олинган 2,0-10,0 мг/кг натижадан каттадир.

Туман тупроқларидаги алюминий ва фтор миқдорининг бундай ўзгариши эҳтимол, хўжалик томонидан агротехник тадбирларнинг тўғри олиб борилаётганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.


Жарқўрғон туманидан танлаб олинган кузатув экологик майдончаларидаги суғориладиган тупроқларида ҳаракатчан никель элементининг ёз мавсумидаги миқдори 1,3-4,2 мг/кг ни ташкил этган бўлса, куз мавсумида никель элементининг ҳаракатчан шакллари 2,0-4,8 мг/кг ни ташкил этган.

Ушбу туманда суғориладиган тупроқлардаги хром элементининг ёз мавсумидаги кўрсаткичи 2,4-3,4 мг/кг ни ташкил этган. Кузда эса хромнинг миқдори 10,0-11,0 мг/кг гача ошиб бориши кузатилган.

Ушбу туман суғориладиган тупроқларидаги алмашинувчи алюминий миқдори ёз мавсумида 23,0-32,8 мг/кг оралиғида ўзгариб, куз мавсумига келиб 20,1-28,7 мг/кг миқдорларда аниқланган, бу 2017 йилдаги 15,3-29,7 мг/кг га тенг бўлган кўрсаткичлардан бир оз каттароқ. 2016 йилда ушбу хўжалик тупроқларида алмашинувчи алюминий миқдори 25,4-28,8 мг/кг ни ташкил этганлиги аввалги йилларда олиб борилган тадқиқотларда кузатилган. 2017 йил куз мавсумида 12,0-14,6 мг/кг ни, 2016 йил куз мавсумида эса алюминийнинг миқдори 31,6-35,8 мг/кг ни ташкил этган.



2.2.5-расм. Сурхондарё вилояти тупроқларидаги фтор миқдорини йиллар бўйича ўзгариши



2.2.6-расм. Сурхондарё вилояти тупроқларидаги алюминий миқдорини йиллар бўйича ўзгариши

Туман тупроқларининг фтор моддаси билан ифлосланиши ёзда 6,0-14,0 мг/кг гача бўлган оралиқда аниқланган бўлиб, кузга келиб туманда танланган калит майдонлари тупроқларидаги фтор миқдори 2,0-14,0 мг/кг ни ташкил этган. 2017 йил куз мавсумида фтор миқдори 2,0-10,0 мг/кг ни ташкил этган.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турганидек, фторнинг заҳарли миқдорлари асосан Тожикистон билан чегарадош бўлган Узун ва Сариосиё туманларининг суғориладиган тупроқларида учрайди. Фторнинг энг кам миқдори Денов ва Жарқўрғон туманларида аниқланган (5-6-расмлар).

Шундай қилиб, ДУК ТАЛКО билан чегарадош Сариосиё ва Узун туманларининг суғориладиган тупроқларини бутун трофик занжирни заҳарланишига олиб келган техноген ифлосланишига учраганлигини таъкидлаш мумкин.

Вилоят тупроқларининг алмашинувчи алюминий билан ифлосланиши ҳолати фтор билан бўлганидек ифлосланиш манбайидан узоқлашган сари бир мунча камаяди. Туманлар кесимида қаралганда алмашинувчи алюминийнинг энг кам миқдори Жарқўрғон тумани тупроқларида баҳор мавсумида аниқланган бўлиб, бу ерда унинг ўртача миқдори 24,87 мг/кг ни ташкил қилади. Энг юқори ифлосланиш эса аввалги йиллардаги сингари Сариосиё тумани суғориладиган тупроқларида топилган бўлиб, бу ерда унинг максимал миқдори баҳор мавсумида – 43,0 мг/кг ни ташкил этади.

ХУЛОСА

Вилоят тупроқларининг алмашинувчи алюминий билан ифлосланиш ҳолати фтор элементи каби ифлосланган бўлиб, ифлосланиш манбасидан узоқлашган сари бир мунча камаяди. Узун туманида тарқалган суғориладиган тупроқларда хром элементининг 15-18 мг/кг атрофида, хайдов қатламида ўртача ёз мавсумида 14,5 мг/кг, куз ойларига келиб 14,0-17,0 мг/кг атрофига камайиши аниқланган. Энг юқори кўрсаткич Сариосиё туманида тарқалган суғориладиган тупроқларда ёз мавсумида 15-20 мг/кг, кузга мавсумида 13-18 мг/кг эканлиги аниқланган.

Сариосиё туманида тарқалган тупроқлар асосан алмашинувчи алюминий миқдорининг кўплиги билан изоҳланади. Алюминий хайдов қатлам тупроқларида ёз мавсумида энг кичик кўрсаткич 31,0 мг/кг бўлса, юқори кўрсаткич 51,0 мг/кг. Алюминийнинг тупроқ таркибида кўп миқдорда тўпланишини ҳисобга олган ҳолда туманларда қуйидагича тўпланиш аниқланган: Сариосиё тумани “Сўфиён” ва “Бобур” ф/х 51,0-39,1 мг/кг → Денов ва Узун туманларининг “Пирназаров” ва “Хумоюн” ф/х ўртача 34,5 мг/кг → Жарқўрғон тумани “Қорағати Файз” ва “Эшон пайкали” ф/х 32,8-30,0 мг/кг. Куз мавсумида бу кўрсаткичлар 5-15 миллиграммгача камайиши кузатилган.

Фтор учун рухсат этилган миқдор 10 мг/кг бўлиб, энг кўп ифлосланиш Сариосиё туманида аниқланган, тупроқда таркибида фтор учун 15 дан 25 мг/кг гача – ўртача, 25 дан 50 мг/кг атрофида тўпланиши – юқори даражада ифлосланиш бўлиши бегиланган. Ёз мавсумида Сариосиё туманида РЭМдан 1,6-3,6 мартагача, Денов ва Жарқўрғон туманларида РЭМ 1,1 дан 1,4 баробаргача юқорилиги аниқланган.

Никель, хром, алюминий ва фтор элементларининг энг кўп миқдорлари Сариосиё туманида тарқалган бўлиб, Заводдан узоқлашган сари оғир металлларнинг миқдори ҳам камайиб бориши кузатилган. Бу металлларнинг қуйидагича камайиб бориш қаторини ташкил этади: F → Al → Cr → Ni.

Шундай қилиб, ифлослантирувчи оғир металллар турли ҳудудларда турлича тўпланиши мумкин. Чунки заводдан узоқлашган сари оғир металлларнинг учувчанлик

даражасига қараб шамол ёрдамида тупрок катламларида тўпланади. Бу эса ифлосланган майдонларни ўзига хос тозалаш усуллари ишлаб чиқишни тақозо этади. Ҳозирги кунда ифлосланган тупроқларни тозалашнинг асосий икки усули мавжуд – жойида қайта ишлаш (1) (*in situ*) ёки (2) экскавация, яъни, тупроқларни олиб чиқиб махсус корхоналарда қайта ишлаш (*ex situ*). Бундан ташқари фиторемедиация усули орқали тупроқнинг хоссасуусиятларига салбий таъсир этмаган ҳолда тозалаш тавсия этилади.

3. Давлат кадастрларини юритиш бўйича амалга оширилган ишлар ва уларни такомиллаштириш.

3.1 Ер кадастрига оид хариталарни яратиш самарадорлигини оширишда аэрофотосъёмка ишлари натижадорлиги

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш концепцияси белгиланган бўлиб, унда озиқ-овқат хавфсизлиги кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий, демографик ва экологик омилларга боғлиқ энг асосий таркибий қисмлардан бири ҳисобланади.

Бу борада мухтарам Президентимизнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам Мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида 2020 йилни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”, деб ном бериш таклифини билдирганлиги ҳам электрон маълумотлар базасини янада такомиллаштириш ўта муҳим вазифалардан бири эканлигини билдиради.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ҳисобга олиш, ер кадастр автоматик тизимини такомиллаштириш, ердан фойдаланиш ва мулк ҳуқуқларининг ҳисобини юритиш, кўчмас мулкни рўйхатга олиш тизими билан ягона ахборот тизимини бирлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғида маълумот ва ахборот йиғиш тизими марказлаштирилган режали рақамли иқтисодиёт тамойиллари асосида амалга оширишни талаб этади. Жумладан, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини баҳолаш натижалари жойлардаги ҳақиқий ҳолатга мос келишини таъминлаш, халқимизнинг, тадбиркорларнинг ер тўғрисидаги аниқ ва ишончли маълумотларга эга бўлган эҳтиёжини қондириш, ердан фойдаланишдаги низоли ҳолатларни олдини олиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва мониторингини олиб бориш, туман навбатчи қишлоқ хўжалиги хариталарини юритиш, ер участкаларида бўладиган ўзгаришларни мунтазам равишда ва тезкорлик билан электрон хариталарда (алоҳида белгиланган шартли белгилар асосида) акс эттириб бориш ҳамда ер ҳисобининг тўғри юритилишини таъминлаш мақсадида яратиладиган рақамли иқтисодиётнинг картографик асоси маълумотларини янгиланган бориш эҳтиёжини ҳам келтириб чиқаради.

Бугунги кунда ушбу эҳтиёжларни таъминлаш мақсадида, кўмита тизимида жуда катта қадамлар ташланган. Бунга мисол сифатида, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Кўчмас-мулк объектларини рўйхатга олишнинг автоматлаштирилган тизими, маъмурий-худудий бирликлар чегараларини тартибга солиш, Куролли кучларнинг геоинформацион таъминотида аэрофотосъёмка ишларини амалга ошириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлари белгиланган. Ушбу тадбирларда кўмита тизимидаги “Геоинформкадастр” давлат унитар корхонасида аэрофотосъёмка фаолияти қайта ташкил

этилган ва ҳозирги кунда АН-2 русумли самолётга ўрнатилган UltraCAMX аэрокомплексида аэрофотосъёмка ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2019 йилда Хоразм, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида 27 332 кв,км майдонда аэрофотосъёмка материалларига ишлов бериш ва камерал шароитда 1:10 000 масштабда 500 та рақамли ортофотопланлар яратилди. Натижада камерал ва дала шароитида дешифровкалаш, электрон рақамли хариталарни янгилаш, Маъмурий–ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геобатаник тадқиқотларни ўтказиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва мониторингини олиб бориш ишлари учун аниқ картографик асос яратилди (3.1.1 расм).



3.1.1 расм. Аэросуратлардан фойдаланиб яратилган 1:10 000 масштабда рақамли ортофотопланлар.

Жаҳон банки томонидан молиялаштирилаётган “Кадастр ва кўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш тизимини модернизация қилиш” инвестиция лойиҳасининг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳрида 927,95 кв,км майдонда аэрофотосъёмка материалларига ишлов бериш ва планга баландлик бўйича боғлаб, шаҳарнинг 1:2 000 масштабда 1 385 та рақамли ортофотопланлар яратиш ишлари ташкилот томонидан бажарилиб, юқори аниқликдаги ортофотопланлар фойдаланувчиларга етказилди (3.1.2 расм).



3.1.2 расм. Аэросуратлардан фойдаланиб яратилган 1:2 000 масштабда шаҳарнинг рақамли ортофотопланлар.

2020 йил Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларида, 2021 йилда Республикаимизнинг қолган вилоятларида аэрофотосъёмка ишларини бажариш режалаштирилган.

Ер кадастрини юритишда ҳам бир қанча ер тузиш ишлари бажарилди. Жумладан, Навоий ва Жиззах вилоятларидаги “Айдар-Арнасой кўллари тизимининг биологик ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш бўйича 3722,08 кв.км. майдонда, Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида 4 862,37 кв.км. майдонда аэро ва космиксуратлар асосида 1:10 000, 1:25 000 миқёсдаги яратилган ортофотопланлардан фойдаланиб камерал ва дала шароитида дешифировкалаш, электрон рақамли кишлок хўжалик хариталарини янгилаш ҳамда ер майдонларини ер турлари бўйича ҳисоблаш қайдномаларини тузиш ҳамда Орол денгизининг суви қуриган ҳудудида 48 478,32 кв.км. майдонда 1:200 000 масштабли топографик хариталар янгилаш ва очиқ хариталарни тайёрлаш ишлари бажарилиб фойдаланувчиларга етказилди (3.1.3 расм).



3.1.3 расм. Яратилган ортофотопланлар асосида тайёрланган Айдар-Арнасой кўллари ва Нуробод туманининг янгиланган фототархлари.

Замонавий технологияларини модернизация қилишда қорхона томонидан ҳозирги кунда фойдаланиб турган АН-2 русумли самолёт ва UltraCamX камерасининг ўз ресурсларини утаб булганлигини ҳисобга олган ҳолда аэрофотосъёмка фаолияти самарадорлигини янада ошириш юзасидан 2020 йилда аэрокамера ва самолёт харид қилиш бўйича тақлифлар тайёрлаиб киритилди (3.1.4 расм).



3.1.4 расм. UltraCamX ва IXM-RS 150 F камераларининг кўриниши.



3.1.4 расм. АН-2 ва “Чайка” С-44Ф русумли самолётларининг кўриниши.

Аэрофотосъёмка фаолияти самарадорлигини оширишдан мақсад, бир вақтда 4 та спектрал диапазонда олиб борилади, бу эса кўшимча ҳаражатларсиз бир вақтда оқ-қора, рангли ва инфрақизил кўринишдаги ортофотопланларни яратиш имкониятини беради. Яратилган ортофотопланларда ҳар бир ер участкасининг айна вақтдаги ҳолатини, унинг аниқ чегарасини, тупроқнинг ҳолатини, экин турларини деталларда кўришимиз ва асосийси айна участканинг координаталари тўғрисидаги маълумотларни олишимиз мумкин. Замонавий технологияларни қўллаш, ушбу маълумотларни йиғиш ва ягона маълумотлар базасини шакллантиришда, унга кетадиган ҳаражатларни, инсон факторига боғлиқ бўлган ҳолатлар ҳамда сарфланадиган вақтни қисқартириш имкониятини беради.

Иқтисодий рақамлаштиришда махсус самолёт ёрдамида олинган аэрофотосуратлардан энг кўп фойдаланиб келаётган асосий вазирлик ва идоралар билан, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Давлат ҳавфсизлиги хизмати чегара кўшинлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Мудофаа саноати бўйича давлат кўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Давлат геология ва минерал ресурслари кўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси билан биргаликда замонавий, кўп функционалли ва ресурстежамкор аэрофотосуратлар олишга мўлжалланган самолётни ҳарид қилиш таклифи ўрганиб чиқилди.

Иқтисодий модернизациялаш шароитида ресурстежамкор технологияларни барча тармоқ ва соҳаларга жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Кўчмас мулк объектлари маълумотлар базасини шакллантириш, Давлат кадастрларининг ягона тизимини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси қуролли кучларини геоахборот таъминоти учун ортофотопланлар тайёрлаш, қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, айниқса рақамли иқтисодий геоахборот тизимларида амалга ошириш ва ҳудуд ҳолатини ўрганиш учун энг охириги ахборотларни аэросуратдан фойдаланиб олиш долзарб вазифалардан биридир.

Бунда аэросуратга олишга мўлжалланган самолётларнинг техник параметрлари ҳамда Ўзбекистонда амалда фойдаланиб келинаётган АН-2 самолёти билан хорижий ресурстежамкор самолётларининг эксплуатация ҳаражатлари ҳисоблаб чиқилди.

Аэросурат олишга мўлжалланган Россияда ишлаб чиқарилган С-44Ф ва “Финист”, Австриянинг DA 42 NG, Янги Зеландиянинг P- 750, АҚШнинг CESSNA, Grand Caravan, TTX, Denali, BEECH CRAFT, Хитойнинг Y-5B русумли махсус самолётларнинг барча техник параметрлари ҳар томонлама ўрганиб чиқилди, жумладан самолётнинг:

двигатели, учиш баландлиги, тезлиги ва юк кўтариш имконияти юқори бўлиши;

замонавий, ресурстежамкор, аэросуратга олиш талабларига мос, ишлаб чиқариш самарадорлигининг юқорилиги;

харид нархи ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари юқори бўлмаслиги;

Ўзбекистон табиий шароитига мослиги ва ёқилги турининг мавжудлиги;

эксплуатация харажатларининг паст бўлишлиги, самолётнинг техник ресурси 10 календар йилдан кам бўлмаслиги ва бошқа кўрсаткичлар солиштирилган ҳолда батафсил ўрганилди (1-илова).

Юқорида таклиф этилаётган самолётларни техник кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики, барча самолётларнинг максимал учиш баландлиги, учиш тезлиги, учиш вақти деярли бир хилда.

Бироқ, АҚШнинг CESSNA, Grand Caravan, TTX, Denali, BEECH CRAFT самолётлари учун “100 LL” маркали авиация ёқилғиси талаб этилиб, бу ёқилги Ўзбекистонга фақат импорт йўли билан олиб келинади, шунингдек, регламент бўйича самолётга ҳар 200 соатда техник хизмат кўрсатиш талаб этилиб, ушбу техник хизмат фақат Европа давлатларида (Франция, Германия, Австрия) амалга оширилиши мумкин. Ушбу техник хизмат кўрсатишининг барча харажатлари ўртача 50 минг долларни талаб этади. Бу эса аэрофотосуратнинг таннархини бир неча борга ошишига сабаб бўлади.

Маълумот учун: Қозоғистон Республикаси “Казгеодезия” корхонаси томонидан 2016 йилда АҚШнинг “King Air” русумли самолёти харид қилинган бўлиб, самолётга техник хизмат кўрсатиш Германияда амалга оширилган. Харажатларининг юқорилиги сабабли аэросурат таннархи ошиб кетган, натижада ушбу самолётдан фойдаланиш тўхтатилган.

Юқоридаги ўрганиш ва таҳлиллардан келиб чиқиб, Россияда ишлаб чиқарилаётган “С-44 Ф” маркали самолётнинг техник кўрсаткичлари ҳар томонлама Ўзбекистон шароитига тўғри келишини кўрсатди. Шунингдек, ушбу самолётни бошқаларига нисбатан фаркли томони “АИ-95” маркали автомобиль ёқилғисидан фойдаланилади, техник хизмат кўрсатишни Ўзбекистонни ўзида ўртача 150 АҚШ доллар миқдорида амалга ошириш мумкин, самолётни харид нархи 450 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Мавжуд АН-2 ва замонавий С-44Ф русумли самолётлари мисолида 2020-2022 йилларда аэрофотосуратга олиш ишлари учун жами эксплуатация харажатлари солиштирма ЖАДВАЛИ

| № | Харажатлар номи | АН-2 харажати,сўм | С-44Ф харажати,сўм |
|--|---|-------------------|--------------------|
| I.Самолётларнинг эксплуатация харажатлари (бир соат учун) | | | |
| 1. | Бир соат учун эксплуатация нархи (1.1.+1.2.+1.3.) | 8 150 000 | 3 516 800 |
| 1.1. | Бир соат учун ҳисобланган таннарх | 6 615 280 | 2 855 000 |
| 1.1.1. | Амортизация ажратмаси (бир йилга) | 344 870 000 | 187 000 000 |
| 1.1.2. | Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди (бир йилга) | 330 000 000 | 250 000 000 |
| 1.1.3. | Самолётни шай ҳолда сақлаш | 310 000 000 | 50 000 000 |

| | | | |
|--|--|---------------|---------------|
| | ҳаражатлари (бир йилга, таъмирлаш билан бирга) | | |
| 1.1.4. | Ёқилғи-мойлаш материаллари (бир соатга) | 540 000 | 320 000 |
| 1.1.5. | Аэропорт ҳаражатлари (учиш вақти ўртача 2 соат ҳисобида). | 301 860 | 200 000 |
| 1.2. | Фойда 10% | 661 528 | 285 500 |
| 1.3. | Ягона солиқ 12% | 873 216 | 0 |
| II. 2020-2022 йилларда аэрофотосуратга олиш учун ҳисобланган учиш вақти | | | |
| 2. | Самолётларнинг тезлигидан келиб чиқиб ҳисобланган учиш вақти (п2.2.+п2.3.) | 858 | 560 |
| 2.1. | 2020-2022 йиллар учун ҳисобланган учиш узунлиги, (погон.км.) . | 78 492 | 78 492 |
| 2.2. | Ҳисобланган учиш вақти (соат) | 600 | 400 |
| 2.3. | Тайёргарлик ва бошқа қўшимча учишлар учун ҳисобланган вақт (соат) | 258 | 160 |
| III. Аэропортларга кўчиб ўтиши учун ҳаражатлар | | | |
| 3. | Умумий ҳаражат, сўм (п3.3.*п1) | 159 169 500 | 46 843 776 |
| 3.1. | Аэропортлар оралиғининг умумий масофаси (км) | 2 929 | 2 929 |
| 3.2. | Самолётлар тезлиги (км/соат) | 150 | 220 |
| 3.3. | Аэропортларга кўчиб ўтиш учун кетадиган умумий вақт (соат) | 19.53 | 13.32 |
| IV.2020-2022 йилларда аэрофотосурат олиш учун самолётларнинг умумий ҳаражати ҳисоби | | | |
| 4.1 | Аэрофотосуратга олиш ҳудудида бажариладиган ишлар, сўм. | 6 992 700 000 | 1 969 408 000 |
| 4.2 | Аэропортларга кўчиб ўтиш ҳаражатлари, сўм | 159 169 500 | 46 843 776 |
| | Жами ҳаражат (п4+п5) | 7 151 869 500 | 2 016 251 776 |

Мазкур “С-44 Ф” самолётининг эксплуатация ҳаражатлари таҳлили қилинганда Ўзбекистонда фойдаланиб келинаётган “АН-2” самолётига нисбатан 70 фоиз арзонга тушишини кўрсатди. Жумладан, самолётнинг 1 соат эксплуатация ҳаражати учун “АН-2”да 8,2 млн сўмни, “С-44Ф”да 3,5 млн сўмни ташкил этади, самолёт тезлиги ҳисобига аэрофотосуратга олиш учун сарфланадиган вақт 35 фоизга кам бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742 Фармони ҳамда 2019 йил 18 июлдаги ПҚ-4396-сон Қарорига асосан республикамиз ҳудудини доимий аэрофотосуратлар билан таъминлаш ва ҳудудни масофадан туриб картографик мониторингини олиб бориш тадбирлари белгиланган. Ушбу тадбирни 2020-2022 йилларда аэрофотосуратга олиш ишлари учун жами ҳаражат миқдори ҳисобланганда АН-2 самолёти ёрдамида 7,1 млрд. сўмни, С-44Ф самолёти ёрдамида 2,0 млрд. сўмни ташкил этади

Ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ер кадастрига оид хариталарни яратиш самарадорлигини оширишда аэрофотосъёмка ишлари натижаси жуда юқори ҳисобланиб, унинг асосида хариталарнинг сифати, маълумотларининг аниқлиги ва ресурсларни тежамкорлигига эришилади ҳамда давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги хариталарини доимий янгилаш, Маъмурий–ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш автоматлаштирилган тизимда амалга ошади. Бу эса рақамли иқтисодиётнинг талаб ва таомилларига тўлиқ мос равишда фаолият юритишни таъминлайди.

3.2 Ортофотопланлар асосида ер ресурсларини хатловдан ўтказиш самарадорлиги

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги “Маъмурий-ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 299-сонли қарорига мувофиқ 2018-2021 йилларда ушбу қарор низоми асосида муҳим замонавий технологияларни жалб қилган ҳолда, **космик суратлар ва дронлар** ёрдамида юқори сифатли ортофотопланлар асосида “Ўздаверлойиха” институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилмоқда.

Жумладан,

- маъмурий ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш;
- республикамиздаги барча тоифадаги ва турдаги ер ресурсларини хатловдан ўтказиш;

Ортофотопланлар асосида ер ресурсларини хатловдан ўтказиш самарадорлиги сабабли бугунги кунда мазкур тадбирни ўтказиш зарур эди.

Биринчилан, маъмурий ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш ишлари дастлаб 1924 йилда Ўзбекистон Республикаси ташкил топгандан кейин бошланиб, 1938 йилда вилоятлар ва туманлар чегараларини белгилаш бошланган эди. Шу кунга қадар чегараларни белгилаш ишлари ўзгармас элементларга боғланган ҳолда, яъни дарёлар, каналлар, йўллар, тепаликлар, сойлик ва бошқа топографик элементларга боғланиб келинган. Агарда чегарани ушбу элементларга боғлаш имкони бўлмаган тақдирда фақат ҳудуднинг чегара тавсифи ва 1: 100 000 катта масштабдаги хариталарга асосланиб чегара чизиғи белгилаб келинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 299-сонли қарори асосида - маъмурий ҳудудий бирликларнинг чегаралари космик суратлар асосида давлат координатлари тизимига боғланган ҳолда, 1:10 000, 1:25 000, 1:50 000 ва 1:100 000 масштабдаги электрон карталар яратилади. Энг асосийси ҳар бир маъмурий ҳудудий чегаранинг бурилиши нуқталари бўйича алоҳида координаталар католлиги яратилади(3.2.1 расм).



3.2.1-расм. Харитада бурилиш нуқталарини белгилаш жараёни.

Иккинчидан, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ишлари ҳам маъмурий ҳудудий бирликлар чегараларини белгилаш билан бир даврда бошланган ва дастлабки хатлов ишлари натижаси билан республикамиздаги барча тоифадаги ва турдаги ер ресурсларини акс эттирувчи ер ҳисоботи шакллантирилган.

Ўшандан буён ер ресурсларининг барча тоифаси ва турлари бўйича бир пайтнинг ўзида ялпи хатловдан ўтказиш ишлари амалга оширилмаган, фақат турли даврларда айрим ер турлари бўйича хатловдан ўтказиш ишлари амалга оширилиб келинган.

Энди янги тартиб асосида – республикамиз ер ресурсларининг барча тоифаси ва турлари космик суратлар асосида тўлиқ ялпи хатловдан ўтказилади. Хатлов якуни билан ер ресурсларининг барча тоифаси ва турлари мужассамлашган давлат координатлари тизимига боғланган 10 000, 25 000, 50 000 ва 100 000 масштабдаги электрон карталар яратилади.



3.2.2-расм. Аниқланган ноқонуний ҳолатларнинг хариталарда акс этилиши.

Энг асосийси ривожланган давлатлардаги каби республикамизда ҳам “онлайн” режимда ер ҳисоботларини юритилишига ҳамда барча ер турларидан фойдаланиш ҳолатини

ва ноқонуний ҳолатларни мунтазам назорат қилиб боришнинг ахборотлашган тизимини яратилишига эришилади.


“Ўздаверлойиҳа” институти ва ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сонли қарори ижроси юзасидан 2018 йилда Республикадаги 16 та туманларда (*Нарпай, Каттакўрғон, Қўшработ, Пскент, Юқоричирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Чиноз, Бўка, Қибрай, Зафаробод, Когон, Вобкент, Муборак, Ғузор, Музработ, Нурота*) 2019 йилда Республикадаги 18 та туманларда (*Кегейли, Булоқбоши, Хўжаобод, Қоракўл, Бухоро, Янгиобод, Зарбдор, Нишон, Кармана, Норин, Самарқанд, Қизириқ, Ховос, Сайхунобод, Оққўрғон, Тошкент, Данғара, Қўшқўпир*) маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш ҳамда мазкур туманларнинг ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ишлари амалга оширилган. Жумладан:

Туманларнинг маъмурий-худудий чегарасини белгилашда маъмурий -худудий бирликларнинг суғориладиган ҳудудларида 1:10000 масштабдаги, бошқа ҳудудларида эса 1:25000, 1:50000 ва 1:100000 масштаблардаги ортофотопланлардан, чегара чизигининг ҳар икки томонидан тегишлича 500-5000 метр кенгликда чегара чизиги туширилган ҳолда кўчирмалар олиниб, картографик материалларда маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш бўйича таклифлар кўмитанинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлари, шунингдек чегарадош ҳудудларнинг вакиллари билан биргаликда тайёрланган.


Маъмурий-худудий бирликларнинг амалдаги ва таклиф этилаётган чегаралари туширилган хариталар чегарадош ер ресурслари ва давлат кадастри бошқарма бошлиқлари, бўлим бошлиқлари, туман ҳокимлари ва туман қурилиш бўлимлари билан келишилган ва тегишли ҳужжатлар Ишчи орган томонидан комиссияларга кўриб чиқиш учун киритилган. Ўз навбатида комиссиялар томонидан тегишли картографик (ортофотоплан, рақамли харита) материаллар ва чегараларнинг ёзувли матни тавсифи ҳамда чегара бурилиш нуқталари координаталар каталоги халқ депутатлари туман кенгашларига тақдим этилган ва кенгашларда туманларнинг маъмурий-худудий чегарасини белгиловчи чегараларнинг ёзувли матни тавсифи ва чегара бурилиш нуқталари координаталар каталоги кўриб чиқилиб, маъқулланган. Туманларнинг маъмурий-худудий чегарасини белгиловчи чегараларнинг ёзувли матни тавсифи ва чегара бурилиш нуқталари координаталар каталоги асосида 18 та туманларнинг маъмурий чегарасидаги умумий майдони аниқланган ва ушбу аниқланган майдонлар туманларнинг ер ҳисоботидаги майдони билан солиштирилганда айрим туманларда ер ҳисоботига нисбатан катта фарқ қилмоқда. Мисол учун ер ҳисоботига нисбатан Бухоро тумани бўйича 2524 гектар, Зарбдор тумани бўйича 4156 гектар, Кармана тумани бўйича 4517 гектар, Қизириқ тумани бўйича 2965 гектар ортиқча майдонга эга, Хўжаобод тумани бўйича 1042 гектар, Янгиобод тумани бўйича 3441 гектар, Ховос тумани бўйича 4436 гектар, Данғара тумани бўйича 2655 гектар ер ҳисоботига нисбатан кам эканлиги аниқланган.

Шунингдек, 2019 йил давомида “Ўздаверлойиҳа” институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сонли қарори ижроси юзасидан 2018 йилда Республикадаги 16 та туманларда (*Нарпай, Каттакўрғон, Қўшработ, Пскент, Юқоричирчиқ, Қуйи Чирчиқ, Чиноз, Бўка, Қибрай, Зафаробод, Когон, Вобкент, Муборак, Ғузор, Музработ, Нурота*) 2019 йилда Республикадаги 18 та туманларда (*Кегейли, Булоқбоши, Хўжаобод, Қоракўл, Бухоро, Янгиобод, Зарбдор, Нишон, Кармана, Норин, Самарқанд, Қизириқ, Ховос, Сайхунобод, Оққўрғон, Тошкент, Данғара, Қўшқўпир*) ер ресурслари хатловдан ўтказилган. Ер ресурслари хатловдан ўтказиш учун дастлаб ҳар бир туманнинг масштабга келтирилган ортофотопланлари тайёрланиб,

дешифровка ишлари амалга оширилган ва дешифровка ишлари якунига кўра худудларнинг электрон рақамли хариталари яратилган ва ҳар бир контурнинг майдонлари ҳисобланган, ер турлари ўрнатилган ва контурларга такрорланмас рақамлар берилган. Туманларнинг ҳар бир худуди бўйича яратилган электрон рақамли хариталарда ер ресурслари хатлови ўтказилган.



3.2.3-расм. Фарғона вилояти Дангара тумани Телиминг маҳалла фуқаролар йиғинининг янгиланган қишлоқ хўжалик харитасининг умумий кўриниши.



3.2.4-расм. Фарғона вилояти Дангара тумани Телиминг маҳалла фуқаролар йиғинида ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ишларининг якунлари туширилган картанинг умумий кўриниши.

Республиканинг 34 та туманларида ўтказилган хатлов натижалари туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларига ер ресурсларини бошқаришда фойдалиниш мақсадида ҳамда Давлат кадастрлари ягона тизимига давлат ер кадастри маълумотлар базасини янгилаш мақсадида тақдим этилган.

3.3 Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг меъёрий баҳосини аниқлаш тизими ва натижалари.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалиги ерлари норматив қиймати ер солиғини ҳисоблаб чиқиш учун ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадларда аниқланади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларга белгиланган тартибда, ер участкаларида қишлоқ хўжалигини юритиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи юридик шахслар киради.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг қишлоқ хўжалик ерлари норматив қийматни аниқлаш объектлари ҳисобланади.

Норматив қийматни аниқлаш норматив кўрсаткичларни, ер кадастри ва статистик ҳисобга олиш маълумотларини ҳисобга олган ҳолда фойдани капиталлаштириш асосидаги даромадли ёндашувдан фойдаланиб бажарилади.

Норматив қийматни аниқлаш натижалари давлат ер кадастри маълумотларини шакллантиришда фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги “Қишлоқ хўжалик экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 235-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг II-бўлим 9-бандида норматив қийматни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг “O’ZDAVERLOYINA” давлат илмий-лойиҳалаш институти томонидан амалга оширилиши белгилаб берилган.

Ушбу қарорнинг ижросини бажариш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар туманларида **95 646 та** қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг жами **12 561,3 минг гектар** ер майдонлари норматив қийматлари аниқланди.

Ерларнинг норматив қийматини аниқлаш яқунлари туман ер кадастри дафтарида киритилади. Киритилган ўзгаришлар ҳамда ерларнинг норматив қийматини аниқлаш яқунларига қўшимча қилиб, ер кадастри дафтарида ердан фойдаланувчилар ҳақида маълумотлар тўлдирилиб борилади. Республикада ердан фойдаланувчиларнинг асосий қисмини фермер хўжаликлари ташкил этади.

Ерларнинг норматив қийматлари ер кадастри маълумотлари қисми бўлиб, қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб – чиқарувчиларга туман давлат солиқ инспекциялари ер солиғини ҳисоблашда, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси учун ер солиғини йиғилишини назорат қилиш ва прогнозлаш учун, Ўзбекистон Молия вазирлигига Давлат бюджетининг ҳисоби ва режалаштириш учун тақдим этилади.

Ерларнинг аниқланган норматив қиймати тўғрисидаги маълумотларни тегишли вазирлик ва идоралар билан алмашиш ахборот технологиялари орқали автоматлашган ҳолда интеграцияси йўлга қўйилди.


**Ўзбекистон Республикаси бўйича 2019 йил учун қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қишлоқ хўжалиги ерларини норматив қийматини аниқлаш
НАТИЖАЛАРИ**

| Т/р | Худудлар номи | Сони | Жами | |
|----------|---|-------|------------------------------|---------------------------------|
| | | | Майдони, (минг гектар) | Норматив қиймат, млрд сўм |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | | | |
| | Жами қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар бўйича | 5753 | 769,6 | 1852,4 |
| | ш.ж.фермер хўжаликлари | 4986 | 685,6 | 1679,7 |
| | ш.ж.бошқа қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар | 767 | 84,0 | 172,7 |
| 2 | Андижон вилояти | | | |
| | Жами қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар бўйича: | 8615 | 232,3 | 3815,2 |
| | ш.ж.фермер хўжаликлари: | 7889 | 211,9 | 3509,3 |
| | ш.ж.бошқа қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар: | 726 | 20,4 | 305,9 |
| 3 | Бухоро вилояти | | | |
| | Жами қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар бўйича: | 5593 | 2632,4 | 2724,1 |
| | ш.ж.фермер хўжаликлари: | 4994 | 1256,7 | 2360,2 |
| | ш.ж.бошқа қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар: | 599 | 1375,7 | 363,9 |
| 4 | Жиззах вилояти | | | |
| | Жами қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар бўйича: | 8375 | 1162,4 | 3379,0 |
| | ш.ж.фермер хўжаликлари: | 7298 | 591,8 | 2035,8 |
| | ш.ж.бошқа қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар: | 1077 | 570,6 | 1343,2 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | | | |
| | Жами қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар бўйича: | 11214 | 1452,8 | 4168,7 |
| | ш.ж.фермер хўжаликлари: | 10580 | 804,3 | 3641,5 |
| | ш.ж.бошқа қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар: | 634 | 648,5 | 527,2 |
| 6 | Навоий вилояти | | | |
| | Жами қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар бўйича: | 3955 | 2937,4 | 2300,0 |
| | ш.ж.фермер хўжаликлари: | 2910 | 1295,2 | 991,8 |
| | ш.ж.бошқа қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар: | 1045 | 1642,2 | 1308,2 |
| 7 | Наманган вилояти | | | |
| | Жами қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар бўйича: | 6902 | 229,7 | 3460,4 |

| | | | | |
|-----------|---|-------|-------|--------|
| | ш.ж.фермер хўжаликлари: | 6382 | 214,4 | 3137,3 |
| | ш.ж.бошқа қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар: | 520 | 15,3 | 323,1 |
| 8 | Самарқанд вилояти | | | |
| | Жами қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар бўйича: | 12217 | 860,0 | 8467,3 |
| | ш.ж.фермер хўжаликлари: | 11620 | 524,1 | 7609,6 |
| | ш.ж.бошқа қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар: | 597 | 335,9 | 857,7 |
| 9 | Сирдарё вилояти | | | |
| | Жами қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар бўйича: | 4148 | 270,5 | 2023,8 |
| | ш.ж.фермер хўжаликлари: | 3450 | 182,4 | 1487,5 |
| | ш.ж.бошқа қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар: | 698 | 88,1 | 536,3 |
| 10 | Сурхондарё вилояти | | | |
| | Жами қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар бўйича: | 6253 | 927,0 | 4391,6 |
| | ш.ж.фермер хўжаликлари: | 5874 | 867,8 | 3779,2 |
| | ш.ж.бошқа қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар: | 379 | 59,2 | 612,4 |
| 11 | Тошкент вилояти | | | |
| | Жами қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар бўйича: | 9644 | 532,6 | 7008,9 |
| | ш.ж.фермер хўжаликлари: | 7919 | 406,3 | 4836,7 |
| | ш.ж.бошқа қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар: | 1725 | 126,3 | 2172,2 |
| 12 | Фарғона вилояти | | | |
| | Жами қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар бўйича: | 8916 | 292,2 | 4202,7 |
| | ш.ж.фермер хўжаликлари: | 8800 | 282,0 | 3994,9 |
| | ш.ж.бошқа қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар: | 116 | 10,2 | 207,8 |
| 13 | Хоразм вилояти | | | |
| | Жами қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар бўйича: | 4041 | 262,0 | 2239,3 |
| | ш.ж.фермер хўжаликлари: | 3728 | 243,3 | 2049,4 |
| | ш.ж.бошқа қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар: | 313 | 18,7 | 189,9 |
| 14 | Тошкент шаҳри | | | |
| | Жами қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар бўйича: | 20 | 0,4 | 33,5 |
| | ш.ж.фермер хўжаликлари: | 0 | 0 | 0 |
| | ш.ж.бошқа қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар: | 20 | 0,4 | 33,5 |
| | Республика бўйича жами: | | | |

| | | | |
|--|-------|--------|---------|
| Жами қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар бўйича | 95646 | 4995,6 | 50067,0 |
| ш.ж.фермер хўжаликлари | 86430 | 7401,4 | 41112,9 |
| ш.ж.бошқа қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар | 9216 | 5460,6 | 8954,1 |

Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг 1 гектар суғориладиган экин ерлари норматив қиймати бўйича (минг сўм)



3.4 Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш.

Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш Ўзбекистон Республикаси “Давлат кадастрлари тўғрисида” Қонунга, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисида”ги, Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 8 октябрда 2618 рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Давлат кадастрлари ягона тизимига тегишли давлат кадастрлари маълумотларининг таркиби ва уларни тақдим этиш тартиби тўғрисида”ги низомлар ва бошқа қонун ҳужжатлар талаблари асосида юритилади.

Қуйидаги давлат кадастрлари Давлат кадастрлари ягона тизими (ДКЯТ)га киради:

- давлат ер кадастри;
- қонлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари давлат кадастри;
- давлат сув кадастри;
- давлат ўрмон кадастри;
- ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри;
- ҳайвонот дунёси давлат кадастри;
- қўриқланадиган табиий ҳудудлар давлат кадастри;

- бинолар ва иншоотлар давлат кадастри;
- давлат шаҳарсозлик кадастри;
- гидротехника иншоотлари давлат кадастри;
- маданий мерос объектлари давлат кадастри;
- автомобиль йўллари давлат кадастри;
- темир йўллар давлат кадастри;
- етказиб бериш қувурлари давлат кадастри;
- алоқа объектлари давлат кадастри;
- энергетика объектлари давлат кадастри;
- чиқиндиларни қўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри;
- табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри;
- техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри;
- картография-геодезия давлат кадастри.

Давлат кадастрлари ягона тизими Ўзбекистон Республикаси ва унинг алоҳида ҳудудларининг табиий-иқтисодий салоҳиятини ягона умумдавлат жиҳатидан комплекс ҳисобга олишни ва баҳолашни таъминлаш мақсадида яратилади ва юритилади. Давлат кадастрлари ягона тизими давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, юридик ва жисмоний шахсларни уларнинг фаолияти учун зарур бўлган барча турдаги давлат кадастрлари ахборотлари билан тезкор таъминлаш учун мўлжалланган.

Белгиланган тартибга мувофиқ аниқланган кадастрлар объектларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги маълумотлар, картография-геодезия материаллари, статистик ҳисобга олиш маълумотлари, давлат кадастрлари маълумотлари Давлат кадастрлари ягона тизимининг асосини ташкил этади. Давлат кадастрлари ягона тизими доирасида ҳудудларни комплекс баҳолаш учун зарур бўлган маълумотлар жамланиб борилади.

Давлат кадастрлари ягона тизимида ҳар бир давлат кадастри объектининг географик жойлашуви ҳолати, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ҳамда табиий баҳолаш, ҳўжаликлар ва бошқа кадастрлар объектлари тўғрисида маълумотлар умумлаштирилади.

Давлат кадастрлари ягона тизимини юритишни такомиллаштириш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда геоахборот технологиялар асосида маълумотлар базасини яратиш ишлари амалга оширилмоқда.

Давлат кадастрларини юритишга масъул 30 нафар мутахассис Россия Федерациясининг “ESRI-CIS” компанияси малакали ўқитувчилари томонидан геоахборот технологиялар бўйича ўқитилди ва махсус сертификатлар билан тақдирланди. Шунингдек 29 та ишчи станциялар (компьютер технологиялари) ва 29 та лицензион ArcGIS дастурий таъминот воситалари давлат кадастрларини юритувчи вазирлик ва идораларга давлат кадастри объектларига оид маълумотларни геоахборот базада шакллантириб, Давлат кадастрлари ягона тизимида маълумотларни фойдаланишлари учун тақдим этилди.


Вазирлик ва идораларга ArcGIS дастурий форматида 1:2 000, 1:10 000, 1:25 000 ва 1:200 000 масштабдаги базавий картографик асосларни ўрнатилган тартибда олиш учун тегишли тавсиялар бериб борилган ва уларнинг сўровларига асосан ўрнатилган тартибда тақдим этилиши таъминланган.

Бунинг натижасида бугунги кунда Давлат кадастрлари ягона тизими геоахборот базаси 73 %га шаклланган (2019 йил 1 январь ҳолатига).


Давлат кадастрлари ягона тизими геоахборот базаси

| № | Давлат кадастрининг номи | ДКЯТга киритилганлар кадастр объектлар миқдори (сон, км, га., тур, қатлам в.х.) | Умумий шаклланганлиги, (%) |
|---|--|--|-----------------------------------|
| 1. | Давлат ер кадастри | 6 492 352 | 87% |
| 2. | Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри | 6 492 352 | 87% |
| 3. | Картография-геодезия давлат кадастри | 103 811 | 90% |
| 4. | Конлар, фойдали казилмалар ва техноген ҳосилаларни юзага чиқариш ҳоллари давлат кадастри | 2 434 | 100% |
| 5. | Давлат сув кадастри | 1 800 | 96% |
| 6. | Давлат ўрмон кадастри | 10 861 119 | 96% |
| 7. | Ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри | 358 | 61% |
| 8. | Ҳайвонот дунёси давлат кадастри | 250 | 100% |
| 9. | Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар кадастри | 395 | 92% |
| 10. | Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри | 361 | 91% |
| 11. | Давлат шаҳарсозлик кадастри | 1 724 | 60% |
| 12. | Гидротехника иншоотлар давлат кадастри | 22 207 | 100% |
| 13. | Маданий мерос объектлари давлат кадастри | 1 949 | 24% |
| 14. | Автомобил йўллари давлат кадастри | 42 695 | 23% |
| 15. | Темир йўллари давлат кадастри | 5 149 | 98% |
| 16. | Етказиб бериш қувурлари давлат кадастри | 4 501 | 27% |
| 17. | Алоқа объектлари давлат кадастри | 12 337 | 100% |
| 18. | Энергетика объектлари давлат кадастри | 4 192 | 100% |
| 19. | Табиий хавфи юқори бўлган зоналар давлат кадастри | 11 527 | 100% |
| 20. | Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри | 1 941 | 18% |
| Жами ДКЯТ геоахборот базасини шаклланганлиги | | | 90% |


ДАВЛАТ КАДАСТРАЛАРИ ЯГОНА ТИЗИМИ ҲИМОЯЛАНГАН “ГАТ” ни ЮРИТИШ СХЕМАСИ



| Давлат кадастрлари | | Давргеозедекадастр кўмитаси | |
|---|--|------------------------------------|---|
| Ер кадастри | Давргеозедекадастр кўмитаси | Картография-геология кадастри | Давргеозедекадастр кўмитаси |
| Қошлар, фойдаланувчилар ва техника хосқонларнинг қозағи чикши холлари | Давлат геология кўмитаси | Автомобиль йўллари | Автомобиль йўллари кўмитаси |
| Суви кадастри | Ўзгариш Давлат геология кўмитаси | Темир йўллари | “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ |
| Ўсимлик дунёси | Суви хўж. вазирлиги | Етказиб бериш қурилари | “Ўзбекнефтгаз” АЖ |
| Ҳайвонот дунёси | Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси | Алоқа объектлари | Алборот технологиялари ва коммуникацияларнинг ривожлантириш вазирлиги |
| Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар | Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси | Энергетика объектлари | “Ўзбекэнерго” АЖ |
| Чикшид. кўмиш ва утилизация қилиш жойлари | Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси | Табиий хавф юқори бўлган зоналар | Давлат геология кўмитаси |
| Ўрмон кадастри | Давргеозедекадастр кўмитаси | | ФВВ, “Ўзгариш” Фанлар академияси |
| Бинолар ва иншоотлар | Давлат ҳўжалиги давлат кўмитаси | | Саноат хавфсизлиги давлат кўмитаси |
| Шахарозлик | Давлат ҳўжалиги давлат кўмитаси | Техноген хавф юқори бўлган зоналар | Фанлар академияси |
| Гидротехника иншоотлари | “Давсувҳўжалик-назорат” ДИ | | Ички ишлар вазирлиги |
| | Суви хўжалиги вазирлиги | | Фанлар академияси |
| | “Ўзбекэнерго” АЖ | Маданий мерос объектлари | Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| | | Давргеозедекадастр кўмитаси | Маданият вазирлиги |
| | | | Хўжалиқ давлат кадастри |



Давлат кадастрлари ягона тизими геоахборот базасининг шаклланиши



Давлат ер кадастри

Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш мақсадида давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ер тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш, ердан оқилона фойдаланишни, қайта тиклаш ва муҳофаза қилишни, ер тузишни ташкил этиш, ер учун ҳақ тўлаш миқдорларини асослаш, хўжалик фаолиятини баҳолаш учун мўлжалланган бўлиб Давлат кадастрлари ягона тизимига қуйидаги тематик қатламлар асосида маълумотлар тақдим этилади. Булар қуйидагилар:



- ❖ «Маъмурий-ҳудудий бирликлар» тематик қатламлари;
- ❖ «Ҳудудни кадастр бўйича бўлиш» тематик қатламлари;
- ❖ «Ер участкалари» тематик қатлами;
- ❖ «Ерларнинг сифат таркиби (бонитировка)» тематик қатлами.



ЕР КАДАСТРИ



Давлат ер кадастри бўйича жами 6 492 352 (90%) кадастр объектига оид геоахборот маълумотлар тақдим этилган. Бу кўрсаткич 2018 йилда 2 713 531 (39%) 2017 йилда 1 748 263 (39%) 2016 йилда 1 192 600 (27%) ҳамда 2015 йилда 582 646 объектни (13%) ташкил этган.


Бино ва иншоотлар давлат кадастри

Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри улардан самарали фойдаланишни ва уларни муҳофаза қилишни, мулк эгаларининг ва бу объектлардан бошқа фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини, шунингдек бинолар ва иншоотларга эгалик ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш учун юритилади.

Бино ва иншоотлар маълумотлари асосида туман, шаҳар ва ҳудудларнинг ҳудудлар давлат кадастрини юритишда асос ҳисобланади. Давлат кадастри маълумотлари картография, муҳандислик-геология, гидрогеология, экология, санитария-гигиена, социология, лойиҳалаш-режалаштириш, тарихий-маданий, табиий офатлар ва техноген фалокатларни, микросейсмик районлаштириш каби бир қатор геоахборот маълумотларини яратишда фойдаланилади.

Бинолар ва иншоотлар давлат кадастри бўйича геоахборот базада “Бинолар ва иншоотлар” тематик қатлами яратилади ва ДҚЯТга тақдим этилган.

ДҚЯТ базасидан фрагмент



Бино ва иншоотлар давлат кадастри бўйича жами 6 492 352 (87%) кадастр объектига оид геоахборот маълумотлар тақдим этилган. Бу кўрсаткич 2018 йилда 4 011 668 (64%), 2017 йилда 2 647 905 (50%), 2016 йилда 1 733 317 (33%), ҳамда 2015 йилда 1 396 618 объектни (26%) ташкил этган.

Картография-геодезия давлат кадастри

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Картография-геодезия давлат кадастрини юритиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади.

Картография-геодезия давлат кадастри Картография-геодезия давлат кадастри объектлари тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди тўғрисидаги картография-геодезия маълумотлари, бажариладиган геодезия, топография ва картография ишлари тўғрисидаги, шу жумладан, уларнинг миқдор ва сифат тавсифлари тўғрисидаги янгилаб бориладиган ишончли ахборотлар тизимидир.


Картография-геодезия давлат кадастри давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни картография-геодезия ахборотлари билан таъминлаш учун мўлжалланган.


Картография-геодезия давлат кадастри бўйича жами 103 811 (90%) кадастр объектига оид геоахборот маълумотлар тақдим этилган. Бу кўрсаткич 2018 йилда 98 815 (85%) 2017 йилда 93 000 (80%) 2016 йилда 39 354 (32%) ҳамда 2015 йилда 17 515 объектни (14%) ташкил этган.

ДКЯТ базасидан фрагмент Хоразм вилояти Хонқа тумани кесимида



Картография







Конлар, фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларни юзага чиқариш ҳоллари давлат кадастри

Ўзбекистон Республикаси конлари, фойдали қазилмалари нишонлари ва техноген ҳосилаларининг давлат кадастрини Республиканинг минерал хом ашё ресурслари ҳолатини баҳолаш, ер ости бойликларини геологик ўрганиш бўйича ишларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишни таъминлаш, конлар, фойдали қазилмалар нишонларининг асосий тавсифномалари ва техноген ҳосилалар объектлари билан тезкорлик билан танишиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат кадастрлари ягона тизимидаги ер участкаларини баҳолаш учун мўлжалланган.

Конлар, фойдали қазилмалар нишонлари ва техноген ҳосилалари (минерал хом ашёни казиб олиш ва қайта ишлаш чиқитлари) давлат кадастри конлари, фойдали қазилмалар нишонлари ва техноген ҳосилалар объектларининг қисқача, бирхиллаштирилган тавсифномалари тўпламидан иборат.



Конлар, фойдали қазилмалар ва техноген
хосилаларни юзага чиқариш ҳоллари давлат
кадастри



ҳоллари)» тематик қатламлари;

- ❖ «Нефть ва газ конлари» тематик қатлами;
- ❖ «Тарқоқ конлар» тематик қатлами;
- ❖ «Тошқўмир ва ёнувчи сланецлар конлари» тематик қатлами;
- ❖ «Тошқўмир ва ёнувчи сланецларнинг юзага чиқиш ҳоллари» тематик қатлами.

Конлар, фойдали қазилмалар ва техноген хосилаларни юзага чиқариш ҳоллари давлат кадастри бўйича жами 2434 (100%) кадастр объектига оид геоахборот маълумотлар тақдим этилган. Бу кўрсаткич 2018 йилда 2365 (85%) 2017 йил ва 2016 йилларда 2 182 (80%) ҳамда 2015 йилда 2 292 объектни (14%) ташкил этган.

Давлат сув кадастри

Давлат сув кадастри ягона давлат сув фондини ташкил этувчи сув объектлари, сув ресурслари, сув режими, сифати ва ундан фойдаланиш ҳақидаги, шунингдек, сувдан фойдаланувчилар тўғрисидаги тартибга солинган, доимий тўлдириб бориладиган ва зарурат бўлганда аниқлаштириладиган маълумотлар тўпламини ифодалайди.

Давлат сув кадастри давлат ҳокимияти органларини, юридик ва жисмоний шахсларни сув объектлари, сув ресурслари, сув режими, сифати ва ундан фойдаланиш, шунингдек, сувдан фойдаланувчилар тўғрисидаги зарур маълумотлар билан таъминлаш учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази ер усти сувлари бўлими бўйича, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ер ости сувлари бўлими бўйича, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги сувдан фойдаланиш бўлими бўйича давлат кадастри юритилмоқда.

ДКЯТ базасидан фрагмент


Конлар, фойдали қазилмалар ва техноген хосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари давлат кадастри бўйича қуйидаги тематик қатламларда маълумотлар тақдим этилган:

- ❖ «Металлга оид фойдали қазилмалар (конлари, юзага чиқиш ҳоллари)» тематик қатламлари;
- ❖ «Нометалл фойдали қазилмалар (конлари, юзага чиқиш ҳоллари)» тематик қатламлари;
- ❖ «Радиоактив хом ашё (конлари, юзага чиқиш

Давлат сув кадастри



Давлат сув кадастри бўйича жами 1800 (96%) кадастр объектига оид геоахборот маълумотлар тақдим этилган. Бу кўрсаткич 2018 йилда 979 (54%) 2017 йил ва 2016 йилларда 889 (49%) ҳамда 2015 йилда 825 объектни (45%) ташкил этган. Шунингдек, давлат кадастри геоахборот базаси Давлат геология қўмитаси томонидан 98%, "Ўзгидромет" маркази томонидан 99%, Сув хўжалиги вазирлиги томонидан 11% га шакллантирилган ва ДҚЯТга тақдим этилган.



Давлат ўрмон кадастри

Давлат ўрмон кадастри бу Давлат ўрмон кадастри объектлари, уларнинг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор ва сифат тавсифлари ҳамда иқтисодий баҳоси тўғрисидаги янгилаб бориладиган ишончли ахборотлар тизимидир.

Давлат ўрмон кадастри Давлат кадастрлари ягона тизимнинг таркибий қисми ҳисобланади ва ўрмонларнинг ҳимояланганлик тоифасини аниқлаш мақсадида, ўрмонлардан

оқилона фойдаланишни, қўриқлашни, муҳофаза қилишни ва қайта тиклашни ташкил этиш, давлат ўрмон фонди ерлари тузилмасида рўй берадиган ўзгаришлар ҳужжатларини юритиш ва назорат қилишнинг ягона тартибини белгилаш учун юритилади.

Давлат ўрмон кадастри ўрмон

муносабатларини тартибга солиш, ўрмонларни қўриқлаш, муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклашни ташкил этиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ўрмонлар тўғрисидаги ишончли кадастр ахборотлари билан таъминлаш учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча ўрмонлар Давлат ўрмон кадастрининг объектлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Давлат ўрмон кадастрини юритиш бўйича ваколатли орган ҳисобланади ва ДКЯТга қуйидаги қатламларда маълумотларни тақдим этиб келмоқда.

- ❖ «Ўрмон хўжалиги бўлимлари» тематик қатлами;
- ❖ «Ўрмон кварталлари» тематик қатлами;
- ❖ «Ўрмонли ерлар» тематик қатлами;
- ❖ «Ўрмонсиз ерлар» тематик қатлами.

Давлат ўрмон кадастри бўйича жами 10 861 119 гектар (96%) ўрмон хўжалиги ерларига оид геоахборот маълумотлар тақдим этилган. Бу кўрсаткич 2018 йилда 10 858 693 гектар (96%) 2017 йилда 9 718 660 (100%) 2016 йилда 9 489 265 (98%) ҳамда 2015 йилда 374 348 объектни (4%) ташкил этган. *(Изоҳ: 2018 йилда ўрмон фонди ерларининг кўпайиши сабабли фоиз кўрсаткичлар камайган)*



Ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастрини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда юритиб келмоқда.

Ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастри қуйидаги мақсадларда юритилади:

ўсимлик дунёси объектларининг сон ва сифат ҳолатини аниқлаш;

ўсимлик дунёси объектларини иқтисодий баҳолаш;

ўсимлик дунёси объектларидан хўжаликда фойдаланиш ҳажмларини аниқлаш;

давлат органлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга ўсимлик дунёси объектларининг ҳолати ва улар ўсадиган муҳит тўғрисида ишончли маълумотлар тақдим этиш;

ўсимлик дунёси объектларини сақлаш, улардан оқилона, барқарор фойдаланиш, ҳимоя қилиш, қайта кўпайтириш ва тиклаш ҳамда уларнинг биологик хилма-хиллигини сақлаш;

ўсимлик дунёси объектларини сақлаш, улардан фойдаланиш, ҳимоя қилиш, қайта кўпайтириш ва тиклаш талабларига риоя этилишини таъминлаш.

Ўсимлик дунёси объектларининг давлат кадастри ўсимлик дунёси объектларининг тарқалиши, популяция ҳолати, сон ва сифат тавсифлари тўғрисидаги, ўсимлик дунёси объектларидан хўжаликда фойдаланиш хусусияти ва ҳажмлари ҳақидаги маълумотларни, ўсимлик дунёси объектларининг тарқалиш харитасини, ўсимлик дунёси объектлари ўсадиган умумий муҳит, ўсимлик дунёси объектларини иқтисодий баҳолаш тавсифини, кадастр маълумотларини тизимлаштириш, сақлаш, янгилаш ва манфаатдор фойдаланувчиларга тегишли шакл ҳамда ҳажмларда белгиланган тартибда тезкор бериш бўйича тартибга солувчи талабларни, ўсимлик дунёси объектлари ҳақидаги бошқа маълумотларни ўз ичига олади.



Ҳайвонот дунёси объектлари давлат кадастри

Ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастри куйидаги мақсадларда юритилади:
хайвонот дунёси объектларининг сон ва сифат ҳолатини аниқлаш;
хайвонот дунёси объектларини иқтисодий баҳолаш;
хайвонот дунёси объектларидан хўжаликда фойдаланиш ҳажмларини аниқлаш;
давлат органлари, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларга хайвонот дунёси объектларининг ҳолати тўғрисида ишончли ахборот тақдим этиш;

хайвонот дунёси объектларини сақлаш, улардан оқилона, барқарор фойдаланиш, химоя қилиш, қайта кўпайтириш ва тиклаш ҳамда уларнинг биологик хилма-хиллигини сақлашни ташкил этиш;

хайвонот дунёси объектларини сақлаш, улардан оқилона, барқарор фойдаланиш, химоя қилиш, қайта кўпайтириш ва тиклаш талабларига риоя этилишини таъминлаш.

Ҳайвонот дунёси объектларининг давлат кадастри:

хайвонот дунёси объектларининг тарқалиши, популяция ҳолати, сон ва сифат тавсифлари тўғрисидаги маълумотларни;

хайвонот дунёси объектларидан хўжаликда фойдаланиш хусусияти ва ҳажмлари ҳақидаги маълумотларни;

хайвонот дунёси объектларининг тарқалиш харитасини;

хайвонот дунёси объектларини иқтисодий баҳолашни;

хайвонот дунёси объектларининг яшаш муҳити ҳолати тўғрисидаги маълумотларни;

кадастр маълумотларини тизимлаштириш, сақлаш, янгилаш ва манфаатдор фойдаланувчиларга тегишли шакл ҳамда ҳажмларда белгиланган тартибда тезкор бериш бўйича тартибга солувчи талабларни;

хайвонот дунёси объектлари ҳақидаги бошқа маълумотни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат экология қўмитаси деб аталади) хайвонот дунёси объектларининг давлат кадастрини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси (кейинги ўринларда Фанлар академияси деб аталади) билан биргаликда юритади.

Ҳайвонот дунёси давлат кадастри



Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри

Муҳофаза этиладиган ҳудудлар давлат кадастри Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Фанлар академияси билан биргаликда юритилади ва табиий муҳитнинг муҳофаза этиладиган тоифаларига киритилган объектлари бўйича бирхиллаштирилган маълумотлар тўпламидан иборат бўлади

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри ана шундай ҳудудлар тармоқларини режалаштириш, уларни муҳофаза қилишни таъминлаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, тегишли тартибга риоя қилиниши устидан давлат назорати даражасини ошириш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг асосий тавсифлари билан тезкорлик билан танишиш, шунингдек уларнинг ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришни ривожлантиришдаги ролини ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

❖ Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри қуйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

- ❖ «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар» тематик қатлами;
- ❖ «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ўсимлик дунёси» тематик қатлами;
- ❖ «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳайвонот дунёси» тематик қатлами;
- ❖ «Давлат табиат ёдгорликларининг умумий тавсифи» тематик қатлами;
- ❖ «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий натижалари» тематик қатлами.




Чиқиндиларни қўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри

Чиқиндиларни қўмиш ва утилизация қилиш жойлари давлат кадастри бўйича атрибутив маълумотлар жадваллари яратилади ва улар қуйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

- ❖ «Чиқиндиларни қўмиш жойлари» тематик қатлами;
- ❖ «Чиқиндиларни утилизация қилиш жойлари» тематик қатлами.

Чикиндиларни кумиш ва утилизация қилиш давлат кадастри



Давлат шаҳарсозлик кадастри

Давлат шаҳарсозлик кадастри бўйича қуйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

- ❖ «Шаҳарсозлик объекти» тематик қатлами;
- ❖ «Функционал зоналар» тематик қатлами;
- ❖ «Худудни шаҳарсозлик нуқтаи назаридан баҳолаш» тематик қатлами;
- ❖ «Аҳоли пунктини геологик зоналаш» тематик қатлами.




Гидротехника иншоотлар давлат кадастри

Гидротехника иншоотлари давлат кадастри бўйича қуйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

- ❖ «Сув омборлари», «III синфдан паст капиталликдаги сув омборлари» ва «Сел омборлари» тематик қатламлари;

- ❖ «Гидроузеллар» ва «III классдан паст капиталликдаги гидроузеллар» тематик қатламлари;
- ❖ «Каналлар» ва «III классдан паст капиталликдаги каналлар» тематик қатламлари;
- ❖ «Насос станциялари» ва «III классдан паст капиталликдаги насос станциялари» тематик қатламлари;
- ❖ «Коллекторлар» ва «III классдан паст капиталликдаги коллекторлар» тематик қатламлари.



Маданий мерос объектлари давлат кадастри

Маданий мерос объектлари давлат кадастри бўйича қуйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

- ❖ «Архитектура ёдгорликлари» тематик қатлами;
- ❖ «Археологик ёдгорликлар» тематик қатлами;
- ❖ «Монументал санъат ёдгорликлари» тематик қатлами;
- ❖ «Диққатга сазовор жойлар» тематик қатлами.



Автомобил йўллари давлат кадастри

Автомобиль йўллари давлат кадастри бўйича қуйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:


- ❖ «Автомобиль йўлларининг умумий кўриниши» ва «Автомобиль йўллари» тематик қатламлари;
- ❖ «Сунъий иншоотлар» тематик қатлами;
- ❖ «Тартибга келтириш ва жиҳозлаш объектлари» тематик қатлами;
- ❖ «Йўллар чорраҳалари ва туташувлари» тематик қатлами;
- ❖ «Ҳимоя иншоотлари» тематик қатлами;
- ❖ «Бино-иншоотлар» тематик қатлами.



Темир йўллари давлат кадастри

Темир йўллар давлат кадастри бўйича қуйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

- ❖ «Станциялар» тематик қатлами;
- ❖ «Перегонлар» тематик қатлами;
- ❖ «Темир йўллар» тематик қатлами;
- ❖ «Ўтиш жойлари» тематик қатлами.



Етказиб бериш қувурлари давлат кадастри

Етказиб бериш қувурлари давлат кадастри қуйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

- ❖ «Газ етказиб бериш қувурлари — магистрал газопроводлар» тематик қатлами;
- ❖ «Газопровод-тармоқлари» тематик қатлами;
- ❖ «Газ тақсимлаш станциялари» тематик қатлами;
- ❖ «Компрессор станциялари» тематик қатлами;
- ❖ «Газни ер остида сақлаш станциялари» тематик қатлами;
- ❖ «Газни ер остида сақлаш станцияси кон зонаси» тематик қатлами.




Алоқа объектлари давлат кадастри

Алоқа объектлари давлат кадастри қуйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

- ❖ «Халқаро коммутация марказлари ва автоматик шаҳарлараро телефон станциялари», «Туман телекоммуникация узеллари ва шаҳар телекоммуникация боғламалари», «Автоматик телефон станциялари» тематик қатламлари;
- ❖ «Радиореле станциялари» тематик қатлами;
- ❖ «Радиотелевизион станциялар ва радио эшиттириш станциялари», «Йўлдош алоқаси ер станциялари» тематик қатламлари;
- ❖ «Мобиль алоқа коммутацияси марказлари», «Симсиз алоқа коммутацион боғламалари» тематик қатламлари;
- ❖ «Базавий қабул қилиш-узатиш станцияси» тематик қатлами;
- ❖ «Кабель алоқа линиялари» тематик қатлами;
- ❖ «Радиореле алоқа линиялари» тематик қатлами;
- ❖ «Почта алоқаси ҳудудий ташкилотлари», «Почта алоқаси шаҳар ва туман боғламалари», «Почтамтлар», «Почта алоқаси шаҳар ва қишлоқ бўлинмалари», «Алмашув пунктлари», «Почта пунктлари», «Курьер алоқаси объектлари» тематик қатламлари.

Алоқа объектлари давлат кадастри



Энергетика объектлари давлат кадастри

Энергетика объектлари давлат кадастри бўйича қуйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

- ❖ «Иссиқлик электростанциялари ва иссиқлик электр марказлари» тематик қатлами;
- ❖ «Гидравлик электростанциялар» тематик қатлами;
- ❖ «Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари» тематик қатлами;
- ❖ «Магистрал электр тармоқлари» тематик қатлами.




Табий хавфи юқори бўлган зоналар давлат кадастри

Табий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри бўйича қуйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

- ❖ «Хавфли геологик жараёнлар зоналари» тематик қатлами;
- ❖ «Хавфли геологик жараёнлар кичик зоналари» тематик қатлами;
- ❖ «Айрим хавфли геологик жараёнлар юзага чиқиш ҳоллари» тематик қатлами;
- ❖ «Сейсмоген зоналар» тематик қатлами;

- ❖ «Тебраниш зоналари» тематик қатлами;
- ❖ «Ер қобиғининг актив ёрилиш жойлари» тематик қатлами;
- ❖ «Кучли зилзилалар изосейслари (>5)» тематик қатлами;
- ❖ «Зилзилалар эпицентрлари» тематик қатлами;
- ❖ «Сейсмик станциялар» тематик қатлами;
- ❖ «Ҳаво ҳарорати 40 градус ва ундан ортиқ бўлган кунлар сони» тематик қатлами;
- ❖ «Ҳавода охирги баҳор аёзининг бўлиши санаси» тематик қатлами;
- ❖ «Тупроқда охирги баҳор аёзининг бўлиши санаси» тематик қатлами;
- ❖ «Ҳавода биринчи куз аёзининг келиши санаси» тематик қатлами;
- ❖ «Тупроқ сиртида биринчи куз аёзининг бўлиши санаси» тематик қатлами;
- ❖ «12 соат ва ундан кам вақт мобайнида 30 мм ва ундан ортиқ ёмғир кўринишидаги кучли ёғинлар бўлган суткалар сони» тематик қатлами;
- ❖ «12 соат ва ундан кам вақт мобайнида 20 мм ва ундан ортиқ қор кўринишидаги кучли ёғинлар бўлган суткалар сони» тематик қатлами;
- ❖ «Ярим сутка мобайнида ёмғир кўринишидаги кучли ёғинлар бўлган суткалар сони» тематик қатлами;
- ❖ «Ярим сутка мобайнида қор кўринишидаги кучли ёғинлар бўлган суткалар сони» тематик қатлами;
- ❖ «15 м/сек ва ундан ортиқ тезликдаги кучли шамол бўлган суткалар сони» тематик қатлами;
- ❖ «Турли меъёрлардан юқори шамол тезлигидаги кучли шамоллар бўлган суткалар сони» тематик қатлами;
- ❖ «Атмосфера қурғоқчилиги бўлган кунларнинг умумий сони» тематик қатлами;
- ❖ «Гидрологик постларнинг жойлашуви карта-схемаси» тематик қатлами;
- ❖ «Сув миқдорининг гидрологик тавсифлари ва ҳисобот йилининг вегетация даврида фоизлардаги таъминлануви» тематик қатлами;
- ❖ «Селлар» тематик қатлами;
- ❖ «Кўчкилар» тематик қатлами.
- ❖ «Кўп йиллик давр мобайнида ҳаво ҳарорати 40 градус ва ундан ортиқ бўлган кунлар сонининг тақсимланиши карта-схемаси» тематик қатлами;
- ❖ «Ҳаво ҳарорати 40 градус ва ундан ортиқ бўлган кунлар сонининг тақсимланиши карта-схемаси» тематик қатлами;
- ❖ «Кунлар тақсимланишининг кўп йиллик давр давомида атмосфера қурғоқчилиги кўрсаткичи кўрсатилган карта-схемаси» тематик қатлами;
- ❖ «Кунлар тақсимланишининг ҳисобот йили давомида атмосфера қурғоқчилиги кўрсаткичи кўрсатилган карта-схемаси» тематик қатлами;
- ❖ «Тошқинлар, сув босиш хавфининг тақсимланиши карта-схемаси» тематик қатлами;
- ❖ «Кўчки хавфининг тарқалиши карта-схемаси» тематик қатлами.

Табиий хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри




Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри

Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри бўйича қуйидаги тематик қатламлардан иборат бўлади:

- ❖ «Техноген хавф юқори бўлган зоналарга эга корхоналар» тематик қатлами;
- ❖ «Юқори техноген хавф юзага келиши мумкин бўлган зоналар» тематик қатлами;
- ❖ «Одамларни зонадан эвакуация қилиш ёки кўчириш» тематик қатлами;
- ❖ «Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфлилиги бўйича тавсифи» тематик қатлами;
- ❖ «Ёнғинга қарши сув манбалари» тематик қатлами;
- ❖ «Радиоактив маҳсулотларни, радиоактив ва бошқа моддаларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш объектлари» тематик қатлами;
- ❖ «Радиациявий хавфга эга корхоналар» тематик қатлами;
- ❖ «Радиациявий хавф юзага келиши мумкин бўлган зоналар» тематик қатлами шакллантирилади.

Техноген хавф юқори бўлган зоналар давлат кадастри



4. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш жараёнида ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш, ер мониторингини юритишни амалга ошириш.

4.1 Ер ресурсларидан фойдаланиш, уни муҳофаза қилинишида давлат назоратини амалга ошириш

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги “Ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш назоратини кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрларини юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5065-сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3024-сонли қарорига ҳамда бир қанча ер муносабатларини тартибга солиш тўғрисида Ҳукуматнинг қабул қилган қарорларига асосан Ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни назорат қилиш борасида ўтказиладиган текширишларни белгиланган тартибда амалга ошириш, ерга оид муносабатларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, қонун ҳужжатлари талабининг бузилиш сабаблари ва оқибатларини бартараф этишга йўналтирилган устувор вазифалар этиб қуйидагилар Давергеодезкадастр кўмитасига белгилаб берилган:

- ерга оид қонун ҳужжатларининг бузилишларини бартараф этиш, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

- айбдор мансабдор шахсларни ва фуқароларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилиши натижасида етказилган зарарни қоплаш ҳақида даъволар киритиш, ерга оид қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш учун тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга тақдимномалар йўллаш ва материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш;

- ерга оид қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тўхтатиш тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритишдан иборатдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Давергеодезкадастр кўмитаси тегишли вазирлик, идоралар билан ҳамкорликда “Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва 2019 йил 4 март куни Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ526-сонли Қонуни билан тасдиқланди.

Қонунга асосан Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят кодекси”, “Жиноят-процессуал кодекси”, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”, “Фуқаролик кодекси”, “Ер кодекси” ва “Солиқ кодекси”нинг ер муносабатларини тартибга солиш, ерларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 20 га яқин моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси “Жиноят кодекси”га суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаганлиги юзасидан 197¹-моддаси киритилди. Унга кўра юқоридаги қонун бузилишларга йўл қўйганлик учун бу қонун бузилишнинг оқибатларидан келиб чиқиб базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш, бу ҳол такроран ёки бир гуруҳ томонидан содир этилса, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилиб, бу норма 2019 йилнинг июнь ойидан кучга киритилди.

Ерларни, айниқса, суғориладиган ерларни асраб авайлаш, ерлардан самарали ва оқилона фойдаланиш бугунги куннинг энг долзарб масалалардан бири бўлиб турганлигини ҳисобга олиб, 2019 йил давомида Ер муносабатларини тартибга солиш, ерлардан самарали ва оқилона фойдаланиш ҳолатини доимий назорат қилиб бориш бўйича Давергеодезкадастр қўмитасида алоҳида “ТИЗИМ” яратилиб, ушбу тизим асосида тизимдаги **1 200 нафар**га яқин ер тузувчи (давлат инспектор)лари томонидан мавжуд ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳолатлари хатловдан ўтказилди.

Олиб борилган хатловлар натижасида республика бўйича **4 596 та** ҳолатда жами **1 941 гектар** ер майдони ердан фойдаланувчилар ва фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб, шундан **337 гектарига** (17%) уй-жой ва бошқа қурилишлар қуриб олганлиги ва ерлардан самарасиз фойдаланиб келинаётганлиги аниқланиб бартараф этилиши бўйича тегишли чоралар белгиланди.

Жумладан:

- ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган **2 582 нафар** ердан фойдаланувчиларга, **1 536 нафар** тадбиркорлик субъект раҳбарларига ер қонун бузилиш ҳолатларини зудлик билан бартараф этишларини сўраб бажарилиши мажбурий бўлган **кўрсатмалар** берилди;


- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва қўмита ўртасида тасдиқланган қўшма тартиб асосида чора кўриш ва қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун **1 331 та** ҳолат бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилиб вилоят ва туман **прокуратураларига** киритилди;

- ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонларини ҳамда қурилган ноқонуний қурилишларни буздириш ва тегишли чоралар кўришни сўраб **437 та** ҳолат бўйича судларга **даъво аризалар** киритилди;

- Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 85-моддаси (*Ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш ўстидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби*) талабларига асосан **2 339 мартаба** вилоят ва туман ҳокимликларига **тақдимномалар** киритилди.

Натижада, аниқланган ер қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича жойларда алоҳида ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, ҳар бир ер қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланиб бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Қўмита ва унинг ҳудудий тизимлари томонидан ердан фойдаланишни назорат қилиш юзасидан ўтказилган хатлов натижаси бўйича ер қонун бузилиш ҳолатлари таҳлили 4.1.1-;4.1.2-; 4.1.3-; 4.1.4 - расмларда ўз аксини топган.




4.1.1-расм. Ўтказилган мониторинглар натижасида аниқланган ер қонун бузилиш ҳолатларининг вилоятлар бўйича таҳлили (ер қонун бузилишлар сони, %).



4.1.2-расм. Ўтказилган хатловлар натижасида аниқланган ер қонун бузилиш ҳолатларининг вилоятлар бўйича таҳлили (ер қонун бузилишлар майdonи ва қурилган қурилишлар, гектарда).

Бартараф этиш бўйича олиб борилган чора-тадбирлар



4.1.3-расм. Аниқланган ер қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва тегишли чоралар кўриш юзасидан олиб борилган чоар-тадбирлар.

Бартараф этилган қонун бузилишлар сони ва майдони



4.1.4-расм. Аниқланган ер қонун бузилишларнинг бартараф этилиш ҳолатлари, майдони.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш ва ерлардан оқилона ва мақсадли фойдаланиш ҳолатларини ўрганиш мақсадида ўтказилган мониторинг натижасида аниқланган ер қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича амалга оширилган чора тадбирлар тўғрисида

МА Ъ Л У М О Т

4.1.1-жадвал

| Т/р | Худудлар номи | Аниқланган ноқонуний ҳолат | | | Ноқонуний ҳолатни бартараф этиш учун қўрилган чоралар хронологияси | | | | | | Қонун бузилиш бартараф этилиб, ер майдони ўз ҳолатига қайтарилганлар | |
|-----|------------------------------|----------------------------|-------------|------------------------------------|--|--|---|--|---|-------------|--|-------------|
| | | сони, га | майдони, га | шундан қурилиш қурилган майдон, га | шундан | | | | | | сони | майдони, га |
| | | | | | Айбдор берилган оғохлантиришлар сони | ер эгаларига берилган оғохлантиришлар сони | вилоят ва туман ҳокимларига тақдимнома сони | вилоят ва туман прокуратурасига юборилган хужжатлар сони | судларга киритилган даъво аризалар сони | | | |
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси | 478 | 118 | 8 | 292 | 119 | 242 | 63 | 23 | 276 | 90 | |
| 2 | Андижон | 62 | 25 | 1 | 48 | 46 | 56 | 48 | | 220 | 35 | |
| 3 | Бухоро | 293 | 88 | 13 | 78 | 56 | 260 | 118 | 28 | 95 | 19 | |
| 4 | Жиззах | 155 | 183 | 4 | 143 | 78 | 50 | 73 | 1 | 24 | 3 | |
| 5 | Қашқадарё | 129 | 54 | 2 | 47 | 16 | 17 | 23 | 4 | 15 | 2 | |
| 6 | Навой | 159 | 58 | 10 | 74 | 49 | 39 | 22 | 12 | 26 | 5 | |
| 7 | Наманган | 135 | 78 | 8 | 31 | 26 | 84 | 39 | 1 | 9 | 4 | |
| 8 | Самарқанд | 212 | 58 | 9 | 124 | 124 | 173 | 14 | | 54 | 3 | |
| 9 | Сурхондарё | 414 | 130 | 10 | 136 | 142 | 274 | 204 | 157 | 45 | 5 | |
| 10 | Сирдарё | 109 | 201 | 99 | 23 | | 40 | 48 | | 24 | 6 | |
| 11 | Тошкент | 1360 | 557 | 144 | 715 | 571 | 526 | 275 | 145 | 214 | 32 | |
| 12 | Фарғона | 349 | 344 | 10 | 282 | 218 | 242 | 164 | | 57 | 107 | |
| 13 | Хорвзм | 741 | 46 | 19 | 589 | 91 | 336 | 240 | 66 | 109 | 7 | |
| | ЖАМИ | 4596 | 1941 | 337 | 2582 | 1536 | 2339 | 1331 | 437 | 1168 | 316 | |


Шунингдек, қишлоқ хўжалик экинларининг режа асосида тўлиқ экилишини таъминлаш ҳамда ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиши юзасидан ўтказилган мониторинг натижасида аниқланган ер қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида **6780 та** бошқарув органига, жумладан **4527 мартаба** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, туман (шаҳар) ҳокимларига, **1754 та** наслчилик ширкат хўжалиги, фермер хўжалиги раҳбарларига ҳамда **499 та** ташкилот ва корхона раҳбарларига давлат ер назоратчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 85-моддаси талабларидан келиб чиқиб тақдимномалар киритилди, бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилди. Натижада республика бўйича ер қонун бузилиш ҳолатларининг камайишига ва содир этилган қонун бузилиш ҳолатлари бартараф этилишига эришилди. 4.1.5-расмда кўрсатилган.




4.1.5-расм. Ўтказилган мониторинглар натижасида аниқланган ер қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва тегишли чора тadbирлар белгилаш бўйича киритилган тақдимнома ва кўрсатмалар.

Кўмита ва унинг қуйи тизимлари томонидан ерлардан самарали, оқилона ва белгиланган мақсадларда фойдаланишни ташкил қилиш ҳамда ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг ер қонунчилигига риоя этишларини таъминлаш ва ер қонунбузилишларни олдини олиш мақсадида йил давомида жами 639 мартаба оммавий ахборот воситалари, матбуотлар орқали чиқишлар қилинди, шундан телевидения орқали 184 мартаба, радио орқали 111 мартаба, газеталар ва журналлар орқали 344 мартаба, ижтимоий тармоқлар орқали 860 мартаба чиқишлар қилинди ҳамда жойларда 503 мартаба кўргазмали семинарлар ташкил этилди. Юқоридаги ҳолатлар 4.1.6 – расмларда ўз аксини топган.

Телевиденида



Радио



Газета ва журналларда



4.1.6-расмлар. Соҳа мутахассислари томонидан ер қонун бузилишларнинг олдини олиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали қилинган чиқишлари.

Давлат ер назоратчилари томонидан жойларга чиқиб **19063** та хўжалик юритувчи субъектлар билан бевосита ердан оқилона ва самарали фойдаланиши юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди, **936 мартаба** семинарлар ўтказилди ва семинарда **34150** та раҳбар ходимлар ҳамда ердан фойдаланувчилар иштирок этишди, уларга **57** турдаги жами **8561** дона китоб, кўлланма, флаер ва буклетлар тарқатилди.

760 та тадбиркорлик субъектлари иштирокида олиб борилган профилактика натижасида **869** та йўл қўйилган хато ва камчилик бартараф этилишига ҳамда **402** та ҳолатдаги қонун бузилишларнинг олдини олишга эришилди.

Республика бўйича 2019 йил давомида **1322 мартаба** “Очиқ эшиклар куни” ташкил этилиб, тадбиркорлар ўзларининг **2849** та саволи билан қатнашди ва шундан соҳага тааллуқли бўлган **2680 тасига** ўз вақтида жавоб берилди, ҳудудларда ташкил этилган **193** та “Ишонч телефон”ига тадбиркорлар ўзларининг **1009** та саволи билан мурожаат қилишди ва шундан соҳага тааллуқли бўлган **972 тасига** белгиланган тартибда жавоблар берилди.

Амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар 4.1.2-жадвалда ўз аксини топган.

Шунингдек, фуқароларнинг томорқа ва дала томорқа ер участкаларидан фойдаланиш ҳолати мониторинг тартибидан ўрганилганда, республика бўйича жами **1984** та ҳолатда **520** гектар ер майдонидан белгилангандан бошқа мақсадларда фойдаланиб келинаётганлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Республика бўйича 2019 йилда хўжалик юритувчи субъектлар билан бевосита ердан оқилона ва самарали фойдаланиши юзасидан олиб борилган профилактикалар тўғрисида

МАЪЛУМОТ

4.1.2-жадвал

| Т/р | Идораат органлар номи | Ташқи этилган профилактикалар | | | | | “Очқоқ эшиклар” куни | | | Ишонч телефонлари | | |
|-----|------------------------------|---|---------------------------|--|-----------------------------|----------------------|----------------------------|----------------------------|----------------------|----------------------------|----------------------------|--|
| | | Жойларга чiqвб тушунтириши олиб борилган субъектлар сон | Ўтказилган семинарлар сон | Семинарлар да янгирок этилган тадбиркорлар сон | Тарқатилган қўлланмалар сон | Ташқи этилганлар сон | Қабул қилинган мурожаатлар | Шуқдан, хал этилганлар сон | Ташқи этилганлар сон | Қабул қилинган мурожаатлар | Шуқдан, хал этилганлар сон | |
| 1 | Корақалпоғистон Республикаси | 394 | 91 | 1215 | | 131 | 428 | 412 | 16 | 14 | 14 | |
| 2 | Андижон | 78 | 66 | 9601 | | 178 | 162 | 162 | 15 | 166 | 166 | |
| 3 | Бухоро | 40 | 18 | 369 | 28 | 88 | 166 | 155 | 13 | 111 | 111 | |
| 4 | Жиззах | 821 | 47 | 2249 | | 29 | 33 | 33 | 14 | 5 | 5 | |
| 5 | Қашқадарё | 102 | 69 | 381 | 7 | 70 | 125 | 116 | 14 | 88 | 86 | |
| 6 | Навоий | 406 | 43 | 984 | 492 | 97 | 148 | 117 | 11 | 17 | 17 | |
| 7 | Наманган | 39 | 5 | 854 | | 55 | 119 | 95 | 13 | 114 | 94 | |
| 8 | Самарқанд | 3713 | 84 | 2384 | 250 | 204 | 299 | 299 | 17 | 222 | 222 | |
| 9 | Сурхондарё | 688 | 30 | 597 | | 45 | 217 | 166 | 14 | 51 | 37 | |
| 10 | Сўғдларё | 415 | 2 | 50 | | 9 | 150 | 150 | 9 | 20 | 20 | |
| 11 | Тошкент | 453 | 109 | 1151 | | 84 | 86 | 62 | 23 | 25 | 24 | |
| 12 | Фарғона | 504 | 113 | 3542 | 7174 | 134 | 119 | 116 | 20 | 29 | 29 | |
| 13 | Хоразм | 6868 | 132 | 6868 | | 144 | 9 | 9 | 12 | 14 | 14 | |
| 14 | Тошкент шаҳар | 3327 | 115 | 3327 | 260 | 12 | 2 | 2 | 1 | 8 | 8 | |
| 15 | Қўمита | 1215 | 12 | 578 | 350 | 42 | 786 | 786 | 1 | 125 | 125 | |
| | ЖАМИ | 19063 | 936 | 34150 | 8561 | 1322 | 2849 | 2680 | 193 | 1009 | 972 | |

4.2. Навоий вилояти Нурота тумани ва Жиззах вилояти Фориш туманлари яйловларининг ҳолати


Мамлакатимизда ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги шароитида аҳоли сонининг ортиб бориши гўшт, сут, жун ва тери каби чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ҳам ошишига сабаб бўлмоқда. Аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини чорвачиликни ривожлантириш орқали кондиришда республикамизнинг табиий яйлов ва пичанзорлари муҳим табиий манба ҳисобланади.

Афсуски, охириги йилларда яйлов ва пичанзорларнинг аксарият қисмида маҳсулдорликнинг турли даражада пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Шу боисдан ушбу ҳудудларда ўсадиган ўсимлик дунёси ҳолатини янгича асосда ўрганиш, деградацияга учраган майдонлар улуши, ўсимлик қоплами билан қопланганлик даражаси, сув билан таъминланганлик (кудуклар, булоқлар ва бошқа манбалар) даражаси, чорва молларини боқишнинг яйловларга салбий таъсири, уларни боқиш муддати ва меъёрларини дунё тажрибасидан келиб чиққан ҳолда такомиллашган асосда ишлаб чиқиш ва қатъий бошқаришни йўлга қўйиш, камайиб бораётган озуқабоп ва доривор яйлов ўсимликларини уларнинг уруғчилигини ривожлантириш орқали сақлаб қолиш ҳамда оқилона фойдаланиш самарадорлигини оширувчи стратегик менежмент тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида илмий асосланган геоботаник изланишлар олиб бориш ҳозирги даврдаги энг долзарб масалалардан бирига айланди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги “Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 299-сонли, 2018 йил 7 ноябрдаги “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида”ги 914-сонли ҳамда 2019 йил 11 июндаги “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 484-сонли қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида **Навоий вилояти Нурота тумани ва Жиззах вилояти Фориш туманининг Еримбетов ва Омонгелди номли, “Арнасой”, “Дарбоза” ва “Кўктепа” массивларининг** мавжуд табиий яйлов ва пичанзорларидаги ўсимликлар дунёсини ўрганиш, ўсимлик дунёси объектлари давлат кадастри бўйича геоахборот тизимини шакллантириш ҳамда маълумотлар базасини яратиш мақсадида геоботаник тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Ҳудудларда бажарилган геоботаник тадқиқотлар 1:10 000 ва 1:25 000 масштабдаги кишлоқ хўжалик, ҳудудларнинг ортофотопланлари ва 1:50 000 масштабдаги аввалги йилларда бажарилган геоботаник хариталардан фойдаланилган ҳолда олиб борилди.


Ушбу ишларни бажариш жараёнида “Яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотлар ишларини ўтказиш тўғрисида”ги низом талабларига мувофиқ хўжаликнинг табиий яйлов ва пичанзорларидаги ўсимлик дунёси объектлари, яйловларнинг ҳолати, хилма-хиллиги, сифати, тарқалиш зичлиги ўрганилди, шунингдек, ем-хашак ўсимликларининг ҳосилдорлик даражалари мавсум бўйича ҳисоблаб чиқилди.




4.2.1-расм. Нурота туманининг 1:50 000 масштабли геоботаник яйлов харитаси схематик кўриниши.

Туманларнинг табиий шароитини ўрганишда турли табиий ва хўжалик контурлари, орфографияси, тупроғи, метрологик шароитлари, сув билан таъминланиши аниқланди. Дала ишлари натижасида хўжалик чегараси яйлов ўсимликлари турлари, нобоп ерлар, топталган ерлар, тақирлар ва шўртоблар аниқланди ҳамда харитага киритилди. Шунингдек, яйлов турларининг ҳар бири тўлиқ ёритилди ва ҳар бир яйлов ўсимликлари турларининг ҳосилдорлик даражасини аниқлаш учун ўсимлик турларининг сони ва сифати ҳисобга олинди. Олиб борилган тадқиқотларда кам учрайдиган ва ноёб ўсимлик турларидан гербарий намуналари олинди.

Нурота туманидаги мавжуд яйлов ўсимликларининг типлари бўйича ҳар бир фаслга ва ўртача ҳосилдорлиги тўғрисидаги маълумотлар 4.2.1-жадвалда келтирилган.



4.2.2-расм. Нурота туманидаги яйлов ва пичанзорларнинг тилпари бўйича тақсимланиши.



4.2.3-расм. Фориш туманидаги Еримбетов ва Омонгелди номли, “Арнасой”, “Дарбоза” ва “Кўктепа” массивларининг яйлов ва пичанзорларнинг тилпари бўйича тақсимланиши.

Нурота туманидаги мавжуд яйлов ўсимликларининг типлари бўйича ҳар бир фаслга ва ўртача ҳосилдорлиги

ЭКСПЛИКАЦИЯСИ

4.2.1-жадвал

| Яйлов тип рақами | Яйлов типлари номи | Яйлов майдони, га | Ўсимликлар билан қопланishi, % | Баҳор | | | Ёз | | | Куз | | | Қиш | | | Йиллик ўртача | | |
|------------------|----------------------------|-------------------|--------------------------------|---|---------------------|-----------------------------|---|---------------------|-----------------------------|---|---------------------|-----------------------------|---|---------------------|-----------------------------|---|---------------------|-----------------------------|
| | | | | Ҳосилдорлик, ц/га (қуруқ масса ҳисобида) | Озука бирлиги, ц/га | Ҳазмланувчан протейин, ц/га | Ҳосилдорлик, ц/га (қуруқ масса ҳисобида) | Озука бирлиги, ц/га | Ҳазмланувчан протейин, ц/га | Ҳосилдорлик, ц/га (қуруқ масса ҳисобида) | Озука бирлиги, ц/га | Ҳазмланувчан протейин, ц/га | Ҳосилдорлик, ц/га (қуруқ масса ҳисобида) | Озука бирлиги, ц/га | Ҳазмланувчан протейин, ц/га | Ҳосилдорлик, ц/га (қуруқ масса ҳисобида) | Озука бирлиги, ц/га | Ҳазмланувчан протейин, ц/га |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| 1 | Оқ саксовулли | 6189,0 | 77,5 | 4,03 | 2,53 | 0,32 | 3,27 | 1,61 | 0,16 | 3,90 | 1,54 | 0,14 | 3,17 | 1,17 | 0,06 | 3,5 | 1,75 | 0,18 |
| 2 | Жузунли | 10135,0 | 80,0 | 4,55 | 3,11 | 0,37 | 3,60 | 1,50 | 0,31 | 4,58 | 1,60 | 2,62 | 3,85 | 1,01 | 0,07 | 4,1 | 1,84 | 0,61 |
| 7 | Жусанли | 233539,0 | 78,9 | 4,19 | 2,77 | 0,48 | 3,23 | 1,60 | 0,17 | 3,37 | 1,33 | 0,13 | 2,52 | 0,84 | 0,09 | 3,4 | 1,71 | 0,23 |
| 11 | Исирикли | 14544,0 | 76,8 | 3,46 | 2,26 | 0,28 | 2,80 | 1,35 | 0,13 | 2,46 | 0,97 | 0,09 | 1,75 | 0,55 | 0,04 | 2,7 | 1,36 | 0,14 |
| 25 | Турли ўтли-рангли | 10433,2 | 80,0 | 4,50 | 2,10 | 0,34 | 4,40 | 2,17 | 0,19 | 4,50 | 1,63 | 0,16 | 3,70 | 0,97 | 0,07 | 4,3 | 1,81 | 0,20 |
| 26 | Жусанли-рангли | 112104,0 | 77,4 | 4,01 | 2,62 | 0,37 | 3,22 | 1,56 | 0,16 | 3,42 | 1,29 | 0,11 | 2,53 | 0,74 | 0,14 | 3,3 | 1,62 | 0,21 |
| 29 | Турли ўтли-эфемерли | 14529,0 | 82,0 | 3,44 | 2,53 | 0,43 | 2,42 | 1,28 | 0,13 | 1,80 | 0,78 | 0,06 | 1,22 | 0,36 | 0,03 | 2,3 | 1,34 | 0,18 |
| 31 | Адирада турли ўтли-шувоқли | 40862,0 | 79,8 | 3,84 | 2,78 | 0,35 | 3,25 | 1,66 | 0,16 | 3,17 | 1,28 | 0,13 | 2,27 | 0,70 | 0,05 | 3,2 | 1,69 | 0,18 |
| 33 | Бугдойикли | 9200,0 | 69,0 | 4,00 | 3,10 | 0,37 | 3,30 | 1,90 | 0,19 | 3,30 | 1,40 | 0,11 | 1,80 | 0,58 | 0,05 | 3,2 | 1,86 | 0,20 |
| 34 | Типчақли-бугдойикли | 404,0 | 40,0 | 3,00 | 2,30 | 0,24 | 2,60 | 1,30 | 0,12 | 2,30 | 1,00 | 0,10 | 1,30 | 0,42 | 0,04 | 2,4 | 1,33 | 0,13 |
| | Жами яйловлар | 472434,2 | | | | | | | | | | | | | | | | |

Бажарилган ишлар натижасида **Нурота ва Фориш туманларидаги** озуқабоп ем-хашак ўсимликларининг яшаш шароити, флористик таркибига кўра: **3-5** тагача яйлов гуруҳи, **6-8** та яйловлар типи ва ўсимликлар қопламининг **13-21** тагача яйлов хилларига ажратилди.

Дала ишлари давомида **120-280** тагача асосий ва **250-300** тагача кўшимча ўсимликлар тавсифи дафтарчаси тузилиб, бута, яримбута ва йирик ўтлар учун **200-280** тагача трансект тузилди, майда ўтлар учун **300-500** тагача ўрим майдончаси белгилаб олинди.

Тадқиқотларда ўрганилган туманлардаги жами **678 251,6** гектар яйлов ва пичанзорларнинг инсонлар ва чорва моллари таъсирида **23 736,7** гектар яйлов ер майдони турли даражада деградацияга учраганлиги, **7 130** гектар яйловлар буталар билан чангалзорлашганлиги, бундан ташқари **1 930** гектар яйлов ер майдони турли даражада эрозияга учраганлиги аниқланди. Қуйида айрим яйлов типлари расмлари илова қилинади (5, 6-расмлар).

Ўрганилган туманларнинг чўл минтақасида жойлашган ҳудудларда чорва моллари асосан, кудук ва Айдар кўл сувларидан фойдаланган ҳолда суғорилади. Кудуклар чуқурлиги 15 метрдан 40 метргача бўлиб, сув сатҳи турличадир. Кўп кудуклар муҳандислик иншоотлари асосида қурилган бўлиб, асосан, турли даражада шўрланган сувлардан иборат. Юқори адир минтақаларида эса чорва молларини суғориш, асосан, булоқ сувлари ҳисобига амалга оширилади. Табиий яйлов ва пичанзорлар асосан булоқ, ёмғир ва грунт сувлари ҳисобига ривожланади. Нурота туманидаги мавжуд суғориш иншоотлари сони ва уларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар 4.2.2-жадвалда келтирилган.

Нурота туманидаги мавжуд суғориш иншоотлари сони ва уларнинг ҳолати

4.2.2-жадвал

| Т/р | Массивлар | Ишлайдиган кудуклар | Ишламайдиган кудуклар | Таъмирғалаб кудуклар | Лойиҳа кудуклар | Скважиналар | Булоқлар |
|-----|---------------------|---------------------|-----------------------|----------------------|-----------------|-------------|------------|
| 1 | Кизилча МЧЖ | 32 | 1 | 1 | | 1 | |
| 2 | Нурота МЧЖ | 64 | 5 | 1 | | 1 | |
| 3 | Мустақиллик массиви | 2 | 4 | | | 39 | |
| 4 | Ўзбекистон массиви | 11 | | | | 2 | 140 |
| 5 | Истиқлол МЧЖ | 68 | | 1 | | 188 | |
| 6 | Ғазғон МЧЖ | 20 | 1 | 1 | 3 | 33 | 14 |
| 7 | Ш.Рашидов массиви | 3 | | | | 1 | 62 |
| 8 | А.Навобий массиви | | | | | 131 | |
| | Жами | 200 | 11 | 4 | 3 | 396 | 216 |

Хулоса. Ўрганилган ҳудудларда 2019 йилнинг қиш ва баҳор фаслларида об-ҳаво шароитларининг яхши келганлиги сабабли яйловларнинг ҳолатини яхши деб ҳисоблаш мумкин. Эфемер ва эфемероидлар эрта баҳорда ёғингарчилик кўп бўлганлиги сабабли жуда яхши ривожланганлиги ҳамда бута, ярим бута ва йирик ўсимликлар ҳам яхши ўсганлиги кузатилди. Бу эса яйловларда чорва молларини мунтазам боқиш имкониятини беради.

Ўрганилган ҳудуд яйловларини яхшилаш ҳамда тиклаш бўйича таклиф ва тавсиялар:

- яйловларда чорва молларини тартибли алмашлаб (навбатлаб) боқиш тизимини жорий қилиш;

- инқирозга учраган яйловларни тиклаш мақсадида, озуқабоп ўсимликларни бирламчи уруғчилик майдонларини ташкил этиш;

- деградацияга учраган яйлов ер майдонларида яйлов ўсимликларини бойитиш, ўтлоқларда кам истеъмол қилинадиган ўтларни озуқа жиҳатидан қимматлироқ бўлган эспарцет, астрагал, изень, терескен, шувоқ, эркак ўт каби ўсимликлар билан алмаштириш тадбирларини ўтказиш лозим. Чунки яйловларда қимматли озуқавий ўсимликларнинг жорий этилиши яйловларнинг маҳсулдорлигини гектарига 8-10 ц/гача ошириш ҳамда чорва моллари сиғимини 2-3 баробаргача кўтариш имконини беради;

- фермер хўжаликлари ва яйловдан фойдаланувчилар кооперативлари томонидан маълум ҳудудларни сим тўсиқлар билан ўраш орқали яйлов уруғчилиги ташкил этиш имконини беради, ўз навбатида ушбу майдонларда қишлоғга захира сифатида пичанзорлар ҳосил бўлади;

- дарахт, бута ва яримбута ўсимликларни аҳоли томонидан ёқилғи ва бошқа мақсадларда фойдаланмаслик учун аҳолига туман ҳокимликлари ва мутасадди ташкилотлари раҳбарлар иштирокида амалий семинар ва тушунтириш ишларини олиб бориш ҳамда бошқа ёқилғи манбалари (газбалон, газплита ва бошқ.) билан таъминлаш;

- чорва моллари меъёрини яйловларда тенг тақсимлаш, чорва бош сонини ошириб кетишига йўл қўймаслик;

- аҳолидан узоқ ҳудудларда чорва молларини сақлайдиган ва чўпонлар учун махсус жойлар ташкил этиш;

- фармацевтика ва бошқа мақсадларда ўсимликларни йиғиб олувчилар томонидан йиғилган ўсимликлар ўрнига ҳудди ўша ўсимлик турлари уруғларини экишни ташкил қилиш;

- яйловларда тупроқ ва шамол эрозия туфайли ўсимлик қоплами камайишининг олдини олиш учун эрозияга қарши ихота дарахтзорларини ташкил қилиш ишлари келгусида ўзининг ижобий самарасини беради.



4.2.5-расм. Оқ саксовулли яйлов тип.



4.2.6-расм. Жусанли яйлов тури.

4.3 Ер фондининг ҳолатини кузатиш, ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, салбий жараёнларни олдини олиш ва оқибатларини тугатиш, ер мониторингини юритиш

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 14-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 496-сонли қарорида ер мониторингининг мақсадлари, вазифалари аниқ қилиб белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг барча ерлари, уларнинг ҳуқуқий режими, фойдаланилиш мақсади ва характеридан қатъий назар, мониторинг объекти ҳисобланади.

Ер мониторинги ер фонди тоифаларига мувофиқ, ерлардан фойдаланиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади.

Республикаimiz мустақилликка эришганидан сўнг, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа йўналишларда кенг қамровли ислохотлар ўтказишга киришилди. Хусусан, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки ер халқ хўжалигининг барча тармоқлари тизимида ва кишлок хўжалик маҳсулотларини етиштиришда асосий восита ҳамда манба ҳисобланади. Шу боис у аҳоли ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида” ги 496-сонли қарорини қабул қилишдан мақсад ерлардан оқилона фойдаланиш, ер фондидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, салбий жараёнларни олдини олиш ва оқибатларини тугатиш, ерларга баҳо бериш, ер тузиш, давлат ер кадастри юритилиши ва ерларни муҳофаза қилишда давлат назоратини амалга ошириш тартиботларининг ҳуқуқий пойдеворини яратди.

Мазкур қарор ижроси юзасидан кўмита томонидан 2019 йилда қуйидагилар амалга оширилди.

Жиззах, Навоий, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги суғориладиган, лалми ва яйлов тупроқларида тупроқ тадқиқотлари олиб борилиб, тупроқ ва сув намуналарининг кимёвий таҳлил натижалари асосида, турли геоморфологик районларда тарқалган тупроқларнинг ҳолати, уларда кечаётган салбий жараёнлар тўғрисида маълумотлар тайёрланди:

Жумаладан, Жиззах вилояти бўйича:

1. Мониторинг тадқиқотлари ўтказилган СЭМ ва ЯСЭМ ер майдонлари тупроқларнинг ҳажм массаси суғориладиган ўтлоқи тупроқлар ва лалми ерларни ҳайдов ва ҳайдов остки қатламида 1,35-1,41 г/см³ дан 1,48-1,64 г/см³ гача бўлган ораликда бўлиб, умумий ғоваклиги ушбу тупроқларда 41-47% ташкил қилиб, кишлоқ хўжалиги экинлари ривожланиши учун бу кўрсаткич қониқарсиз ҳисобланади.

2. Суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдалма қатламидаги гумус миқдори ўртача 0,62-0,89% ни, типик бўз тупроқларда 0,74-1,05%, ўтлоқи аллювиал тупроқларда 0,68-0,95%, тўқ тусли бўз тупроқларда 0,88-1,15% ташкил этиб, кам даражада таъминланган. Гумус билан кам таъминланган туманларга Арнасой, Тошкент, Зарбдор, Зомин, Жиззах ва Ғаллаорол туманлари суғориладиган типик бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқлари киради.

3. Умумий азот миқдори 0,026-0,037%, ялпи фосфор 0,15% дан 0,20% гача ва калий миқдори 0,45-1,38% ташкил этган. Ҳаракатчан фосфорнинг энг юқори миқдори суғориладиган бўз-ўтлоқи (26,0-43,0 мг/кг) ва типик бўз тупроқларда (30,0-70,0 мг/кг) қайд этилган. Вилоятнинг суғориладиган бўз-ўтлоқи, типик бўз ва ўтлоқи тупроқлари ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий билан ўртача таъминланган. Уларга Арнасой, Мирзачўл, Зарбдор, Зомин, Жиззах ва Ғаллаорол туманлари суғориладиган типик бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқлари киради. Зарбдор ва Жиззах туманлари суғориладиган ер майдонларида гипсни ҳайдов ости қатламларида тўпланиш жараёнлари қайд этилган.

4. Лалми типик бўз тупроқлар таркибидаги гумус миқдорига нисбатан камбағал бўлиб, ҳайдалма қатламларда 0,82-1,10% ни ташкил этиб, пастки қатламлар томон камайиб боради. Бу ҳолат вилоятнинг Зомин туманидаги Янги чорвадор, Бахмал туманидаги Қўшчинор массивларидаги, Жиззах ва Ғаллаорол туманлари лалми типик бўз ва тўқ тусли бўз тупроқларини ҳайдалма қатламидаги гумус миқдори меъёрдан икки баробар кам (0,86-1,04%). Кўриқ типик бўз, ва тўқ тусли бўз тупроқларда гумус миқдори мос равишда 1,08-1,41%, ва 1,06-1,68% кўрсаткичларда қайд этилди. Шунингдек, лалми ва яйлов тупроқлар ҳаракатчан фосфор билан кам таъминланган (21,0 мг/кг), алмашинувчи калий (200,0-354,0 мг/кг) билан ўрта ва юқори даражада таъминланган.

Суғориладиган тупроқлар ҳаракатчан мис ва сувда эрувчи бор (В) билан кам ва ўртача даражада (Мирзачўл, Дўстлик, Ғаллаорол, Зарбдор ва Зафаробод туманлари) таъминланган, ҳаракатчан марганец ва рух элементлари миқдори “чегараланган” сонларда ва ундан юқори (Дўстлик, Мирзачўл, Жиззах ва Арнасой туманларида) кўрсаткичларда кузатилди. Лалми ва яйлов тупроқларда ҳаракатчан мис, рух ва марганец миқдорлари билан кам (Зомин, Бахмал ва Жиззах туманлари) таъминланган.

5. Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги А.Саркисов номли, Арнасой туманидаги Қозоғистон, Зафаробод туманидаги Х.Олимжон номли, Ғаллаорол тумани Бўстон массивларининг янгидан суғориладиган бўз-ўтлоқи, типик бўз тупроқларнинг ҳайдов қатламида оғир металллар ва пестицидлар миқдори ўрганилганда ҳайдов ва унинг қуйи қатламларида никель элементи аниқланди. Қолдик хлорорганик пестицидларнинг метоболитларидан αГХЦГ ва γГХЦГ лар ҳайдов ости (23-42см ва 42-74см) қатламлари учраши қайд этилди. Шунингдек, ДДЕ нинг қолдиқлар (4 мг/кг) аниқланган. Тупроқ профили бўйлаб никел элементи қолдиқларининг тўпланганлиги кузатилган.

Зарбдор тумани Андижон массивнинг СЭМ ларининг янгидан суғориладиган ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдов қатламида оғир металллар ўрганилганда, никел ва хром элементлари

микдори 5,5 ва 10,0 мг/кг микдорда аниқланди ва улар кесма профили бўйича қуйига томон тебраниб борган. Тупроқ профилининг 35-62 см чуқурлигида бу хром ва никелни тўпланган микдори 5,5-20,0 мг/кг да аниқланган. Ҳайдов ва қуйи ҳайдов ости қатламларида қолдиқ хлороорганик пестицидларнинг метоболитлари α ГХЦГ, γ ГХЦГ ва ДДЭ ва ДДТлар кам микдорда бўлса ҳам аниқланган.

Вилоятнинг барча туманларида никель ва хром элементларининг қолдиқ ҳолда тўпланиши қайд этилди. Хлороорганик пестицидларнинг метоболитлари α ГХЦГ, γ ГХЦГ ва ДДЭ ва ДДТлар вилоятдаги Дўстлик, Ғаллаорол, Зарбдор ва Жиззах туманлари суғориладиган ер майдонларида қайд этилган. ДДТ пестицидининг юқори микдорда тўпланганлиги Бўстон ва Андижон массивлари суғориладиган тупроқларида рухсат этилган меъёр(РЭМ)дан бир неча маротаба юқори эканлиги қайд этилган. ДДЕ ва ДДТ метоболитлари тупроқнинг пастки горизонтларида баъзан тўпланиб қолганлигини, ДДД метоболитини эса хосса-хусусияти жиҳатидан парчаланиш давом этаётганлигини кўриш мумкин. Ушбу пестицидлар (ГХЦГ ва ДДТ) ўсимликларнинг пояси, уруғи ва толаларида ҳам аниқланган. Оғир металллар ер ости сизот сувларида аниқланмади.

Бўстон, Қозоғистон, Андижон массивлари суғориладиган тупроқларида, айниқса, кальций, магний ва натрийларнинг тупроқ қатламлари бўйлаб тарқалиши айнан оғир металлларнинг тарқалишига мос келади. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тупроқ таркибига антропоген омиллар таъсирида токсик моддаларнинг кириши ва сув-атмосфера ҳавоси орқали тупроқ қатламларида тўпланиши давом этмоқда.

6. Вилоят ҳудудида ўрганилган тоғ олди текисликлари суғориладиган ва лалми ерлари тупроқларини мавсумий шўрланаётган тупроқлар гуруҳига киритиш мумкин, тупроқлар профилидаги тузларнинг қайд қилинган микдорлари 0,160-0,480% дан 0,710-1,605% гача етади, баъзан тупроқларда реликт чуқур кучсиз, ўртача ва баъзан кучли шўрланишлар кузатилади. Шўрланиш типига кўра, суғориладиган ва лалми типик бўз, ўтлоқи-бўз, ва бўз-ўтлоқи, ўтлоқи тупроқлари юқоридан рельеф элементларининг қуйи текислик қисмига томон йўналишда асосан сульфатли (гидрокарбонат-сульфатли) шўрланиш типидан хлорид-сульфатли шўрланиш типигача ўзгаради, айрим майдонларда сульфатли шўрланиш типига сақланиб қолган.

7. Вилоятнинг тоғли, тоғ олди ҳудудлари ва лалмикор ерларида ирригацион эрозия натижасида кучсиз, ўртача ва кучли ювилган ҳамда ювилиб тўпланган тупроқлар шаклланган. Ирригация эрозияси жараёни суғориладиган ерларда ҳамда тоғли ва тоғ олди қиялик ерларда аниқ намоён бўлган. Вилоятни Ғаллаорол, Зомин, Бахмал, Жиззах, Зарбдор туманларининг яйлов, лалми ва суғориладиган ер майдонлари турли даражада ирригацион эрозияга учраган. Бу турдаги тупроқ эрозияси натижасида ҳар йили гектаридан 100-150 тоннагача тупроқлар ювилиб кетади. Ушбу ювилиб кетадиган тупроқлар билан гумуснинг йиллик йўқотилиши гектарига 500-800 кг, азот 100-120 кг, фосфор 75-100 кг ва ундан ортиқ микдорларни ташкил этган. Тупроқ эрозиясига вилоятнинг Ғаллаорол, Бахмал, Зарбдор ва Фориш туманлари суғориладиган ер майдонларининг 30-40% турли даражада учраган.

Навоий вилояти бўйича:

1. Мониторинг тадқиқотлари ўтказилган СЭМ ва ЯСЭМ ер майдонлари тупроқларнинг ҳажм массаси суғориладиган бўз-ўтлоқи, сур тусли кўнғир-ўтлоқи, ўтлоқи-чўл ва ўтлоқи аллювиал тупроқларни ҳайдов ва ҳайдов остки қатламида 1,40-1,46 г/см³ дан 1,46-1,50 г/см³ гача бўлган ораликда бўлиб, умумий ғоваклиги ушбу тупроқларда 45-47% ташкил қилиб, қоникарсиз ҳисобланади.

2. Оғир қумоқли ва кучли зичлашган (Қ.Рахимов массиви бўз-ўтлоқи ва Ибн Сино массивидаги ўтлоқи аллювиал) тупроқларда ҳайдов ости қатламда пулут товони ҳосил бўлиб, сув ўтказувчанликнинг жуда ёмон кечиши қайд этилган.

3. Суғориладиган типик бўз тупроқларнинг ҳайдалма қатламидаги гумус миқдори ўртача 0,507-0,657% ни, лалмисида 0,517-0,756% ташкил этиб, кам таъминланган. Ҳаракатчан фосфорнинг миқдори суғориладиган типик бўзда (6,0-27,2 мг/кг) ва лалмисида (7,04-8,0 мг/кг) қайд этилган бўлиб кам ва ўртача таъминланган, алмашинувчи калий билан жуда кам (76-100 мг/кг) таъминланган. Тоғ олди ва саҳро минтақасидаги яйлов сифатида фойдаланиб келаётган тупроқлар шамол таъсирида дефлатцияга учраганлиги сабабли гумус ва озика элементлар камайганлиги кузатилди.

4. Навоий вилояти қишлоқ хўжалиқда фойдаланишдаги танланган калит майдонлар суғориладиган тупроқлар ҳаракатчан мис, рух ва марганец билан кам ва ўртача даражада таъминланган, сувда эрувчи бор (В) миқдори “чегараланган” сонлардан етарли ва юқори кўрсаткичларда кузатилди. Лалми ва яйлов тупроқларда ҳаракатчан мис, рух ва марганец миқдорлари билан кам таъминланган.

5. Навоий вилоятининг суғориладиган тупроқларида хлорорганик пестицидларнинг тарқалиши фақат тупроқнинг қуйи қатламларида сизот суви билан чегарадош(кесишган) қисмларида икки ва ундан ортиқ ҳолатлари аниқланган.

Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлари таркибидан олинган намуналарда β-ГХЦГ ҳайдов ости тупроқларида РЭМдан 1,9 баробар, 46-80 см бўлган қатламда РЭМдан 2,7 баробаргача юқори бўлиб, қуйи томон унинг миқдори РЭМ 3,56 баробарга ортиши кузатилган. Тупроқнинг 28-46 см қатламида γ-ГХЦГ миқдори 0,28 мг/кг бўлиб, РЭМдан 2,8 баробарга, пастки қатламлар томон 1,1-3,56 баробаргача ортиб бориши кузатилган. Пестицид турлари бўйича ДДЕ энг юқори кўрсаткичда эканлигини 8-кесманинг 80-104 см бўлган қатламида кўриш мумкин, яъни РЭМдан 4,2 баробарга ортиқлиги аниқланган. Суғориладиган типик бўз тупроқларда α-β-γ-ГХЦГ ҳайдов ва ҳайдов ости тупроқларида РЭМлардан кам эканлиги кузатилиб, 47-83 ва 83-112 см пастки қатламда уларнинг 2,21-3,5 баробаргача ортиқ миқдори сақланиб қолган. Энг кўп кўрсаткич ДДТ метоболитида аниқланган бўлиб, бу ҳолат тупроқ кесмасининг 83-112 см қатламида 0,54 мг/кг учраганлиги қайд этилди. Энг катта кўрсаткич 83-112 см бўлган қатламда 5,4 баробарга РЭМдан кўп тўпланиб қолганлиги, тупроқ она жинси томон эса қуйидача тарқалиши аниқланган: 0,031 → 0,07 → 0,45 → 0,54 → 0,27 мг/кг. γ-ГХЦГнинг кесмалар профилида тўпланиши бўйича барча кесмаларни 0-30 см ли қатламларидан пастки қатламлар томон кўпайиб бориши кузатиш мумкин.

6. Ўрганилган барча вилоят тупроқларида ҳаракатчан шаклдаги хром, никель, кадмий ва кўрғошин элементларининг РЭМдан 1,2 марта ва 1,6 мартагача юқорилиги қайт этилди. Масалан суғориладиган типик бўз тупроқларда бу кўрсаткич ҳайдов қатламда хром элементи 37,5 мг/кг бўлиб, ҳайдов остида эса 38,5 мг/кг, рухсат этилган меъёрдан эса 1,07-1,10 мартага ортган.

7. Вилоят ҳудудида ўрганилган калит майдонлардаги СЭМ ва ЯСЭМ массивларида тупроқларнинг шўрланганлик даражаси ва шўрланиш химизми ҳудуднинг литологик – геоморфологик тузилиши, гидрогеологик, тупроқ-иклим ва инсон-хўжалиқ шароитларига боғлиқ ҳолда, асосан кучсиз ва ўртача шўрланган тупроқ айирмаларидан иборат бўлиб, жуда кам ҳолатларда кучли шўрланган тупроқлар учрайди. Бундай тупроқлар Маликчўл текислиги (Конимех, Қизилтепа, Кармана туманларида) ва Зарафшон дарёси I-қайин усти террасасида шаклланган гидроморф (Хатирчи туманида) тупроқларида катта майдонларни ташкил этган. Суғориладиган тупроқларини қуйи қатламларида сувда осон эрувчан тузларни шаклланиши ва доғларни пайдо бўлганлиги 2005 йилда аниқланган бўлса, 2019 йилда тупроқларни ҳайдов ости қатламларидан бошлаб сувда осон эрувчан тузларнинг майда кристаллар шаклида тўпланиб бориш жараёни кузатилган ва 2019 йилда туз кристаллари тўлиқ шаклланган.

8. Деградация ва дегумификация жараёнларига Хатирчи туманидаги “Оқ олтин” суғориладиган типик бўз тупроқлар (100%), Ибн Сино номли массивидан суғориладиган оч

тусли бўз тупроқлар (100%), “Учкара” массивидан лалми типик бўз тупроқлар (100%), Нурота туманидаги Ш.Рашидов номли массивидан лалми оч тусли бўз тупроқлар (80%), Томди туманидаги “Томди” массиви массивидан сур тусли кўнғир тупроқлари (80%), Учкудук туманидаги “Мингбулок” массивидан чўл қумли тупроқлар (80%), Конимех туманидаги “Конимех” массивидан чўл қумли тупроқлар (70%), учраганлиги мониторинг натижасида аниқланди.

9. Нурота ва Хатирчи туманлари ҳудудлари лалми ва яйлов тупроқларида эрозия жараёнларининг муттасил кечиши натижасида ҳар йил гектаридан 100-150 тоннагача тупроқ ювилиб кетади. Ушбу ювилиб кетадиган тупроқ билан гумуснинг йиллик йўқотилиши гектарига 500-800 кг ни, азот 100-120 кг ни, фосфор 75-100 кг ва ундан ортиқ микдорни ташкил этади. Қишлоқ хўжалигига яроқли жами (20,1 минг га) лалмикор ер майдонлари 10,8% кучсиз, 28,7% ўртача ва 5,1% кучли ювилишга учраган. Суғориладиган минтақада фақат Хатирчи туманида тарқалган суғориладиган типик ва оч тусли бўз тупроқлар эрозияга учраган бўлиб жами туман бўйича қишлоқ хўжалиги ерларининг кучсиз эрозияга учрагани - 4,6%, ўртача эрозияга учрагани -8,1% ни ташкил этади.

Наманган вилояти бўйича:

1. Мониторинг натижалари СЭМ ва ЯСЭМ ер майдонлари тупроқларнинг ҳажм массаси суғориладиган тўқ тусли бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи соз тупроқларнинг ҳайдов ва ҳайдов остки қатламида 1,51-1,67 г/см³ дан 1,52-1,72 г/см³ гача жуда хам зичлашиб кетганлигини кўрсатади ва қониқарсиз ҳисобланди.

2. Олинган маълумотларга кўра, суғориш натижасида тупроқларнинг юқори қатламидаги ил заррачаларининг пастга қараб ювилиши кузатилди. Суғориладиган тупроқларнинг юқори қатлами механик таркибини енгиллашиши унумдорлигини пасайишига олиб келади.

3. Ўрганилган суғориладиган типик бўз тупроқларнинг ҳайдалма қатламидаги гумус миқдори ўртача 0,503-0,639% ни, сур тусли кўнғир тупроқларда 0,845-0,918% ни ва ўтлоқи саз тупроқларда 0,575-0,608% ташкил этиб, ушбу тупроқлар гумус билан кам даражада таъминланган ҳисобланади.

4. Ҳаракатчан фосфор билан таъминланишига кўра Ғалаба массиви суғориладиган типик бўз, Ғайрат массиви суғориладиган оч тусли бўз, Қуғай массиви суғориладиган бўз-ўтлоқи, Соҳибкор массиви суғориладиган ўтлоқи, Гулистон суғориладиган ўтлоқи аллювиал, Навбаҳор массиви суғориладиган ўтлоқи саз аллювиал, Худайберганов номли массив суғориладиган сур тусли кўнғир ва Ўзбекистон массиви суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқлари ҳайдов қатламида 7,36-11,2 мг/кг атрофида ташкил этиб, ушбу тупроқлар жуда кам таъминланган гуруҳга тўғри келади. Алмашинувчи калий миқдорида кўра юқорида келтирилган массивларнинг суғориладиган тупроқлари асосан кам ва ўртача даражада таъминланган.

5. Ўрганилган яйлов тўқ тусли бўз, типик бўз ва сур тусли кўнғир тупроқларида ҳаракатчан фосфор миқдори ҳайдов қатламида 7,04-12,78 мг/кг ни ташкил этиб, ушбу тупроқлар ҳаракатчан фосфор билан таъминланишига кўра жуда кам таъминланган тоифага кирган.

6. Суғориладиган сур тусли кўнғир ва бўз-ўтлоқи тупроқлари ҳайдов ва ҳайдов ости қатламлари таркибида ҳаракатчан шаклдаги мис миқдори 0,34-0,38 мг/кг бўлиб, ушбу тупроқлар “чегараланган сонлар” (0,4-0,8 мг/кг)дан кам. Ҳаракатчан шаклдаги рух билан суғориладиган сур тусли кўнғир ва ўтлоқи аллювиал тупроқлари ҳайдов ва ҳайдов ости қатламлари “чегараланган” сонлар (1,5-2,5 мг/кг)дан кам. Ҳаракатчан шаклдаги марганец билан суғориладиган ўтлоқи тупроқларининг ҳайдов ва ҳайдов ости қатламлари таҳлил

килинганда унинг миқдори 69,3-78,1 оралиғида тебраниб, “чегараланган” сонлар (80,0-100,0 мг/кг)дан кам. Ҳаракатчан шаклдаги марганец билан суғориладиган сур тусли кўнғир, оч тусли бўз, Ўзбекистон массиви суғориладиган бўз-ўтлоқи, ўтлоқи ва ўтлоқи аллювиал тупроқлари ҳайдов ва ҳайдов ости қатламлари “чегараланган” сонлар (0,8-1,2 мг/кг)дан юқори миқдорда эканлиги аниқланди.

7. Яйлов тўқ тусли бўз тупроқларнинг юқори қатламлари таркибида ҳаракатчан шаклдаги мис миқдори 0,89-1,14 мг/кг бўлиб, ушбу тупроқлар “чегараланган сонлар” (0,4-0,8 мг/кг)дан кўплиги, ҳаракатчан шаклдаги рух билан эса, “чегараланган” сонлар (1,5-2,5 мг/кг)дан кам таъминланган.

8. Вилоят тупроқларида ҳаракатчан шаклдаги хром, никель, кадмий ва қўрғошин элементларининг РЭМдан 1,2 марта ва 1,6 мартагача юқорилиги қайд этилди. Эскидан ва янгидан суғориладиган тупроқларда суғориш натижасида қишлоқ хўжалигида кўп фойдаланган минерал ўғитлар таъсирида ҳамда автотранспорт ёнилғисидан тарқалаётган қўрғошин билан ифлосланиш ҳолати кузатилмоқда.

9. Вилоят худудида ўрганилган суғориладиган ва яйлов ерлари тупроқларини мавсумий шўрланаётган-шўрсизланаётган тупроқлар гуруҳига киритиш мумкин, тупроқлар профилидаги тузларнинг қайд қилинган миқдори 0,250-0,665% гача бўлган, фақат айрим кесмаларда 1,075% гача етади. Шўрланиш типига кўра асосан сульфатли типиди учрайди. суғориладиган сур тусли кўнғир, ўтлоқи аллювиал ва ўтлоқи соз тупроқлари хлорид-сульфатли типиди бўлиб, ўртача ва кучли даражада шўрланишга учраган.

Фарғона вилояти бўйича:

1. Фарғона вилояти суғориладиган тупроқларда, сизот сувлари сатҳи текислик худудларидаги гидроморф тупроқларда 2010 йилда ўртача 1,35-2,20 см., 2019 йилда ўртача 1,17-1,175см. жойлашганлиги қайд этилган ва ушбу ҳолатлар Ёзёвон, Фурқат, Бешариқ, Данғара ва Бувайда туманларининг суғориладиган тупроқларда аниқланди.

2. Суғориладиган тупроқларини куйи қатламларида сувда осон эрувчан тузларнинг мавжудлиги Марказий Фарғона чўл зонаси да 2010 йилда аниқланган бўлса, 2019 йилда ушбу худуд тупроқларни ҳайдов ости қатламларидан бошлаб сувда осон эрувчан тузларни кристаллар шаклида тўпланиб бориши қайд этилди. Бундай шўрланган ер майдонлари Ёзёвон (67,2%), Бувайда (71,4%), Боғдод (65,4%), Бешариқ (54%), Тошлоқ (44,6%), Қўштөпа (69%), Данғара (68,5%), Учкўприк (37,5%) ва Фурқат (70,8%) туманларининг суғориладиган ер майдонларида аниқланди. Яна ҳам мелиоратив ҳолати мураккаб бўлган Марказий Фарғона чўл зонаси худудларида жойлашган суғориладиган ер майдонларининг 40-45% мелиоратив ҳолати ўта ёмон ерлар бўлиб, деградация ва дегмификацияга учраган.

3. 2010 йилда вилоят суғориладиган гидроморф тупроқларда гумус билан кам таъминланган ер майдонлари 55,0%, ўртача 42,0% ва етарли даражада 3,0% ер майдонларини ташкил этган, 2019 йилда гумус билан кам таъминланган ер майдонлари 58,1%, ўртача 39,0% ва етарли даражада 2,9% ер майдонларини ташкил этган, тупроқдаги гумус билан кам даражада таъминланган суғориладиган ер майдонлари Фурқат, Қува, Данғара, Ёзёвон, Ўзбекистон ва Бешариқ туманларининг асосий қишлоқ хўжалик ер майдонларида қайд этилган.

4. Қишлоқ хўжалигига яроқли суғориладиган ер майдонларида эрозияга жараёнларига учраган вилоятнинг Ўзбекистон туманидаги Азизов номли, Бозорбоши, Нурсук массивларида, Фарғона тумани Водил қизил кўрғони ва Аввал, Қува тумани Гулистон ва Абдураззовов номли, Олтиариқ тумани Ал-Фарғоний номли, Риштон тумани Аҳмедов номли ва Паррандачилик фермаси хўжаликларида ирригация эрозияси қайд этилган.

5. Ўрганилган туманларнинг маълумотларига кўра, 2010 йили вилоятни 78,63% суғориладиган ер майдонлари турли даражада шўрланган, 2018 йилга келиб Фарғона вилояти суғориладиган тупроқ қопламларида шўрланган ер майдонлари 61,2%, жами

шўрланган ерларга нисбатан суғориладиган ерларнинг ўртача, кучли ва жуда кучли шўрланган ер майдонлари 43,8% ни ташкил этган.

6. Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Ҳ.Марозиқов номли массиви янгидан суғориладиган ўтлоқи саз тупроқларида хром элементи 0-31 см бўлган қатламда 54,7 мг/кг, Бешариқ ва Ўзбекистон туманларининг эскидан суғориладиган ўтлоқи ва тақир-ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдов қатламларида 39,8-54,7 мг/кг гача ошиб бориши кузатилган. Рухсат этилган меъёрлардан 1,56 баробарга ортиб бориши кузатилган.

7. Фарғона вилоятининг Фурқат тумани Дўстлик массивида тарқалган янгидан суғориладиган ўтлоқи соз тупроқларда кадмий элементининг ҳаракатчан шакли ҳайдов қатламда 0,61 мг/кг миқдорда бўлиб, РЭМ дан бир оз юқорилиги билан кўриш мумкин.

8. Кўрғошин элементи тарқалиши ўрганилган барча тупроқларда РЭМдан юқорилиги кўриб ўтилган, энг кўп кўрсаткич Ўзбекистон ва Фурқат туманларида қайд этилди. Фурқат тумани Дўстлик массивида тарқалган янгидан суғориладиган ўтлоқи соз тупроқларда ҳайдов қатламда кўрғошин элементи 15,32 мг/кг, Ўзбекистон туманининг эскидан суғориладиган тақир-ўтлоқи тупроқларининг 0-20 см қатламида 15,81 мг/кг тўпланиши қайд этилган. Ҳаракатчан шаклдаги кўрғошин учун РЭМ 10 мг/кг бўлиб, бу Тошлоқ ва Бешариқ туманларида тарқалган тупроқларда кўрғошиннинг РЭМ дан бир оз кўтарилиши аниқланган. Фарғона вилояти тупроқларида ҳаракатчан шаклдаги хром, никель, кадмий ва кўрғошин элементларининг РЭМдан 1,2 марта ва 1,6 мартагача юқорилиги қайд этилган.

9. Пестицидларнинг ГХЦГ ва унинг метаболитлари учун тупроқ таркибида рухсат этилган миқдор (РЭМ) 0,1 мг/кг ни ташкил этади. Лаборатория натижаларида барча кесмалардан олинган аналитик маълумотларда пестицидларнинг юқори миқдори, яъни тупроқ учун белгиланган РЭМ, 1 баробардан икки ва ундан ортиқ миқдори аниқланган. Кимёвий анализ натижаларида аниқланишича, α -ГХЦГ барча кесмаларнинг 0-30 см қатламидан пастки томонларга қараб тўпланишидан дарак беради.

Аввалги ўтказилган мониторинг тадқиқотларида хлорорганик пестицидларнинг қолдиқ миқдори анча юқори миқдорларда >5 РЭМ тупроқларнинг ҳайдов қатламида аниқланган, ГХЦГ нинг 6 изомери ва ДДТ устунлик қилган. Ксенобиотикларнинг миқдори, энг қуйи қатламларда ҳам анча юқори миқдорларини ҳамда сизот сувларига ўтиш эҳтимолини сақлаб қолган. Гидроморф тупроқларнинг ҳайдов қатламида ГХЦГ в изомерининг энг катта 1 РЭМ атрофидаги миқдори аниқланган. Фарғона вилояти тупроқларининг ифлосланганлиги оғир металллар ва чидамли пестицидларнинг олиб келиниши агрономик тадбирлар: минерал ўғитлар ва ўсимликларни химоя қилиш воситаларини қўллаш натижасида юзага келган. Антропоген таъсир фақатгина қадимдан суғориладиган тупроқларда намоён бўлади. Шунинг билан биргаликда трофик занжир бўйлаб уларнинг қишлоқ хўжалик экинлари ва етиштирилаётган маҳсулотлар таркибига ўтиши мумкин.

10. Ўрганилган мониторинг режим кузатувларида табиий яйлов тупроқлари таркибида ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий моддалари миқдорининг камайиб бориши қайд этилган.